

Маънавият оиладан бошланади

➔ 2.



БУГУНГИ СОНДА:



1 августдан ойлик иш ҳақи неча фоизга ошади?

Электр энергия: адолатли тариф сиёсати аҳоли учун ҳамёнбop бўлади



Янги электр ҳисоблагичларнинг афзаллиги нимада?

Табий газ таъминотида барқарорлик таъминланади



Солиқ: ўзгаришлар халқ манфаатига хизмат қилади... (ми?)

Пулимиздаги «000» рақамлар яна қанча кўпаяди?



«Ўзбекистон ҳаво йўллари»: хорижга парвоз қилиш нега қиммат?



«...Бахтсиз оилаларнинг бахтсизлиги турличадир...»



➔ 20.

Маҳмуд ИСМОИЛОВ:

«Санъат соҳасини танлаб адашмаганман»



➔ 25.

Маънавият оиладан бошланади

ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ
БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
ҲАМКОРЛИГИДА ПОЙТАХТИМИЗ МАҲАЛЛАЛАРИДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН МАЪРИФИЙ
УЧРАШУВЛАР ТОБОРА САМИМИЙ ВА ҚИЗГИН ТУС ОЛМОҚДА

Халқимиз барча замонларда маънавиятга интилиб, унга таяниб, ундан куч олиб яшаб келган. Зотан, майса нурга интилгани каби ўзини англаган ёки англашга интилаётган инсон ҳам мудом маънавият томон талпиниб яшайди.

Онгу шууримизга сингганидек, маънавият инсон ахлоқи, умрининг мазмуни бўлибгина қолмай, имон-этикодининг ажралмас ўзаги ҳамдир. Маънавияти бой инсон жамият, Ватан, эл-юрт олдида доимо ўзини бурчли билади, ўзини тинч қўймаган масъулияти эса унинг этикодини юксалтиради. Хар бир одам қалби ва шуурида алоҳида кечадиган бу рухий жараён умумлаштирилса, бутун бир халқ, миллат ва оила маънавияти келиб чиқади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида «Маънавият оиладан бошланади» мавзусидаги учрашувларда ана шундай фикрлар ўз исботини топомоқда. Пойтахтимиз маҳаллаларида ташкиллаштирилаётган мазкур тадбирларда эл суйган шоирлар, адиблар ва санъаткорлар аҳоли билан дилдан мулоқот қилаштирлар.

— Оила маънавиятини шу оила умргазаронлик қилаётган маҳалла мухити ва унинг таъсиридан айро тасаввур қилиш мумкин эмас, — дейди **Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши раиси ўринбосари Дилшода Мирзажонов.**

— Шу нуқтаи назардан, оила ва маҳалла муштарак тушунчалардир. Инсон улардан бирида туғилса, иккинчисиде камол топиб, ўзлигини англайди. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон маҳаллалари каби кучли, самарали ва таъсирчан восита



бошқа мамлакатларда йўқлигининг ўзбек бизнинг халқимизни бир поғона юқорига кўтарди. Аҳоли ўртасида китобхонлик маданиятини ошириш, адабиётга, шеъриятга меҳр уйғотишда маҳалла институтининг ўрни бекиёс. Таъкидлаш ўринлики, бадииятга, шеъриятга ошно бўлган кишилар истикомат қиладиган маҳаллаларда ижтимоий-маънавий мухит барқарор бўлади, турли зарарли таъсирлар бундай кишиларни таслим этолмайди.

«Кулоқдан юракка кирар экан нур...»

*«Китоб бор уйга нур-файз ёғар десам,
Бу балки китобий гапга ўхшайди.
Ўқингга очилган китобни кўринг:
Дуога очилган китобга ўхшайди».*

Таникли шоир Дилшод Ражабнинг ушбу мисралари пойтахтимизнинг Мирзо Улугбек тумани «Авайхон» маҳалла фуқаролар йиғинининг мухташам биносиде ўтган учрашувда янгради. Ўзал шеърлар, дилрабо куй-қўшиқлардан сўнг оила, бола тарбияси, ота-оналик масъулияти ҳақида баҳс юритилди.

— Замоनावий ўзбек танкидчилигининг ёркин намоянаси, атокли жамоат арбоби, моҳир сўз санъаткори Озод Шарафиддиновдан кўп одамлар «Фарзандимни қандай тарбияласам, у яхши одам бўлиб етишадими?», «Боламга қандай шароит ҳозирласам экан?», «Фарзандимнинг тарбияси учун нима ишлар қилай?» каби саволлар билан му-

рожаат этишар, аммо устоз уларга савол билан жавоб қайтардилар: «Ўйингда китобнинг борми?», — дейди **Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, таникли шоир Дилшод Ражаб.** — Фарзанд тарбияси учун қимматбаҳо ашёлар шартмас, унга китоб совға қилиш, қалбиде китобга меҳр уйғотиш — энг яхши тарбиядир. Бунинг учун эса ота-онанинг ўзи ибрат бўлмоғи, боланинг ўқиган китоблари ҳақида қизиқиб, суҳбатлашмоғи керак.

Дарҳақиқат, оилавий муносабатлар нисбатан мустақил ҳодиса бўлиб, хонадоннинг ички ишларига ҳудда-беҳудага аралашшига ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Шу боис оилада маънавий муҳитнинг шаклланиши ота ва онанинг маънавий оламига боғлиқ. Катталарга ҳурмат-иззат кўрсатиш, уларнинг олдида одоб сақлаш, дуосини олиш ота-боболаримиздан бизга мерос бўлиб келмоқда. Мана шу анъаналар, кадриятларга амал қилиб яшасак, фарзандларимиз ҳам беихтиёр бизга эргашади.

«Авайхон»даги учрашувда маҳалла қошида тузилган «Авайхон садолари» фольклор дастасининг чиқиши, айниқса, барчага кўтаринки қайфият улашди. Термалар, лапарлар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан ижро этган бувижонларни миллий кадриятларимизни асраб-авайлаб келаётган фойдиёлар, деҳ таърифлаш тўғри бўлади. Чунки улар айни хордик чикарадиган ёшда бўлишларига қарамай ёш авлодларга ушбу ўлмас меросни безавол етказиш учун беиминг ҳаракат қилишадигани таҳсинга лойиқ.

Баҳрибайтда ким ютди?

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Бектемир тумани кенгаши биносиде ташкиллаштирилган учрашувда қутилмаган ҳодиса юз берди. Тумандаги 289-умумтаълим мактаби ўқувчилари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вакиллари — шоирларни баҳрибайт мусобақасига қоралашди.

— Ким тўхтаб қолса, ютказган ҳисобланади! — деди шаддоғина ўқувчи киз.

Ундаги бу шижоат йиғилганларнинг юзига табассум улашди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бўлим бошлиғи, шоир Рустам Мирвоҳид қизлар билан «шеърий жанг»га киришди. Мумтоз адабиётимиз вакиллари, замоनावий ўзбек

шеърияти дурдоналари янграй бошлади.

«Қаро қошинг, қалам қошинг, қийқ қайрилма қошинг қиз,

Қилур қатлимга қасд қайраб қаро қотил қарошинг қиз.

Қафасда қалб қушин қийнаб қанот қоқмоққа қўймайсан,

Қараб қўйган қиз, қалбимни қиздирсин қўйинг қиз...»

Бетакрор бадиий топилмалар билан яралган ушбу шеърда ўз таърифларини эшитиш ғазалхон қизларни ҳаяжонга солдики ёки таникли шоирларнинг салобати босдики, қизлар бош ҳарфи «з» билан бошланувчи шеър тополмай қаловлиниб қолишди. Шоирларни эса шеърхонлиқда енгиб бўлармиди. Яна гўзал мисралар янгради. Йиғилганларнинг қалби олам-олам завққа тўлди.

Бадиий кечада маҳалла фаолларининг орасиде ҳам ижодкорлар оз эмаслиғи аён бўлди. Хусусан, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Бектемир тумани кенгаши раисининг кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича ўринбосари Равшан Исоков ҳам ўз шеърларидан ўқиди. Айниқса, 289-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Абдуазим Абдусаломовнинг «Менинг тоғам — маҳалламиз раиси» деб номланган шеъри ушбу тизим ҳодимларининг машаққатли меҳнатини, жонбозлигини тараннум этгани туфайли барчага манзур бўлди.

Учрашув якунида эса шеър айтган, саволлар билан шоирларни ўйлатириб қўйган ёшларга энг бебаҳо совғалар — китоблар улашилди.

Маҳалла — оиланинг энг яқин маслаҳатчиси, тоғдек таянчидир

Олмазор тумани «Олтинсой» маҳалла фуқаролар йиғинида ташкиллаштирилган ижодий учрашувга маҳалла фуқаролар йиғинлари мутасаддилари, янги сайланган раислар, жамоатчилик комиссиялари аъзолари, вояга етмаганлар, шу ҳудудларда яшайдиган ижодкор кишилар тақлиф этилди. Учрашув адабиёт байрамига айланиб кетди. Айниқса, Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, «Меҳнат шухрати» ордени соҳибаси, шоира Зулфия Мўминованинг шеърлари кечага ўзгача файз киритди. Таникли шоира шеърхонлик баҳси давомиде давлатимиз раҳбари томонидан адабиётга, ижод аҳлига кўрсатилаётган эътибор ҳақида ҳам фикр юритилди.

Эл суйган шоирлару ёзувчилар билан биргалиқда ташкиллаштирилаётган бундай тадбирларни нафақат пойтахт маҳаллаларида, балки бутун республикамиз ҳудудлари бўйлаб ўтказиш режалаштирилган. Бундай ташаббус ижодкорларни халқ билан яқинлаштирибгина қолмай, ёш авлод қалбиде Ватанга мухаббатни сайқаллаб, адабиётга, китобхонлиққа рағбат уйғотиши тайин.

Юлдуз ХОЖИЕВА
«Mahalla»



Ўзбекистон – Қозоғистон ўртасиде халқаро аҳамиятга молик автомагистраль йўл очилди.

1 августдан ОЙЛИК ИШ ҲАҚИ неча фоизга ошади?

ХЎШ, БАРОБАР ВА ФОИЗЛАРДА НАМОЁН БЎЛАЁТГАН РАҚАМЛАР ИШ ҲАҚИГА ТЎЛОВЛАРНИ, ПЕНСИЯДАГИ МАБЛАҒЛАРНИ ҚЎЛИМИЗГА ҚАБУЛ ҚИЛГАНДА ҚАНЧАЛИК ТОШ БОСАДИ?

Ўтган вақт давомида қайси соҳага қўл урилмасин, қандай ташаббуслар илгари сурилмасин, уларнинг моҳиятига эътибор қаратилса, Президент ҳар куни, ҳар дақиқа, ҳар жабҳада халқ ҳақида қайғураётганини англаш қийин эмас. Дунёда кечаётган зиддиятлар, экспорт орқали даромад топишдаги оғир шароитлар даврида халқ учун эзгуликка йўғрилган ҳаракату лойиҳаларни ҳаётга фаоллик билан татбиқ этиш, албатта, давлат раҳбаридан жуда катта жасорат ва журъатни талаб этади.

Ўзбекистонда бўлаётган бугун ва келажакка дахлдор янгиланишларни кўрмаслик, сезмаслик мумкин эмас. Албатта, буларнинг барчаси танлаган йўлимиз оғир ва машаққатли бўлса-да, тўғри эканидан далолатдир. Давлатимиз раҳбари жорий йилнинг 12 июлида халқ ҳаётини фаровон қилиш, оддий одамлар, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ўзларини бу ҳаётда муносиб ҳис қилишлари учун олиб борилаётган хайрли ишларнинг мантикий давоми

албатта, тарихий қадамдир. Хўш, баробар ва фоизларда намоён бўлаётган рақамлар иш ҳақиға тўловларни, пенсиядаги маблағларни қўлимизга қабул қилганда қанчалик тош босади?

Қайд этиш ўринли, фармонда назарда тутилган ўзгаришлар камида 2,5 миллиондан ортиқ бюджет ташкилотидан ишловчи ходимларнинг иш ҳақи, 84 мингга яқин талабанинг стипендияси, 267 мингдан зиёд ногиронлиги бўлган шахсларнинг нафақаси ҳамда 3,3 мил-

лион келади. Дейлик, шу санадан эътиборан, ўқитувчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 2,4 млн. сўм, шифокорларда 2,1 млн. сўм, маданият ва спорт соҳаси ходимларида 2 млн. сўмни ташкил этади.

Ногиронлиги бўлган шахсларга қандай қулайликлар яратилади?

Хужжат билан пенсия ва ижтимоий нафақа олувчиларнинг



ликлдан ногиронлиги бўлган 300 мингга яқин шахсларга бериладиган нафаканинг энг кам миқдори ҳам эндиликда 436 150 сўм этиб белгиланди.

Шу билан бирга, II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларнинг ногиронлик пенсияси энг кам миқдорини белгилашга нисбатан ёндашувлар ҳам тубдан қайта қўриб чиқилди. Хусусан, янги тартибга кўра, бундай тоифадаги шахслар пенсиясининг энг кам миқдори — ҳозирги ёшга доир энг кам пенсиянинг 50 фоизидан 75 фоизига оширилди. Ушбу ўзгариш қарийб 50 мингга яқин ногиронлиги бўлган шахсларнинг пенсия миқдорини ўртача 145 фоизга оширишни таъминлайди. Ўз навбатида, II гуруҳ ногиронлиги бўлган ёлғиз шахсларнинг пенсиясига устама миқдори ҳам ҳозирги энг кам иш ҳақининг 50 фоизидан 75 фоизига кўтарилди. Яъни ҳар ойлик пенсияси миқдорига яна қўшимча равишда 55 750 сўм қўшилади.

болаликдан I гуруҳ ногиронлик нафақаси олувчиларга ҳар ойда энг кам иш ҳақининг 25 фоизи миқдорига қўшимча тўлов жорий қилинмоқда. Бу энг камида 23 мингдан зиёд шахсларнинг нафақасига 55 750 сўм қўшимча ҳақ қўшилади деганидир.

Боқувчисини йўқотганлик нафақалари оила аъзоларининг сонига нисбатан амалдаги фоиз ҳисобида ёшга доир энг кам пенсия миқдоридан келиб чиқиб ҳисобланади. Масалан, ҳозирги кунда икки нафар меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоси учун ҳар ойда 182,5 минг сўм нафақа олаётган оила, жорий йил августдан бошлаб ҳар ойда 327,1 минг сўм ёки қўшимча 144,6 минг сўм (79,2 фоиз) кўпроқ нафақа олишди.

Иш ҳақи миқдорининг ошиши муносабати билан Президентнинг 2019 йил 21 майдаги тегишли фармони ҳам ўзгариш киритилиб, жорий йил 1 сентябрдан «энг кам ойлик иш ҳақи» ўрнига киритилаётган «меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори» 577 170 сўмдан 634 880 сўмга оширилди.

Фармонда кўрсатилган ўзгаришлар билан боғлиқ барча ҳаражатлар Давлат бюджети ва Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жағмараси ҳисобидан амалга оширилиб, жорий йилнинг ўзига айна мақсадларга 3,5 трлн. сўмга яқин маблағ йўналтирилади.

Сирасини айтганда, жаҳон молиявий-иктисодий инқирози ҳамон барча давлатлар иктисодиётига ўзининг салбий таъсирини кўрсатаётган ҳозирги мураккаб ва оғир шароитда Ўзбекистоннинг халқ ҳаёти билан боғлиқ бундай қадамларни ташлаши ишонч ва шижоатдан далолатдир. Экспертлар фикрича, бугунги вазиятда дунёда камдан-кам мамлакатларгина мазкур йўналишда катъий чора-ларни кўра оляпти. Президент томонидан қабул қилинган юқоридаги фармон айна жиҳатлари билан ҳам аҳамиятлидир.

Шерзод МУҲАММЕДОВ,
Молия вазирлиги бўлим бошлиғи.



сифатида яна бир муҳим ҳужжат — «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ҳамда нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

Фармон ҳар йили қабул қилинадиган айна мазмундаги ҳужжатлардан фарқ қилади. Боиси бу гал унинг моҳиятида нафақат ойликларни кўтариш масаласи, балки ижтимоий ҳимояни янада кучайтириш, ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга ғамхўрлик кўрсатиш маслағи ҳам ўз аксини топган.


Минимал иш ҳақи энди 223 000 сўм!

Хужжатда кўрсатиб ўтилганидек, шу йилнинг 1 августидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ҳамда нафақалар миқдори 1,1 баробар, яъни 10 фоизга оширилиши, ногиронлик пенсиялари 50 фоиздан 75 фоизгача кўтариллиши, уларнинг айримларига эса 25 фоиз миқдорига қўшимча тўлов жорий қилиниши,

лондан ортиқ пенсионернинг пенсия миқдори оширилишига бевоқиф таъсир қилади.

1 августдан Ўзбекистонда энг кам ойлик иш ҳақи 223 000 сўм миқдорига белгиланмоқда. Таъкидлаш жоизки, минимал иш ҳақи миқдорининг ошиши, ўз навбатида, ўртача ойлик иш ҳақининг кўпайишига ҳам

моддий таъминоти ҳам яхшиланади. Эндиликда ёшга доир пенсиянинг энг кам миқдори ойига 436 150 сўмни ташкил этади. Фармонда ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусан, минимал миқдорларда нафақа олувчиларга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, бола-




Ўзбекистонда иш ҳақи, стипендия ва пенсияларни индексация қилишга қарийб 3,5 трлн. сўм йўналтирилади.

Электр энергия: адолатли тариф сиёсати аҳоли учун ҳамёнбоп бўлади

ТАРИФ ТИЗИМИНИНГ ЎЗГАРИШИ АҲОЛИГА СИФАТЛИ ВА ҲАМЁНБОП НАРХЛАРДА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ЕТКАЗИБ БЕРИШНИ НАЗАРДА TUTАДИ, УНИ ТАБИЙ РЕСУРСЛАРДАН МАҚСАДЛИ ФОЙДАЛАНИШГА ЎРГАТАДИ

Бугунги ахборотлар маконидан бир зум чалғисангиз борми, бутун дунёдан узилиб қоласиз. Уларнинг баъзилари кишини хурсанд қилса, баъзилари табиий саволларни туғдиради. Сўнги кунларда электр энергияси тарифлари ўзгариши ҳақидаги хабар ана шундай шов-шувларга сабаб бўлди. Зум ўтмай «энергия нархи ошармиш?», «энди бозордаги нархлар ҳам қимматлашар экан», «масъуллар қачон оддий халқ ҳақида ўйлайди» каби миш-мишлар болалади. Хўш, ўзи нима гап? Гап шундаки, халқ вакиллари ва соҳа мутахассислари фикрлари инобатга олинган ҳолда мамлакатимизда энергия ресурслари тарифлари оптималлаштирилиши кутилмоқда. Бу ангиллик интернет сайтлари, ижтимоий тармоқларда турли муҳокамаларга сабаб бўлаётир. Аслида вазият қандай?



Давлат бюджетига «тешик» юзага келади

Маълумотларга кўра, Ўзбекистон жаҳонда электр энергиясини истеъмолчига етказиб бериш нархлари арзон (2,9 цент) мамлакатлар каторига қиради (қиёслаш учун, Германияда 33 цент, Японияда 22 цент, Хитойда 8 цент атрофида). Аммо узок муддат сунъий равишда энергия ресурсларининг нисбатан арзон тарифларини сақлаб туриш соҳа ривожига муаммолар келиб чиқишига сабаб бўлади. Энергия ишлаб чиқарувчилар тизимли равишда молиявий зиён кўриб ишлайди, мамлакатда энергия сарфи асоссиз равишда ошиб боради, субсидиялар ҳисобига давлат бюджетига «тешик» юзага келади ҳамда энергетика тармоғини модернизация қилиш жуда қимматга тушади.

гияси ишлаб чиқарувчи корхоналар махсулотини давлат томонидан жиловланган нархларда сотини оқибатида зарар кўриб ишлайди. Табиийки, ҳеч қайси инвестор ўз маблағини бундай молиявий зарар келтирувчи, истикболсиз лойиҳаларга тикмайди. Шунингдек, йирик халқаро молия ташкилотлари ҳам кредитлар ажратиш учун давлат раҳбариятидан мувозанатли бюджет шакллантиришни талаб қилади.

Хулоса қилишга шошилманг!

Табиийки, энергия истеъмолчилари ўртасида таъминот адолатли бўлиши керак. Чунки аҳолининг барчаси бирдек бой ёки бирдек камбағал эмас. Шунинг учун ҳам минимал энергия ресурслари ишлатадиганлар тўлов чоғида рағбатни ҳис қилиши лозим. Бунинг учун республикамиз бўйича мавжуд 7,5 миллионга абонент замонавий электр ҳисоблаш қурилмалари билан таъминланади.

Тадбиркор зарарга ишласа?

Ўзбекистонда электр энер-

Нархларнинг эркинлаштирилиши электр энергияси ишлаб чиқарувчи корхоналарни истеъмолчи учун курашишга чорлайди. Натижада ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш орқали истеъмолчига етказиб берилаётган махсулот нархини янада туширишга ҳаракат қилишади. Истеъмолчи эса ўзига энг макбули ва энг ҳамёнбопини танлаш ҳуқуқига эга бўлади. Бозорда кўмир, табиий газ, гидроэнергия, шамол ва бошқа турдаги бирламчи энергия манбаларидан фойдаланувчи турли электр станциялари орасида ҳам рақобат юзага келади.

Электр энергия бозорида эркин нарх шаклланиши, табиийки, таклиф ўсишига олиб келади. Ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчи корхоналар истеъмолчилар талабини қондириш учун янги қувватларни ишга туширади, рақобатбардош нархларда энергия импортини йўлга қўйишади. Бу жараёнлар мамлакатда энергия танқислиги муаммоси счимига йўл очади.

Демак, ваҳима қилишга асос йўқ. Тариф тизимининг ўзгариши аҳолига сифатли ва ҳамёнбоп нархларда электр энергияси етказиб беришни назарда тутати, уни табиий ресурслардан мақсадли фойдаланишга ўргатади. Пировадиди 2-3 кунлаб чироксиз ўтирадиган ҳудудлардаги муаммолар ҳам ҳал бўлади.

ДАРВОҚЕ...

Юнусобод тажрибаси қандай самара берди?

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 1 ноябрдаги «Ёқилғи-энергетика ресурсларининг нарх ва тарифларини босқичма-босқич ўзгартириш тўғрисида»ги қарори бўйича 2019 йилнинг 1 январидан эксперимент тариқасида пойтахтимизнинг Юнусобод туманида истеъмолчиларга етказиб берилган электр энергиясини белгиланган базавий нормаларга асосан ҳисоб-китоб қилиш белгиланганди. Хўш, у қанчалик ўзини оқлади?

Тажриба натижаларини рақамлар орқали таққослаймиз. Жорий йил январь ойда 85 минг 870 нафар истеъмолчидан 72 минг 115 нафари 300 кВт.соатга электр энергиясини истеъмол қилган. Қолган 13 минг 755 нафар истеъмолчи эса белгиланган нормадан

кўпроқ электр энергиясини сарфлаган.

Июнь ойида фойдаланувчиларнинг 86,1 фоизи 300 кВт.соатга, 13,9 фоизи эса 1082,8 кВт.соатга электр энергиясидан фойдаланган. Энди июнь ойи таҳлили бўйича 300 кВт.соатга электр энергиясини истеъмол қилувчи истеъмолчилар улуши 84 фоиздан 86,1 фоизга етиб (2,1 фоиз ошган), 300 кВт.соатдан кўп электр энергиясини истеъмол қилувчи истеъмолчилар улуши 16 фоиздан 13,9 фоизга тушган. Бунда пул тушуми 60 фоизга ошиб, йўқотишлар кескин камайган.

Тажриба ўзини оқлагани учун шу йил якунигача Тошкент, қисман Самарқанд, Бухоро ва Жиззах шаҳарларида мазкур тизим жорий қилиниши кўзда тутилмоқда.

Садоқат МАХСУМОВА
тайёрлади.



Алишер СУЛТОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси энергетика
вазир:

— Ишлаб чиқалаётган тарифларда катта ўзгаришлар бўламайди. Минимал электр ишлатадиганлар учун етарли нормалар қўйилади. Бунинг факат электр ҳисоблагичларини тўлиқ ўрнатганимиздан сўнг амалга оширишимиз мумкин. Мамлакатимизда саалкам 7,5 миллион абонент бор. 2020 йил якунига қадар юртимиздаги барча истеъмолчига электр ҳисоблагичлар ўрнатилади. Ана шунда амалиётга ижтимоий норма ва тарифини тўлиқ киритсак бўлади. Шу маънода айтганда, ишлаб чиқалаётган ҳужжатда биринчи ўринда халқ манфиати, аҳолининг ижтимоий аҳволи, тўлов қобилияти инобатга олинади. Аҳолининг тўловчанлик имкониятини ошириш, даромадини кўпайтиришга қаратилган чоратадбирларда ҳам шу мақсадлар жамулам.



Шерзод ХОДЖАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси энергетика
вазир:

— Пойтахтимизнинг Юнусобод туманида синов тариқасида жорий қилинган тарифлаш тартиби кутилганидан-да яхши натижа берди. Сабаби, электр энергиясига маълум лимит белгиланган, ортганига қимматроқ тўлаш шарт қилиб қўйилган хонадонларда сарф анча камайди. Чунки бозор механизмиде ҳамма ўз чўнтагини ўйлаши табиий.

Ўзбекистон фақат пойтахт ёки бошқа йирик шаҳарлардангина иборат эмас. Айтайлик. Тошкент шаҳри учун бу лойиҳа тўғри келиши мумкин, минол тариқасида, бир оилга ойна 200 кВт. соат ижтимоий нархда, бундан ортгани учун тижорий нархда ҳақ ундирсак. Лимит оилга етиши мумкин, ортиқчасини «бойлик учун сарф» дейлик, яъни бундан ортиги зарурий эҳтиёжлар учун сарфланмаган. Аммо қилмоқ жойларда вазият бутунлай бошқача. Қишда иссиқлик тизими йўқ, газ йўқ, кўмир, ўтин танқис. Бундай пайтда қишлоқ аҳолиси нима қилади? Ўша «свет» бор пайтда уйни иситиб олишга, овқатини тайёрлашга мажбур бўлади ва ўз-ўзидан лимитдан ўтиб кетади. Хўш, биз бу ҳолатда бир мамлакатнинг икки хил шароитдаги аҳолисига бир хил талабни қўя оламизми? Маана буниси катта савол.

Ўзбекистонда электромобиль технологиялари учун синов ва сертификатлаш маркази ташкил этилади.

Янги электр ҳисоблагичларнинг афзаллиги нимада?

Хабарингиз бўлса, 2018 йил 23 октябрда Президентимизнинг «Электр энергетикаси тармоғини жадал ривожлантириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинган эди. Ушбу ҳужжатга асосан, шу кунларда юртимиз бўйлаб электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими (АСКУЭ)ни жорий этиш ишлари амалга оширилмоқда.

Қулайлик қурилманинг соз бўлишини талаб этади

Таъкидлаш лозимки, сўнгги вақтларда ҳаётимизга жадаллик билан кириб келган замонавий маиший техника воситалари ўзбек аёлларининг уй-рўзгор юмушларидаги оғирини енгил қилиб, беминнат қўмакчисига айланди. Лекин, тан олайликки, 25-30 йил аввал бу ҳақда тасаввурга ҳам эга бўлмаганмиз.

Бугун эса ҳаётимизни совуткич, чангюткич, микротўлқинли печь каби уй-рўзгор буюмларисиз тасаввур қилиш қийин. Ҳатто чекка кишлоқ аёлининг ҳам ҳозир замонавий кир ювиш машинаси бор. Бу қурилмалар, табиийки, электр энергиясига бўлган талабни орттириш билан бирга, электр ускуналарининг доимо соз ва сифатли ишлашини талаб этади.


Айни кунларда «Худудий электр тармоқлари» АЖ томонидан пойтахтимизнинг Сергели туманида электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг ав-

томатлаштирилган тизими жорий этилмоқда. Бу эса электр таъминотидаги қатор муаммоларга ечим бўла олади. Шунингдек, бир вақтнинг ўзида Тошкент шаҳрининг Юнусобод, Олмазор, Шайхонтохур, Учтепа ва Миробод туманлари аҳолисига ҳам замонавий электр ҳисоблагичлар ўрнатиб берилаётир.

— *Электр ҳисоблагичимиз эскиргани боис сўнгги вақтларда хонадонимизнинг энергия таъминотида тез-тез узилишлар кузатилаётган эди, — дейди пойтахтимизнинг Сергели туманида яшовчи Садор Гафратов.* — «Эскини ямагунча эсинг кетади» деб бежиз айтишмас экан. Муаммони ҳал этиш учун электр пайвандчини чақирамиз, аммо кўп ўтмай, қурилма яна ишдан чиқади. Қувонарлиси, янги электр ҳисоблагич ўрнатилаганидан сўнг муаммо тўлиқ бартараф бўлди.

Барча электр ҳисоблагичлар бепул ўрнатишмоқда

Тахлилларга кўра, ҳар бир истеъмолчига ўрнатилаётган



замонавий ҳисоблагич учун «Худудий электр тармоқлари» АЖ ўртача 770 минг сўмдан маблағ сарфлаётир. Муҳими, ушбу замонавий электр ҳисоблагичлар аҳолига бепул ўрнатиб берилмоқда.

— Айни пайтгача мамлакатимизнинг 24 та туман ва шаҳарларига 872 мингдан зиёд замонавий электр ҳисоблагичлар ўрнатиш ишлари режалаштирилган бўлса, 2021 йил якунига бориб, 7 миллиондан ортиқ истеъмолчининг барчаси ушбу тизимга тўлиқ уланади.

Қувонарлиси, замонавий ҳисоблагичларнинг асосий қисми маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан етказиб берилмоқда. Бу қурилма 20 дан зиёд функцияларни бажара олиши билан аввалгиларидан фарқланади. Хусусан, энди истеъмолчилар ишлатиладиган электр токига ҳақ тўлаш учун узундан-узоқ навбатларда турмайди. Қолаверса, электр ҳисоблагичларнинг кўрсаткичларини суратга олиб, Мажбурий ижро бюроси (МИБ)да ниманидир исботлашга мажбур бўлишмайди. «Ҳисоблагичингиз кўрсаткичини ёзиб олай», деб ҳеч ким безовта ҳам қилмайди. Шунингдек, истеъмолчиларга SMS-хабар орқали барча маълумотлар автоматик тарзда етказиб турилиши дастурнинг ўзига хос жиҳатларидан бири. Эндilikда фуқаро мобиль телефони орқали тўловни уйдан чиқмай, «on-line» режимида амалга ошириши мумкин. Муҳими, «шахсий кабинет» орқали ҳар бир истеъмолчи қанча электр энергияси сарфлаганини кузатиб туради.

Электр токини омборга жойлаб, захира қилиб бўлмайди


Электр энергияси шундай нарсаски, уни ишлаб чиқариш биланок истеъмолчига етказиб бериш керак. Токни омборга жойлаб, захира қилиб бўлмайди. Шу боис бугунгача ҳар бир худуд учун электр сарфи тахминий ҳисобланиб, «спинг» ажратилар эди. Эндilikда янги тизимда барча маълумотлар аниқ кўриниб туриши сабабли таъминотда чеклов бўлмайди.

— Ушбу «ақлли» ҳисоблагичларнинг яна бир хусусияти шундаки, маълумотларни сохталаштиришга уриниш, яъни ҳисоблагичга таъсир ўтказиш ҳолатлари юзага келса, дарҳол ўчатилади ва тизимга хабар жўнатилади, — дейди Обиджон Дилмуродов. — Шунингдек, энергия тўлови тўланмаган тақдирда масофадан ўчиш хусусиятига ҳам эга. Ушбу ҳисоблагичлар электр таъминоти корхонаси томонидан 10 йилда бир мартаба қиёсладан ўтказилади. Пластикли ҳисоблагичи борларнинг қолган пул маблағи янги ҳисоблагич учун очилган ҳисоб рақамга тушириб берилади.

Ҳисоблагич бир вақтнинг ўзида 11 та совуткич қувватини кўтара олади

Ҳозирги кунда истеъмолчиларга Жанубий Кореянинг «KT Corporation» ҳамда «Elektron Hisoblagich» МЧЖ ва «Oshlectroapparat» МЧЖ томонидан ишлаб чиқарилаётган ва «Ўзстандарт» агентлиги томонидан тасдиқланган, техник талабларга тўлиқ жавоб бера оладиган ҳисоблагичлар ўрнатишмоқда.

— Замонавий ҳисоблагичларнинг электр ток ўтказиши 60 А ёки 13,2 кВт. қувват-



ДАРВОҚЕ...

Янги электр ҳисоблагич ўрнатиш, умумий тизимга уланади ва код киритилиб, ҳисоб рақам очилади. Янги тизимда ҳисоблагичдаги маълумотларни компьютер назорат қилади. Электр таъминоти корхонаси ходимлари уйма-уй юришга кетадиган вақтини тармоқларнинг техник ҳолатини яхшилашга сарфлайди. Демак, янги тизим нафақат аҳоли, балки соҳа ходимларига ҳам қулайлик яратади. Яъни электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимининг татбиқ этилиши истеъмол қилинган энергия ҳақидаги маълумотларни йиғишда инсон омили таъсирини камайтиради.

га мўлжалланган, — дейди «Elektron Hisoblagich» МЧЖ бош директори ўринбосари Қасимов Нурматов. — Мисол учун, ўртача битта хонадонда 11,3 кВт.ли (1 та кондиционер – 1,2 кВт., 15та ёриткич – 0,2 кВт., телевизор – 0,075 кВт., даямол – 1 кВт., иситиш мосламаси – 3 кВт., электрчайнак – 1,5 кВт., музлаткич – 1,0 кВт., чангюткич – 1,2 кВт., микротўлқинли печь – 1,2 кВт., компьютер/принтер – 0,8 кВт. ва бошқа электр қурилмалар – 0,1кВт.) электр қурилмалардан фойдаланилади. Улардан бир вақтнинг ўзида фойдаланганда ҳам ҳисоблагичнинг иш фаолиятига ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди. Яъни ўрнатилаётган электр ҳисоблагичлар бир вақтнинг ўзида 1,2 кВт.ли 11 та совуткич қувватини кўтара олади.

Маълумотларга қараганда, жорий йил якунига қадар ушбу замонавий электр ҳисоблагичлар Тошкент шаҳрининг барча туманларига тўлиқ ўрнатиб берилиши режалаштирилган. Бу эса аҳолининг яшаш шароитини яхшилаш, турмушини янада обод бўлишини таъминлайди.

Саъдулло ТУРСУНОВ
«Mahalla»



Ўзбекистон делегацияси АҚШда учрашувлар ўтказди.

Солиқ: ўзгаришлар халқ манфаатига хизмат қилади...(ми?)

ОЧИҒИ, ҚЎШИМЧА ҚИЙМАТ СОЛИҒИ БУГУН МАМЛАКАТ БЮДЖЕТИНИНГ КАТТА ҚИСМИНИ ТАШКИЛ ЭТСА-ДА, УНИНГ ТЎЛАҚОНЛИ ЗАНЖИРИ ЯРАТИЛМАГАН, БУНГА ЭСА БУНДАЙ СОЛИҚНИ ТЎЛАШДАГИ ИМТИЁЗЛАР САБАБ БЎЛАЁТГАНДИ



Абдугани УМИРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты, Бюджет
ва иқтисодий ислохотлар
қўмитаси аъзоси.

Ҳар биримиз, аввало, солиқ тўловчимиз, топаётган даромадимизнинг маълум қисmini солиқ сифатида тўлаймиз. Шу боис соҳага оид ҳар қандай ўзгариш, янгилик барчани бирдек қизиқтиради. Сўнгги вақтларда жамоатчилик орасида қўшимча қиймат солиғи (ҚҚС) билан боғлиқ имтиёзларнинг бекор қилиниши, ҚҚСнинг тўлақонли занжирини ҳосил қилиш нарх-навоининг ошиб кетишига олиб келиши ҳақида гап-сўзлар кўпайди.

Хўш, булар қанчалик асосли? Солиқ сиёсатидаги ўзгаришлар аҳоли, хусусан, тадбиркорлик субъектларига қанчалик таъсир кўрсатади? Бу таъсирнинг салбий ва ижобий жиҳатлари нималарда намоён бўлади? Қуйида шулар ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Солиқ ислохотларининг иккинчи босқичи

Маълумки, бундан ропша-роса бир йил муқаддам, 2018 йил 29 июнда «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги Президент фармони қабул қилинган эди.

МЕНДА САВОЛ БОР...

«2018 йилда юкланган товар учун ҚҚС тўлайманми?»

— Хориж қорхонаси билан тузилган шартномага кўра, товарларни ўтган йили юклаб жўнатганмиз. Тўловлар эса яқинда амалга оширилди. Айтиш-чи, ушбу шартнома бўйича ҚҚС тўланадими?

Бобур ХОЛИҚОВ,
Самарқанд вилояти.

Орифжон ФАЙЗИЕВ,
Давлат солиқ қўмитаси бошқарма бошлиғи ўринбосари:

— Товарларни реализация қилиш обороти амалга оширилган (ҚҚС бўйича мажбуриятларнинг юзага келиши) сана товарлар жўнатилган ва ҳисоббарак-фактура тақдим этилган сана бўлгани учун мазкур шартнома бўйича ҚҚС тўланмайди. Масалан, Сиз 2018 йилда 100 тонна цемент эт-


Мазкур концепция ҳаётга татбиқ этилиши натижасида жорий йилнинг биринчи ярмида давлат бюджетига 39 триллион 118 миллиард сўм ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,6 баробар кўп маблағ тушди. Прогноз 8 фоиз ортиғи билан бажарилгани ҳисобига маҳаллий ҳокимликлар ихтиёрида қўшимча 2,8 триллион сўм маблағ қолди. Жисмоний шахсларнинг даромад солиғи ва ижтимоий тўловлар ставкаси кескин камайтирилгани натижасида 570 мингдан зиёд аширин иш ўринлари легаллаштирилди.

Жорий йилнинг 27 июнида давлатимиз раҳбарининг «Солиқ ва боғхона имтиёзлари берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони қабул қилинди. Бу — янги солиқ ислохотларининг ўта муҳим иккинчи босқичидир. Негаки, ушбу ҳужжат мазмун-моҳиятига кўра, бизнес учун тенг шароит ва адолатли рақобат муҳитини яратиш, ҚҚСнинг тўлақонли занжирини ҳосил қилиш, солиқ юкни баб-баравар тақсимлаш, ички бозорни сифатли истеъмол маҳсулотлари билан тўлдириш орқали истеъмолчилар манфаатини ҳимоялашга қаратилган.

Нега ҚҚС имтиёзлари бекор қилинмоқда?

Ҳужжатга мувофиқ, аynи пайтда қўллашга қўйилган ҚҚС бўйича имтиёзлар 2019 йил 1 октябрдан бошлаб бекор қилинади. Хўш, нима учун?

Очиғи, ҚҚС бугун мамлакат бюджетининг катта қисmini ташкил этса-да, унинг тўлақонли занжирини яратилмаган эди. Бунга эса бундай солиқни тўлашдаги имтиёзлар сабаб бўлаётганди. Давлатимиз раҳбари ҳам Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида солиқ юкни камайтириш ҳисобига барчага бир хил адолатли солиқ режимини жорий этиш,



солиқ имтиёзларини босқичма-босқич бекор қилиш лозимлиги, имтиёзлар рақобат муҳитига салбий таъсир кўрсатаётганини таъкидлаб ўтганди.

Тан олиш керак, мазкур имтиёзлар туфайли бозор тамойиллари бузилиб, бошқа субъектлар учун нотенг рақобат шароитлари яратилгани ҳолда, ундан тадбиркорлик субъектларининг чекланган доирасигина фойдаланаётганди, ҳолос. Мисол учун, аynи пайтда импорт билан шугулланаётган 12 мингта яқин тадбиркорлик субъектининг 65 фозигина ҚҚС тўловчиси ҳисобланади. Табиийки, бу соҳа субъектлари ўртасидаги рақобатга соя солади.

Натижада ҚҚС тўловчи ташкилот ва бундай солиқни тўламайдиган ташкилот «боғхонадан ўтказиш»да имтиёзга эга бўлгани учун ички бозорда турли сотиш нархлари шакллантирилган. Кўриниб турибдики, бунда улардан биттаси яхши фойда кўрмайди. Боғхона ва солиқ имтиёзлари бекор қилиниши туфайли эса барчага бирдек тенг шароит юзага келиб, нархлар истеъмол бозори асосида шаклланади.

Нархлар ошиб кетмайdimи?

Шу ўринда савол туғилади: мавжуд имтиёзлар бекор қилиниши ортидан нархлар ошиб кетмайdimи? Асло! Масалан, республикадаги мавжуд автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаларининг 57 фозини жорий йилнинг 1 январидан ҚҚС тўловчиси ҳисобланади. Хўш, нархлар ошдимми? Аслида уларга маҳсулот етказиб берувчилар ҚҚС занжирининг бошида турган нефть базалари саналади ва ёнилғи кини ҚҚС билан реализация қилишади. Ёнилғига чакана нархлар давлат томонидан белгилангани сабабли бошқа ёнилғи қуйиш шохобчаларининг ҚҚСга ўтиши нархларга таъсир қилмайди.

Қайд этиш ўринли, ҚҚС тўлашда иштирок этишининг қатор афзалликлари ҳам бор. Мисол учун, кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар минерал ўғитлар ва ёнилғи-мойлаш материалларини сотиб олган бўлса, у ҳолда бу кишлоқ хўжалиги маҳсулотининг қийматига қирган. Бинобарин, у ҚҚС тўловчиси каторига қўшилса, мазкур харажатларни — тўланган солиқ суммасини давлатдан қайтариб олиши мумкин бўлади.

Қандай имтиёзлар жорий этилмоқда?

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 10 июлдаги «Солиқ маъмуричилигини

такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан қатор имтиёзлар, янгиликлар жорий қилинди.

Ҳужжатга мувофиқ, эндиликда тадбиркорлар солиққа оид ҳуқуқбузарликни тан олиб, мазкур ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарорни олганидан сўнг 10 кун ичида молиявий жарималарни ихтиёрий тўласа, тадбиркорлар мазкур ҳуқуқбузарлик учун жиноий ва маъмурий жавобгарликдан озод этилади. Худди шундай юридик шахс ёки яқка ташкилдаги тадбиркор молиявий жарималар тўғрисидаги қарорни олгандан, жарималарнинг 50 фозини 10 кунда ихтиёрий тўласа, уни жариманинг қолган қисmini тўлашдан озод этиш тартиби ишлаб чиқилади.

Шунингдек, солиқ соҳасида «инвестициявий солиқ кредитлари» институти жорий этилади. Бу нима дегани? Оддий тилда тўшунтиришда, мисол учун, тадбиркор 100 миллион сўм солиқ тўлаши керак. Илгари тадбиркор мазкур суммани тўларди-да, фаолиятини ривожлантириш учун яна банкдан кредит олишга мажбур бўларди. Эндиликда ушбу суммани бўлиб-бўлиб, ҳатто ўн йилгача тўлаш имконияти мавжуд, ўзида қолган маблағни эса бизнесни ривожлантиришга йўналтириши мумкин бўлади.

Чет эл фуқаролари Ўзбекистон чегарасини кесиб ўтишда харид қилган товарлари учун тўланган ҚҚСни қайтариш («tax free») тартиби ишлаб чиқилади. Жаҳон тажрибасида «tax free» тизими савдо ва туризмни қўллаб-қувватлаш механизми ҳисобланади. Бугунги кунда дунёнинг 136 та давлатида мазкур тизим жорий этилган. Унга кўра, чет эл фуқаролари мамлакатни тарк этаётганида уларга сотиб олган буюмларига қўшилган ҚҚС қайтариб берилади. Бу амалиётнинг туризм ривожига ҳам салмоқли ҳисса қўйиши амалда исботланган.

Хуллас, ўзгаришлар талайгина. Улардан қўзланган мақсад эса аниқ: тадбиркорлар учун тенг шароит яратиш, солиқ юкни баб-баравар тақсимлаш, ҚҚСнинг тўлақонли занжирини ҳосил қилишдан иборат. Бу орқали солиқ юки камайтирилиб, назорат қулайирилади. Сирасини айтганда, солиқларни мунтазам ва ҳаққоний тўлаб бораёсан, ўзаро ишонч ва тушуниш пайдо бўлса, қонунига итоаткорлиқни намоён этсак, муносабатларда ҳалол бўлсак, ислохотларнинг энг нозик ва умумқаб даврдан муваффақиятли ўтамыз.

Импорт гўшт маҳсулотлари 1 октябрга ҚҚСдан озод этилди.

Табиий газ таъминотида барқарорлик таъминланади

ТИЗИМДАГИ МАВЖУД МУАММОНИНГ 20 ФОИЗИ ТАРИФЛАР ОШИРИЛИШИ ОРҚАЛИ, ҚОЛГАН 80 ФОИЗИ ДАВЛАТНИНГ МОЛИЯВИЙ ЁРДАМИ ОРҚАЛИ ҲАЛ ҚИЛИНАДИ, ИШЛАБ ЧИҚИЛАЁТГАН ТАРИФЛАРДА КАТТА ЎЗГАРИШЛАР БЎЛМАЙДИ

Айни пайтда энергия ресурсларига бўлган талаб кучайиб бормоқда. Айниқса, кундалик ҳаётимизда табиий газнинг ўрни бўлакча. Қолаверса, Марказий Осиё аҳолисининг ярмидан кўпи Ўзбекистонда яшайди. Шу боис ички газ истеъмоли бизда кўшни давлатларга қараганда бир неча баробарга катта. Бироқ шу пайтгача, асосан, шахарларимиз табиий газга мослаштирилгани, қишлоқларда газ қувурлари кесиб ташланиб, қиш мавсуми одамлар учун кўп қийинчиликлар туғдиргани сир эмас. Кўмир, суюлтирилган газ етказиб бериш тизимидаги муаммолар, хонадонларда бир неча оила яшаш боис сўнгги йилларда ёқилга эҳтиёж кучайиб, одамлар ҳатто меваги дарахларни ҳам кесиб ёқишга мажбур бўлдилар.

Ваҳоланки, кўплаб эксперт ва таҳлилчилар ҳисоб-китобига кўра, юртимиз табиий газ захираси борасида камбағал эмас. Бундан бир неча йил аввал халқаро энергетика хавфсизлиги бўйича Британиядаги таҳлилчи Жон Робертс Ўзбекистонда табиий газ қонлари кўплиги, бироқ «мазкур қонларни ишга тушириш хозирча имконсиз, бунинг учун жуда катта маблағ ва замонавий технология керак»лиги ҳақида фикр билдириб, юртимизнинг табиий газ борасидаги салоҳияти юқорилигини очиклаган эди.

Британиялик олим жаҳондаги нуфузли ахборот агентлигига интервью бераркан, мавжуд газ захираларини ривожлантириш учун зарур сармоялар келишини таъминлаш муҳимлигини ҳам айтиб, «Ўзбекистон ўз ҳудудига сармоядорлар ишлаши учун ўнғай шарт-шароит яратиши керак. Аммо Ўзбекистонда айнан ана шу шароит йўқ», дея таъкидлаган эди.

Мухтарам Президентимиз томонидан жорий йилнинг 9 июлида имзоланган «Аҳоли ва иқтисодиётни энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш, нефть-газ тармоғини молиявий соғломлаштириш ва унинг бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ёқилга-энергетика соҳасини комплекс ривожлантириш ва энергия манбалари самарадорлигини ошириш, энергия ресурсларига бўлган ўсиб борувчи талабни таъминлашда муҳим кадам бўлди.

Нима янгиликлар юз беради?

Қарор доирасида 2030 йилгача углеводород ҳомиёсини казиб олиш ҳажмлари кўпайтирилади; газ-транспорт тизими модернизация қилинади; табиий газни казиб олиш, кайта ишлаш, етказиб бериш ва сотишни ҳисоб-китоб ва назорат қилиш ишлари такомиллаштирилади; инвестициявий лойиҳалар танқидий ўрганилиб макбуллаштирилади, нефть-газ тармоғи корхоналарида молиявий интизом мустаҳкамланади.

«Ўзтрансгаз» АЖ негизда иккита мустақил тизим — «Ўзтрансгаз» ҳамда «Худудгазтаъминот» акциядорлик жамиятлари ташкил этилиши кўзда тутилаётгани қарор доирасидаги яна бир муҳим янгиликдир.



— Бугунги кунда «Ўзтрансгаз» АЖ томонидан 13,0 минг км.дан ортиқ магистрал газ қувурлари ва 24 та компрессор станцияларида 200 дан ортиқ газ ҳайдаш агрегатларидан фойдаланилмоқда, — дейди «Ўзтрансгаз» АЖ бошқарма бошлиғи Акмал Эшонқулов. — Таъкидлаш жоизки, магистрал газ қувурларининг аксарияти, аниқроғи, 75 фоизининг фойдаланиш муддати 20 йилдан ортиқни ташкил этиб, мазкур қувурларнинг асосий қисми иўрланиш даражаси кучли ҳамда нам тупроқли ҳудудлардан ўтган. Бундан ташқари, газ ҳайдаш агрегатларининг ҳам аҳоли аниқли. Хусусан, агрегатларнинг 54 фоизи моторресурсларини аллақачон ўтаб бўлгани тизимни модернизациялаш вақти келганини аниқлатади.

«Ўзтрансгаз» АЖ газ транспорт тизимида илғор технологияларни жорий этиш орқали унинг самарадорлигини ошириш — мамлакат иқтисодиёти ривожига муҳим ўринга эга. Шу боис жаҳон таърибидан келиб чиқиб, мамлакатимизда газ транспорт тизимини модернизациялашга қаратилган катор чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Президент қарори билан «Ўзтрансгаз» АЖ зиммасига ягона оператор сифатида табиий газни етказиб бериш ҳамда экспорт ва импорт қилиш учун газ казиб олувчи ҳамда кайта ишловчи ташкилотлардан харид қилиш вазифаси юклатилди. Ташкилотимиз эндиликда тўғридан-тўғри шартномалар асосида магистрал газ қувурига уланган истеъмолчиларга ва «Худудгазтаъминот» АЖ билан комиссия шартномалари асосида газ тақсимлаш тармоқларига уланган истеъмолчиларга табиий газни сотади. Замонавий энергия тежамкор технологиялардан фойдаланиб, корхона ишлаб чиқариш харажатлари камайтирилади ва йўқотишларга йўл қўйилмайди.

Бунда Фарғона водийси истеъмолчиларини қиш мавсумида табиий газ билан

таъминлашни янада яхшилаш мақсадида Хўжабод газни ер остида сақлаш иншооти қувватини ошириш бўйича лойиҳа амалга ошириш кўзда тутилган. Бунинг натижасида иситиш мавсумида кунлик газ олиш кўрсаткичини 12,0 млн. куб метрга етказиш имкони яратилади.

«Худудгазтаъминот» АЖ нима мақсадда ташкил этилаётган?

Сўнгги йилларда маиший, хўжалик ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган истеъмолчиларни табиий ҳамда суюлтирилган газ билан таъминлаш борасида ҳам ечимини қутаётган муаммолар тўпланиб қолган эди. Хозирда газ таъминоти тармоғида мавжуд 97 км. га яқин газ қувурлари ва 65 мингта

ДАРВОҚЕ...

Қорақалпоғистондаги Оралик қонида табиий газнинг илк оқими олинди. Янги қон Мўйноқ тумани ҳудудида жойлашган. Ундаги 1-кидирув қудуги чуқурлиги 3910 метрга етади. Синов ишлари натижаларига кўра, янги қон суткасига 700-800 минг куб метр микдордаги табиий газ олинган.

Фарғонадаги «Чакар» қонида жорий йилнинг март ойида мутахассислар 2-қудуқни бурғилашни бошлашган. «Чакар» структураси Андижон вилоятининг Бўлоқбоши тумани ҳудудида жойлашган. 2019 йил 10 июлида 1710 метр чуқурликда табиий газнинг саноат оқими олинди, унинг суткалик дебити 300 минг куб метр микдорда. Яқин келажакда қатламларнинг қўламини аниқлаш учун газ-конденсат талқикодларини ўтказиш ҳамда кон-геофизика талқикодларининг тўлиқ комплексини ўтказган ҳолда яна иккита қудуқ бурғилаш режалаштирилмоқда.

газ тақсимлаш пунктларининг 50 фоизидан фойдаланилаётганига 25 йилдан ортиқ вақт ўтди. Бу эса катта микдорда йўқотишларга сабаб бўлиб, табиий газни истеъмолчига тўла-тўғис етказиб беришга имкон бермаётти.

Жойлардаги мана шу каби муаммоларга тезкорлик билан ечим топиш мақсадида «Худудгазтаъминот» акциядорлик жамияти ташкил этилади. Тузилма зиммасига газ тақсимлаш тармоқларини ва тегишли ускуналарни хавфсиз эксплуатация қондаларининг норматив талабларига риоя қилган ҳолда эксплуатация қилиш, суюлтирилган газни харид қилиш, етказиб бериш, сақлаш ҳамда аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларига сотиш ишларини бажариш вазифалари юклатилади. Табиий газни беталафот етказиб бериш, бунда мавжуд газ тақсимлаш пунктлари ва газ ўтказиш тармоқларини модернизация ва реконструкция қилиш, 2022 йилгача барча турдаги истеъмолчиларнинг газ ҳисоби ва назоратини автоматлаштирилган тизими (АСКУГ)га тўлиқ ўтишларини таъминлаш ҳамда давлат-хусусий шерикчилиги асосида газ таъминоти

объектлари ва уларга алоқадор ускуналар ҳамда қувурлардан фойдаланиши, унинг бошқарувини босқичма-босқич хусусий операторларга ўтказиш қабила ҳам шулар жумласидан.

Ошхона эҳтиёжлари учун берилётган табиий газдан уйлар ҳам иситилмоқда

«Ўзтрансгаз» АЖ томонидан яқинда ўтказилган хатлов натижаларига кўра, аҳоли истеъмолчиларидаги 2,3 млн. дона газ ускуналари ва кичик бизнес билан шугулланаётган тадбиркорлик субъектларига тегишли 12 мингта газ ёндиргич (горелка) замонавий талабларга жавоб бермаслиги аниқланди. Шунингдек, кўп қаватли уйларда яшовчи 500 мингта яқин аҳоли хонадонларида марказлашган иситиш тизими мавжуд эмаслиги натижасида улар ошхона эҳтиёжлари учун берилётган табиий газ билан уйлари иситилгани маълум бўлди.

Президент қарорида Вазирлар Маҳкамасига шу каби муаммоларнинг ечимини топиш мақсадида 3 ой муддатда Ўзбекистон Республикасида 2020-2022 йиллар давомида энергия таъминотидаги иншоотларга қаратилган дастур ишлаб чиқиш вазифаси топширилди. Унда қуёш ва сув иситиш панеллари ўрнатишни рағбатлантириш ҳамда энергия тежамкор қозонлардан фойдаланилганда уларнинг харажатларини қисман субсидиялаш тизимини шакллантириш, эскирган, бе-самар ва хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган газ ёндиргичларни замонавий энергия тежамкор ва хавфсизлигига алмаштириш қабилага эътибор қаратиш кўзда тутилмоқда.

Ўзбекистонда ҳар йили қанча газ казиб олинади?

«Ўзбекнефтьгаз» бошқаруви раиси Баҳодиржон Сиддиқов матбуот анжуманида юртимизда казиб олинувчи газ ҳажми, аҳоли эҳтиёжлари микдори ҳақида қатор маълумотларни ошкор қилди. Унинг таъкидлашча, молия маблағларининг старли эмаслиги ва моддий-техник ресурслар тақчиллиги натижасида 2017-2018 йилларда табиий газ казиб олишнинг ўсиши прогноз кўрсаткичларидан бор-йўғи 42 фоизга таъминланган. Ўзбекистонда ҳар йили 61 млрд. куб метрга яқин газ казиб олинади, ундан 40 млрд. куб метри «Ўзбекнефтьгаз» ҳиссасига тўғри келади.

— Бугунги база 35 млрд. куб метрни ташкил қилади. Қазиб олиш ҳажми 7,3 млрд. куб метрга оширилса, мамлакат эҳтиёжини тўлиқ қоплаш мумкин, — дея қайд этди Сиддиқов. Унинг сўзларига кўра, жорий эҳтиёж 39 млрд. куб метр газни ташкил қилади.

Тизимдаги мавжуд муаммонинг 20 фоизи тарифлар оширилиши орқали, қолган 80 фоизи давлатнинг молиявий ёрдами орқали ҳал қилиниши, ишлаб чиқилаётган тарифларда катта ўзгаришлар бўлмаслиги ҳам мутасаддининг маърузасида қайд этилди.

Юлдуз ХОЖИЕВА
«Mahalla»

Давлат-хусусий шериклиги манфаатли мақсадларни рўёбга чиқарувчи энг мақбул йўлдир

ЎЗБЕКИСТОНДА АЙНИ ЙЎНАЛИШДАГИ ШАРТНОМА
3 ЙИЛДАН 49 ЙИЛГАЧА БЎЛГАН МУДДАТГА ТУЗИЛИШИ МУМКИН

Сўнгги вақтларда «давлат-хусусий шериклик» атамаси тез-тез қўлланиладиган бўлди. Хоҳ у иқтисодиёт, хоҳ у ижтимоий ҳаёт, хоҳ у бошқа соҳа бўлсин, бу тамойил кенг татбиқ этилмоқда. Хўш, унинг маъно-мазмунини нимадан иборат? Мазкур шериклик томонларга қандай имкониятларни тақдим этади? Умуман, ушбу йўналиш ўзини қай даражада оқламоқда?

Мақсадларни бирлаштирувчи мустаҳкам кўприк

Иқтисодиётда шундай соҳалар борки, улар давлат ва хусусий бизнес вакилларининг мақсадларига ҳамоҳангдир. Аммо бу муштараклик кўпинча бир нуктада кесилиб қолган бўлади. Ривожланган давлатлар тажрибасига назар ташланса, ҳукумат ва инвестор учрашадиган чорраха вазифасини давлат-хусусий шериклиги бажаради. Бу мамлакат иқтисодиёти ривожланиши, инфратузилманинг янгиланиши, умуман, тараккиётга туртки бўлиб, бизнес вакили учун яхшигина даромад манбаига айланган. Шу маънода давлат-хусусий шериклиги манфаатли мақсадларни рўёбга чиқарувчи энг мақбул йўлдир.

Ривожланган мамлакатларда мазкур муносабат давлат монополияси сакланиб қолган ижтимоий ва коммунал, шахарсозлик, ободонлаштириш, йўл хўжалиги, энергетика ва бошқа соҳаларда қўлланилади. Айрим давлатлар қонунчилигида давлат-хусусий шериклик муносабатлари ҳатто жазони ижро этиш муассасалари фаолиятига ҳам татбиқ этилиши мумкинлиги белгиланган.

Нега юртимизда мазкур соҳа шу вақтгача ривожланмади?

Қайд этиш ўринли, сўнгги 3 йилда айтиш йўналишдаги

ҳамкорлик бутун дунёда кенг оммалашди. Юртимизда эса мустақиллик йилларида давлат-хусусий шериклигининг турли шакллари, асосан, иқтисодиётнинг айрим секторларигагина тегишли бўлди. Бундай лойиҳалар кўпроқ нефть-газ ва кон саноатида амалга оширилди. Хусусий секторни ижтимоий, транспорт ва коммуникация инфратузилмаси қурилиши ва модернизациясига жалб қилиш бўйича фаол чора-тадбирлар 2017 йилдан бошланди, десак хато бўлмайди.

Савол туғилади: хўш, нега у барча соҳаларни камраб олмади? Айтиш керакки, бунга шу вақтгача ушбу йўналишда ягона ҳукукий механизмнинг шаклланимагани, давлат ва бизнес ўртасидаги ҳамкорликни таъминловчи махсус органининг мавжуд эмаслиги асосий сабаблардан бўлди. 2019 йил 10 май куни давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган ва 12 июндан кучга кирган «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги қонун бу борадаги камчиликларни бартараф этиб, томонларни бирдек қўллаб-қувватлаш ва ҳар томонлама ҳимоялашнинг ҳукукий асосини мустаҳкамлади.

Қонунга мувофиқ, Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш агентлиги айтиш йўналишдаги давлат сиёсатини амалга оширувчи орган сифатида белгиланди.



Эркин ХОЛБЎТАЕВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
депутати.

ДАРВОҚЕ...

ДУНЁГА МАШХҲУР ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИГИ НАМУНАЛАРИ

— Христофор Колумбнинг 1492 йилдан 1504 йилгача бўлган экспедициялари. Испания қироллиги билан Христофор Колумб ўртасидаги келишувга кўра, у сафарни муваффақиятли якунласа, эгаллаган ерларини бошқариш ва у ерларнинг фойдали қазилмаларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган. Шартномага асосан, олиб келинган товарлар ва табиий ресурсларнинг 90 фоизи ҳукуматга, 10 фоизи эса (сарфланган харажатлардан ташқари) Христофор Колумб ҳисобига ўтган.

— Сувайш ва Панама каналлари лойиҳаси. 1855 йилда «Сувайш каналининг умумий компанияси» хусусий корхонаси Миср вице-қиролдан Қизил ва Урта денгизни бирлаштирувчи Сувайш каналини қуриш учун концессияни амалга ошириш ҳуқуқини олади. Компания акцияларининг 44 фоизи Миср ҳукуматига, 53 фоизи Францияга тегади. Қолган 3 фоиз акцияни бошқа мамлакатлар харид қилади. Концессия шартларига кўра, лойиҳадан олинган даромаднинг 75 фоизи акциядорларга, 15 фоизи Миср ҳукуматига, 10 фоизи эса компания асосчиларига қолган.

— Париждаги машҳур Эйфел минорасининг қурилиши. 1887 йилда Александр Густав Эйфел Париж шаҳри муниципалитети билан шартнома тузди. Унга кўра, минора 25 йил фойдаланиш шарти билан ижара ҳуқуқи асосида унга тақдим этилади. Шунингдек, 1,5 млн. олтин франк (минорани қуриш харажатларининг 25 фоизи) миқдориди субсидия ҳам ажратилади. Минора эксплуатация вақтида экскурсиялар, лифтларга чиқиш учун сотилган чипталар, сувенир сотиш ҳуқуқини бериш, ресторанлар ижарасидан тушган пул ҳисобига ўз харажатларини оқлади.


Тамойил ўзини қай даражада оқлайди?

Давлат-хусусий шериклиги йирик инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишнинг самарали воситаси, айтиш чоғда ҳам давлат, ҳам инвесторнинг узоқ йиллик манфаатларига хизмат қилувчи энг мақбул усулдир. Айни пайтда Давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш агентлиги томонидан жорий йилнинг ўзида мазкур тамойил асосида умумий қиймати 1 миллиард 660 миллион АҚШ доллари тенг 15 та лойиҳа ижросига

киришилган.

Сирасини айтганда, ушбу тамойилнинг ҳаётга татбиқ этилиши хусусий инвестициялар кириб келиши, тадбиркорлик фаолияти кўламининг кенгайиши, илғор бошқарув тажрибасининг жорий қилиниши ва самарали инфратузилма яратилишига сабаб бўлади. Бу эса жамиятдаги кўплаб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ўзаро манфаатли шароитларда тезкорлик билан ҳал этиш ва бюджет харажатларининг камайишига олиб келади.

ИНФОГРАФИКА



UzAnalytics

Пуллимиздаги «000» рақамлар яна қанча кўпаяди?

ЁХУД КУПЮРА ДЕНОМИНАЦИЯСИ ВАЗИЯТНИ
ЕНГИЛЛАШТИРИШИ МУМКИНМИ?

2018 йил якуни, жорий йил бошидаги жаҳон валюталари курсига кўра, ўзбек сўми Эрон риали, Вьетнам донги, Индонезия руписи, Янги Гвинея франки, Лаос кипи ва Сьерра-Леон леонидан сўнг дунёдаги энг қадрсиз валюталар рўйхатида еттинчи ўринни эгаллади.

2017 йил якуни бўйича Bloomberg эълон қилган рейтингга кўра эса сўм йил мобайнида дунёда энг кўп қадрсизланган валюта сифатида кўрсатилган эди. Албатта, бу шу йилларда юртимизда бошланган очиклик, ошкоралик сиёсати билан бевоқифа бoғлиқ ҳолат. Зеро, илгари биз сунъий равишда нақд пул дефицитини вужудга келтириш, сўмнинг расмий курсини аслидагисидан бир-икки марта пасайтириб эълон қилиш эвазига валюта кийматини ҳисоботлардагина барқарор сақлаётгандик.

Амалда сўмнинг баҳоси бири-бирдан кескин фарқланувчи уч-тўрт хил — нақд пул, қора бозордаги, биржадаги, пластик карточка, банк ҳисобрақамдаги пул шаклида ишлатилиб келинди. Улар гўёки мушакли валюта сингари хусусиятларга эга бўлиб, биридан бирига айлантирилаётганда чет эл валютасини харид қилаётгандек турли чекловлар ва нархдаги фарқларга дуч келинардик. Агар соҳа ислох

қилинмаса, бундай чалкаш валюта сиёсати охир-оқибат жиддий гиперинфляция билан ақунланиши муқаррар бўлиб қолганди.

500 сўмлик ҳам муомаладан чиқарилди...(ми?)

Шунга қарамай, яқинда Марказий банк томонидан эълон қилинган 2001-2009 йиллардан амалга киртилган 50, 100 сўмлик тангалар, 1994 йилдан амалга киритилган 50, 100 сўмлик қоғоз пуллар жорий йилнинг 1 июлидан, 200, 500 сўмлик қоғоз пуллар келгуси йилнинг 1 июлидан муомаладан чиқарилиши, ана шу кийматларда янги тангалар амалга киритилиши тўғрисидаги хабарлар, шунингдек, кейинги йилларда юқори кийматлардаги қатор янги банкнотлар

— 10 минг сўм, 50 минг сўм ва нихоят, 100 минг сўмликнинг истёмолга киритилгани баъзи фуқароларни ташвишга солгани ҳам бор гап.

Айрим мутахассислар мазкур ҳаракатлар Марказий банк сўм деноминация — ноллар ислохотига тайёргарлик кўраётганидан дарак бўлиши мумкинлиги тўғрисида ҳам гапирмоқда.

Ноллар ислоҳоти — деноминация ўзи нима?

Дарҳақиқат, куруқ нолларнинг ортиб бориши кимга керак? Бунинг охири борми? Миллий валютамиз амалга киритилгандан буён қатор майда пуллар муомаладан чиқариб бўлинди. Жумладан,

деноминациядан аҳоли зарар кўрмайди. Бундай амалиёт кўп давлатларда ўтказилган. Жумладан, собиқ совет иттифоқида ҳам рубль бир неча марта деноминация қилинган эди. Яқин тарихда эса Туркия, Россия, Беларуссия, Украина ва бошқа қатор давлатлар шундай ислохотларни ўтказди. Аммо Ўзбекистонда мазкур масала ҳали парламент даражасида ҳам, ҳукумат даражасида ҳам муҳокама қилинмаяпти. Зеро, мавжуд банкнотларимиз аҳоли ва юридик шахсларнинг ҳисоб-китобларини амалга оширишларида қийинчилик туғдираётгани йўқ.

Марказий банк: пул ислоҳоти барибир бўлади!

Дарҳақиқат, бу каби ислохотларни амалга ошириш жиддий тайёргарлик ва мукамал режаларни талаб қилади. Зеро, бугунги молиявий олам аввалгисидан кескин фарқланмоқда. Қоғоз пул шаклидаги банкнотлар билан бир қаторда, электрон пуллар, аҳоли пластик карточкаларида сақланаётган миллиардлаб маблағлар, биткоинлар, турли мақомдаги юридик шахсларнинг ҳисоб рақамларидаги суммалар мавжуд. Уларни деноминациялашнинг мукамал тартибларини ишлаб чиқиш лозим. Бундан ташқари, ҳалқаро молиявий алоқаларини ҳам янги тартибларга ўтказиш даркор.

БИЛАСИЗМИ?

БИЗНИНГ «ЮЗ МИНГ» ДУНЁДА ЯГОНА ЭМАС!



Юз минг сўмлик банкнот амалга киритилаётганида ижтимоий тармоқларда бу дунёнинг энг катта номинал кийматга эга валютасига айланди, деган тасаввур пайдо бўлганди. Аслида эса ундай эмас.

Энг йирик номиналли валюталар рейтингига 100 минг сўмликка ҳали жой ҳам йўқ. Бу борада мушаккал рекорд 1945-1946 йилларда чоп этилиб муомалага киритилган Венгрия пенгёсиге ҳисобланади. Бу пулнинг энг йирик банкноти секстиллион (миллиард триллион) пенгё бўлган. Ёзиш учун 1 рақамдан сўнг 21та ноль (узун шкала ўлчовида 36та ноль) қўйиш керак. Венгрия ҳукумати 100 секстиллион пенгё устидан бош қотира бошлаганда деноминация ўтказилган.

Янги тарих рекордчиси эса Зимбабве доллари ҳисобланади. Бу давлатдаги гиперинфляция вақтида 100 триллион Зимбабве доллари муомалада бўлган ва бунча катта банкнотни ҳам кўпчилик бир долларга алмаштиришдан бош тортган.

МДХ давлатлари орасида ҳам ўзинга ҳос рекордчилар бор. Украинада 1991-1996 йилларда муомалада бўлган, гривнадан аввалги валюта — карбованецнинг 1 000 000 (бир млн.)лик банкноти амалда бўлган.

Муомаладаги энг йирик номиналли валюта Вьетнамда. Бу мамлакатда 500 минг донг ҳамон ишлатилади.

— Албатта, биз бу ҳақида ўйлаб кўрганмиз, — дейди Марказий банк раисининг биринчи ўринбосари Илҳом Норқулов. — Бу қачондир содир бўлади. Баки беш йил, балки ўн йилдан сўнг. Аммо яқин ўртада сўми деноминация қилиш режалаштирилмаган.

Улугбек ИБОДИНОВ
«Mahalla»

МЕНДА САВОЛ БОР...

Пулнинг йиртилгани ҳам пул эмасми?

Автобусда кондуктор ўртасидан ярмигача йиртилган, аммо узилиб кетмаган минг сўмликни қандай пулдан бош тортди. Айтинг-чи, қонунчиликда қандай пуллар муомалага яроқсиз ҳисобланади?

Нартиза КОДИРОВА.
Наманган шаҳри.

Сеvara ЎРИНБОЕВА,
Адлия вазирлиги Жамоатчилик билан алоқалар бўлими бошлиғи:

— Қондага кўра, қуйидаги шикастланган белгилари мавжуд бўлган банкнот муомалага яроқсиз ҳисобланади. Банкнот бўлакларга ажратилган, шу жумладан, ёпиштирилган, дастлабки ранги ўзгарган ёки ранги ўчган, ёнган ёки қуйган, қонуний тўлов воситаси эканлигини кўрсатувчи асосий белгиларидан бирининг 50 фоизидан ортиқ қисмига мой, бўёқ ёки сибёқ тўқилган, банкнотда

кимёвий реактивлар билан таъсир кўрсатилган бўлса у тўлов воситаси сифатида қабул қилинмайди.

Шунингдек, пул муайян даражада қасддан шикастланган ҳолда тасвир (сурат, портрет) ўзгартирилганда, номинали ўзгартирилган, химоя ипчалари олиб ташланган, катта ҳажмдаги ёзувлар ёзилган, банкнотлар аниқ босма хатога эга бўлган (суб белгиси ёки химоя ипчаларининг йўқлиги ёки нотўғри жойлашганлиги), тасвирлари тўлиқ босилмаган ёки сурқалдиб кетган бўлса, банкнот геометрик ўлчамининг 3 мм. га тенг ёки ундан ортиқча ўзгарган бўлса, банкнот тасвирини (суратини, портретини, шаклини) аниқлаш имкони йўқ бўлмаган даражада сезиларли сийқаланган ва ифлосланган бўлса, ўзининг каттиқлик даражасини сезиларли даражада йўқотиб, юмшоқ ҳолга келган банкнотлар муомалага яроқсиз ҳисобланади.

бир сўмлик, уч сўмлик, беш сўмликларнинг ташки кўринишини ҳам унуттишга улгурдик. Илгари бир, икки, уч, беш, йигирма тийинлик тангалар амалда бўлгани ҳақида ёш авлод тасаввурга ҳам эга эмас. «Тийин» деган сўз уларнинг тил луғатидан чиқиб кетган. Бундай шароитда деноминация — валюта нолларини қайта кўчириб бериш, инфляцияга қарши самарали чечим бўлиши мумкин.

—Халқаро тажрибада деноминация одатда гиперинфляциядан сўнг ёки жисмоний ва юридик шахслар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобни содда-лаштириш мақсадига амалга оширилади, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Баҳромжон Обиджонов. — Бу пул алмаиши дегани эмас. Шунингча, янги босилаётган пуллarda бир неча ноллар қайта кўчирилди. Яъни янги пулдаги 10 эски пулдаги 100 ёки 1000 қийматга тенг қилиб белгиланади. Қўнча эски пуллар банклар орқали алмаштириб берилиши билан бир қаторда, токи бир-икки йил ичида табиий равишда амалдан чиққунча ишлатилаверди. Натижада

Ўқитувчиларнинг ойлик маоши сезиларли ошиши кутилмоқда.

Янги тартиб пенсияга доир муаммоларга ечим бўладими?

«ЭЛЕКТРОН МЕХНАТ ДАФТАРЧАСИ» АМАЛИЁТГА ТЎЛИҚ ЖОРИЙ ҚИЛИНГУНЧА
ҚОҒОЗЛИ МЕХНАТ ДАФТАРЧАСИ ЎЗ КУЧИНИ ЙЎҚОТМАЙДИ

Инсон йиллар давомида меҳнат қилиб, пенсия ёшига етганида, албатта, меҳнат дафтарчаси талаб этилади. Бу ҳужжат сизнинг қаррда, қачон ва қанча муддат ишлаганингиз ҳақида гувоҳлик бера олади. Аммо бир неча йил ишласа-да, меҳнат гувоҳномасига эга бўлмаганларга ёки шу ҳужжат билан боғлиқ муаммоларга ечим излаётганлар ҳам йўқ эмас. Кейинги пайтда бундай муаммоларнинг олдини олиш борасида қатор ижобий янгиликлар амалга ошириляпти. Шу ҳусусда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги мутахассиси Темура Маҳмудов билан сўбатилдик.

**Вақтинчалик меҳнат
гувоҳномаси кимларга
берилади?**

— Бугунги кунда меҳнат дафтарчаларининг янги қўғишлари жорий қилинмоқда, — дейди Т.Махмудов. — Буларнинг барчаси аҳолининг меҳнат стажини тасдиқловчи бора-сидаги ҳаракатлардир. Меҳнат дафтарчаси ходимнинг меҳнат стажини тасдиқловчи асосий ҳужжат. Амалдаги тартибга кўра, ходим ишга қабул қилинганда уни тақдим этиши шарт. Иш бевуҷчи эса корхонада 5 кундан ортиқ илаган барча ходимларга меҳнат дафтарчасини тутиши керак. Жорий йил 1 сентябрдан бошлаб ўзини ўзи банд қилган фуқароларга вақтинчалик меҳнат уувохона-лари, уларнинг эгаларга меҳнат стажини ҳисобга олиш ва ра-батлантирувчи имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқи берилиши назарда тутилган тартиб

йўлга қўйилади. Ушбу гувоҳномада меҳнат даромади олишга йўналтирилган жисмоний ва юридик шахсларга хизматлар кўрсатиш, ишларни бажариш бўйича шахсий меҳмати билан иштирок этмишга асосланган фаолиятни мустақил амалга оширадиган, яъна тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатга олинмаган ва ўз фаолиятида ёлланма ҳоҳимлар меҳнатидан фойдаланмайдиган жисмоний шахслар эва бўла олади.

Ўзини ўзи банд қилган фуқароларга меҳнат гувоҳномаси меҳнат органлари томонидан уларнинг доимий яшаш жойидан катъи назар, пулли асосда берилади. Ушбу тўловларни ундирнидан тушган тушумларнинг бир қисми ўзини ўзи банд қилгандларнинг пенсия сўғуртасини таъминлаш мақсадига йўналтирилади.

Мехнат гувоҳномаси ариза бевувчининг хоҳишига кўра, 1 ойдан 12 ойгача муддатга, меҳнат органилари томонидан фуқароларнинг доимий яшаш жойидан катъи назар, берилади. Аризалар 3 кунда кўриб чиқилади. Гувоҳномада кўрсатилган давр пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун фуқароларнинг меҳнат стажига киритилади. Ҳўзини ўзи банд қилган фуқароларга банклардан Бандликка кўмаклашиш жамғармалари ҳисобига имтиёзли микрокредитлар ҳам ажратилади.

Шунингдек, вақтинчалик меҳнат гувоҳномаси амал қиладиган даврда ўзини ўзи банд қилган фуқаро Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобига ишсизга тўланадиган ишсизлик бўйича нафакани ва касбга ўқиб даврида стипендияни ололмади.



Қоғозли меҳнат дафтарчаси ўз кучини йўқотадими?

Маълумки, жорий йилнинг 1 январидан қоғоз шаклидаги меҳнат дафтарчаси ўрнига «электрон меҳнат дафтарчаси» жорий этилиши керак эди. Энди меҳнат дафтарчалари умуман керак бўлмайди, деган фикр-мулоҳазалар билдирилганди. Аммо амалда бирданда электрон меҳнат дафтарчаларига ўтиб бўлмаслик исботланди. Шу боис «электрон меҳнат дафтарчаси» амалиёти дастлаб синов тарикасида фақат вазирлик тизимида ишга туширилди. Республика бўйлаб кенг тартиб этишдан аввал синов лойиҳаси орқали «электрон меҳнат дафтарчаси» тизими ишончлилигини текшириш, юзга келиши мумкин бўлган камчиликларни аниқлаб, уларни бартараф этиш ва тизимни янада тақомиллаштириш лозим.

Шунингдек, қоғоз шаклидаги
меҳнат дафтарчасидан электрон

шаклга ўтиш жараёнида аҳоли учун ортиқча мураккаблик ва чалқашликлар юзга келмаслиги учун вазирлик томонидан ана шундай тажриба йўла қўйилмоқда. Шу боис мавжуд маълумотларнинг дахлсизлиги ва ўўлик саклашини қўзлаган ҳолда одатий қорғ қўринишидаги меҳнат дафтарчалари тизими ҳам саклабди қолинди, яъни «электрон меҳнат дафтарчаси» амалиёти ўўлик жорий қилин-гунча қорғозли меҳнат дафтарча-си ўз қучини йўқотмайди ва шу асосда фуқаролар ишга қабул қилинади.

Бугунги кунда коғоз шаклидаги меҳнат дафтарчалари берилишини тўхтатмаслик бўйича вазирлик томонидан Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари ва бошқа тегишли ташкилотларга кўрсатма берилган.

Хозирда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги электрон меҳнат дафтарчаларини юритиш бўйича дастурлар комплексининг бета-версиясига эга ва у 2019 йилнинг январидан ишга туширилиб, синов учун Вазирлик тизимидаги ташкилотларга татбиқ этилмоқда.

Пенсия ёшига етганда муаммо бўлмайди

Юртимизда кимдир уйда пила бокади, яна биров ҳовлисиди кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тиштиради, қорамол ёки товуқ парваришлаб, уни даромад манбаига айлантирмоқда. Уларнинг бундай фаолиятининг давлатга ҳам маъмул маънода наф келди. Бирок бу тоифадаги шахслар пенсия ёшига етганда асосий муаммога дуч келишади. Чунки вақтида турли солиқлар тўланмаган, стаж эса йўқ. Лекин сўнгиги чиқарилган қарорларда айнан дехқонларнинг ҳам меҳнат дафтарчасига эга бўлиши белгиланди.

Иш вақтини ҳисобга олиб

БИЛАСИЗМИ?

Тегишли вазирликлар томонидан 1998 йил 7 январда тасдиқланган Меҳнат дафтарчаларини юришти тартиби тўғрисидаги йўриқномага мувофиқ, ҳар бир корхона ўз эҳтиёжларидан келиб чиқиб, лекин шатт жадалда назарда тутилган ходимлар сонидан ошмаган ҳолда, меҳнат дафтарчалари сотиб олиш ҳуқуқига эга.

Меҳнат дафтарчаси ва меҳнат дафтарчасига қўшимча ғарақларни корхоналар томонидан қайта сотишга ёки бошқача тартибда бегоналаштирилишга йўл қўйилмайдди. Агар меҳнат дафтарчаси йўқотиб қўйилган бўлса ёки фойдаланиш учун яроқсиз (йиртилган, ёнган, ёзувлари бўйлаган) ҳолатга келган бўлса унинг дубликати бериладди. Ишдан бўшаган ходимлар меҳнат дафтарчаларини ўз вақтида олмagan тақдирда, улар ишлаётган ходимларнинг меҳнат дафтарчаларидан алоҳида қилиниб, корхона ходимлар бўлимида икки йил давомида сақланади. Ушбу муддат давомида ҳам йўқлаб келинмаган ва олинмаган меҳнат дафтарчалари иш берувчи архивида 50 йил сақланади ва ушбу муддатдан сўнг белгиланган тартибда йўқ қилинади.

бўлмайдиган шахсларнинг айрим тоифаларини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 апрелдаги «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорка ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Маъзур қарорга асосан, 2018 йил 1 июлдан бошlab дeҳқoн хўжалиғи ва 4 сoтиҳдан қам бўлмаган тoмoрқa ерида банд бўлган ёки ушбу участкада қoрамoл ёҳуд 50 бoшдан қам бўлмаган парранда парваришлaётган жисмоний шахслар, белгиланган тарғиба бир йилдан энг қам иш ҳақининг қамида 1 барoбарми микдоридa Бюджетдан тaшқари пенсия жамғармaсига суғурта бадали тўласалар, ушбу давр бир йил қилиб меҳнат стажи сифатида ҳисoбга oлинади.

Одатда ўз томорқаларида ишловчиларда меҳнат дафтарчаси бўлмайдди. Шу сабабли улар яшаш манзили бўйича Пенсия жамғармаси бўлимига мурожаат қилганда солиқ органлари томонидан берилган СТИР расмийлаштирилганлиги тўғрисида маълумотнома нухаси, паспорт нухаси, меҳнат ва жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси (агар мавжуд бўлса), маҳалласи томонидан берилган кишлоқ хўжалик маҳсулотларини (деҳқончилик, чорвачилик, балиқчилик маҳсулотлари) етиштириш билан бандлиги тўғрисида маълумотнома ни тақдим этишлари керак.

Нилуфар ЮНУСОВА
«Mahalla»

МЕНДА САВОЛ БОР...

«Меҳнат дафтарчамни йўқотиб қўйдим...»

— 1990 йилда ётилган ишлаб чиқаришда узок муддат ишлаганман. Меҳнат дафтарчам йўқолган ва иш стажимни тасдиқлата олмаяман. Пенсияга чиққанамга кўп вақт бўлди, аммо минимал пенсия оляман. Бундай ҳолатда нима қилишим керак?

О.САТТОРОВ.
марканд шахри.

Давлатназар МАТРАСУЛОВ,
Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазир-
лиги юридик хизмати раҳбари:

— Маълумки, иш стажини тасдиқловчи асосий ҳужжат меҳнат дафтарчаси ҳисобланади. Бу Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган Давлат пенсияларини

тайинлаш ва тулаш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 59-бандида ёзиб қўйилган. Меҳнат дафтарчаси мавжуд бўлмаганда, шунингдек, меҳнат дафтарчасида зарур ёзувлар бўлмаган ёки меҳнат фаолияти давлари тўғрисида нотўғри ва ноаниқ ёзувлар мавжуд бўлган ҳолларда иш стажини тасдиқлаш учун (банд шахсининг иш стажидан ташқари) маълумотномалар, буёқруқлардан кўчирмалар, шахсий ҳисобварақлари ва иш ҳақи бериш учун ведомостлар, меҳнат шартномалари (контрактлар), архив маълумотномалари ва меҳнат фаолияти давлари тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлган бошқа ҳужжатлар қабул қилинади.

Бундай ҳужжатлар бўлмаган ҳолатлар ҳам учрайди. Унда бандлик вақти суд қарори билан ўрнатилади.

Президент мактаблари саралаш имтиҳон натижалари эълон қилинди.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари»: хорижга парвоз қилиш нега қиммат?

МАНЖУД КАМЧИЛИКЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ УЧУН ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИГА ТАЯНИБ, РАҚОБАТ АСОСИДА ИШЛАШ ДАВРИ КЕЛГАНИ ЯҚҚОЛ КЎРИНИБ ТУРИБДИ.

Ёз — саёҳат ҳамда дам олиш мавсуми. Бу сайёҳлик агентликлари учун ҳам айтиш мумкин. Улар сайёҳларга арзон, қулай йўлланмалар, авиачипталар ва комплексли дам олиш масканларини тавсия этишади. Аммо «Ўзбекистон ҳаво йўллари»да Туркия, Россия, Миср ёки Дубайга учиб бориш ҳудди шу юртларга Қозоғистондан ёки Қирғизистондан учиб боришга қараганда икки баробар қиммат.

Истанбулдан Чимкентга учётган хорижий компания самолёти Истанбулдан Тошкентга ҳам шунча масофага учди, шунга яраша ёниги сарфлайди, ўшанча одам олади. Табиийки, зарар қилса, учмасди. Самолётлари ҳам ўша самолёт — «Airbus» ёки «Boeing». Аммо нархларда тафовут даражаси катта. Авиачипталар бўйича халқаро сайт ҳисобланган «Anyuanyuanyu»да ҳам чипталар нархидан фарқи кўриш мумкин.

Маълумотларга кўра, ҳозирда кунига 2 мингга яқин ўзбекистонлик Қозоғистон самолётлари орқали парвоз қилмоқда. Бунинг сабаблари нимада? Аслида миллий авиакомпаниямиз халқимизга бошқа компанияларга нисбатан энг қулай хизматларни тақдим этиши керак эмасми?

Шулар ҳусусида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси ахборот хизмати мутахассиси Феруза Курбонова билан суҳбатлашдик.

Фақат ички йўналишда монополдир

— Аҳоли орасида «Ўзбекистон ҳаво йўллари»нинг чипталари нархи бошқа халқаро авиакомпанияларникига нисбатан анча қиммат ва мавсумий йирик чегирмалар кузатилади, деган тушунча мавжуд, — дейди Ф.Курбонова. — Аслида авиакомпаниялар авиачипталарни брон қилиш тизимининг анча мураккаблиги ҳамда бизнес ва иқтисод классларидан ташқари янада кўпроқ турларни ўз ичига олишини кўнчилиқ йўловчилар билмайди. Мазкур тизим ўз ичига энг арзондан тортган, энг қимматгача, 12 та тарифни олади ва барча авиаташувчиларда шундай тизим мавжуд. Ўзбекистонга 2018 йилда парвозларни амалга оширган авиакомпаниялар сони, 2017 йилга солиштирилганда, 14 тадан 18 тагача (28 фоиз) кўпайди. Хорижий авиакомпаниялар томонидан амалга оширилган рейслар сони эса 6833 тадан 9657 тага қадар (41 фоиз) ортди. Халқаро авиаташувлар бозорида «Uzbekistan Airways»дан ташқари, дунёнинг тўққиз мамлакатидан Тошкент ва Ўзбекистоннинг бошқа аэропортларига мунтазам қатновларни йўлга қўйган 18 та хорижий авиакомпания фаолият юритиб келмоқда. Ҳозирда 63 та халқаро йўналиш бўйича мунтазам қатновлар йўлга қўйилган. 2019 йилдан бошлаб Fly Dubai (BAA) ва Bui Airways (Азэрбайжон) каби лоукостер авиакомпаниялар Ўзбекистонга парвоз қилишни бошлади. Россиядан паст бюджетли авиакомпаниялар мамлакатимизга асосида Red Wings, NordWind ва Yuteyr парвоз қилмоқда. Булардан кўриниб турибдики, ўз-ўзидан рақобатлар ҳам қўйилмоқда.

Шуни таъкидлаш мумкинки, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» фақатгина ички йўналишларда ягона авиакомпания, яъни монополдир. Агар кимдир мамлакат

ичида ташувларни ташкил этиш бўйича таклиф билан чиқса, бунга миллий авиакомпания қаршилик қилмайди. Ҳозирча бундай таклиф бўлгани йўқ.

Авиачипталар нархи нимага бoғлиқ?

Юртимизда 11 та аэропорт мавжуд бўлиб, улар халқаро мақомга эга. Жорий йилнинг биринчи ярми йиллигида вилоят аэропортларидан 9302 та қатнов амалга оширилиб, 969 427 минг нафар йўловчига хизмат кўрсатилган. Баъзан чартер қатновлар ҳақида тушунмовчиликлар келиб чиқади. Чартер нима ўзи? Чартер қатновлари сайёҳлик операторлари томонидан сайёҳлик мавсуми давомида ташкил этиладиган жараён. Мунтазам қатновлар эса авиакомпаниялар томонидан ташкиллаштирилади. Ёз мавсумида маҳаллий сайёҳлик агентликлари чартер қатновларига буюртма бериш учун Миллий авиакомпанияга мурожаат қилишади. Авиакомпания мажбуриятига самолёт, учувчи таркиби ҳамда парвоз хавфсизлигини таъминлаш кирди. Йўловчилар учун авиаташувнинг яқини нархларини масаласи билан сайёҳлик агентликлари шугулланади. Чартер қатновининг асосий буюртмачиси жойларнинг бир қисмини бошқа сайёҳлик агентликлари сотишига ҳақли. Жорий йилнинг ёзидан саёҳат агентликлари билан биргаликда Шарм-эль-Шайхга парон нархлардаги йўлланмаларни таклиф қилаётган «AlMasria» (Миср) чартер авиакомпанияси Ўзбекистонга парвозларни йўлга қўйди.

Қайд этилган авиакомпанияларнинг парвозлар географияси ва қатновлар сонига қараб, аксарият йўналишларда биз улар билан тенглик асосида ишлаётганимизга ишонч ҳосил қилиш мумкин. Яъни хорижий авиакомпаниялар ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси томонидан ўқи бу шаҳарга амалга оширилган қатновлар сони бир хил. Йўловчиларда эса танлаш имконияти мавжуд. Йўналишларда бевоқиф рақиб бўлмаган ҳолатда хорижий авиакомпаниялар мукобил, яъни альтернатив сифатида транзит ташувларни таклиф этмоқда.

Шунингдек, Хиндистон, Франция, Германия, Италия, Латвия, АКШ, Япония ва бошқа мамлакатларнинг авиаташувчилари Ўзбекистонга тенглик асосида қатновларни амалга ошириш учун тўла ҳуқуққа эга ва мамлакатимиз юридик жиҳатдан



уларга рад жавобини бермайди.

Фуқаро қанча вақтларок, яъни олдинроқ авиачипта сотиб олса, билет шунча арзонга тушади. Қатнов кунни яқинлашгани сари тарифлар қимматлашади. Хар бир класс учун авиачипталар нархи, қондага кўра, олдиндан тасдиқланади ва нарх кейинчалик ўзгармайди.

МАКнинг ички йўналишлар бўйича режаларига қайтган ҳолда, таъкидлашимизки, ҳозирги вақтда қатновлар сонини ошириш ва тарифларни қўшимча оптималлаштириш масаласи кўриб чиқилмоқда.

Хавфсизлик — биринчи ўринда

Миллий авиакомпанияда мавсумий чегирмалар йўқ, деган тушунча нотўғри. Муайян даврларда (парвоз йўналиши, талаб ва қатновнинг мавсумийлигига қараб), авиакомпания қиммат классларни бронлашнинг маълум бир қисmini аэронроқ тарифга ўзгартиради ва бу уларнинг нархи пасайишига олиб келади. Натжида аксарият йўловчилар билетларни минимал нархларда сотиб олиш имкониятини қўлга киритади, бу эса чегирма билан тенглаштирилган. Агар халқаро қатновлардаги авиачипталарнинг нархи тўхталдиган бўлса, ҳозирда кўпбўйли йўналишларга (Москва, Санкт-Петербург, Қозоғистон, Сеул, Душанбе) қатновлар сони оширилди ва барча турдаги харажатлар (авиация керосинлари, аэропортлар авиакомпания тўловлари) ошганига қарамадан, миллий авиакомпания ўз тарифларини пасайтирмоқда. Россия Федерациясининг шаҳарларида ишлаётган юртдошларимиз учун мавжуд тарифлар бўйича 50 фоизгача чегирмалар тақдим этилмоқда.

Ўтган йили авиакомпания томонидан тақдим этилган чегирмаларда Россия давлатига вақтинчалик ишлаш учун кетган шахсларга тежамкор класс минимал тарифдан 20 фоиз миқдоридан жами 48,9 млрд. сўмлик 33450 донга чипта сотилган бўлиб, ушбу тоифадаги жисмоний шахсларга берилган чипталар 9,9 млрд. сўмини ташкил этади. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти аҳолисига 50 фоиз миқдорда нархлар пасайтирилди.

Шунингдек, ички туризмини ривожлантириш учун маҳаллий йўналишларда «Индивидуал йўловчилар» — 30 фоиз, «Оила» — 50 фоиз, «Талаба» ва «Турист» — 40 фоиз чегирмаларни тақдим этиш тизими қўлланилмоқда.

Кейинги пайтда Чимкент аэропорти хизматидан фойдаланиш кенг тус олмоқда. Тўғри, Чимкентдан парвоз қилиш арзонга тушади. Аммо ўзимиздан парвоз қилишнинг ҳам қулайликлари бор. Миллий авиакомпаниямиз қатновларида Истанбулдан исталган классда келадиган йўловчининг 30 килограмм ўлчамли пулсиз юк лимити мавжуд. Чимкентдан парвоз қилувчилар учун бундай лимит кўрсатилмаган. Шунини таъкидлаш жоизки, МАК йўловчиларга чипталарни қайтариш ва парвоз вақтини ўзгартириш имконияти каби «кенг» хизмат турларини тақдим этади.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси хавфсизлигини таъминлаш мақсадида авиакатни мунтазам янгилан келмоқда. Мавжуд самолётларимизнинг ўртача ёши 10 йилни ташкил этади. Ўзбекистон аҳолиси муқобил равишда фойдаланаётган қўшни мамлакатлар авиаташувчиларининг самолётлар парки эса анча эскирган. Мисол учун, Чимкент — Истанбул авиакатновларини амалга оширувчи самолёт тахминан 18 йилдан ортқ вақт давомида эксплуатация қилинмоқда.

Хулоса ўрнида

Авиакомпания ўзининг имкониятлари ва қулайликлари ҳақида қанчалик тушунтиришга уринмасин, мавжуд камчиликлардан қўз юмиб бўлмайди. Авиачипталар нархи аҳоли орасида кескин норозиликларни келтириб чиқарётгани ҳеч қимга сир эмас. Бугунги кунда хар қандай киши учун ҳаводаги қулайликдан кўра, арзон учиб муҳимдир. Мавжуд камчиликларни бартараф этиш учун жаҳон андозаларига таяниб, рақобат асосида ишлаш даври келгани яққол кўриниб турибди. Шундагина фуқароларимиз учун парвоз қилиш, чўнтақбop саёҳатларга чиқиш муаммага айланиб қолмасмики?!

Нилуфар ЮНУСОВА
«Mahalla»

МАНЖУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

- Қозоғистонда 21 та авиакомпания йилига 5,6 миллион йўловчини ташийди. Бу Ўзбекистонга қараганда деярли 50 фоиз кўп.
- Озарбайжонда 2 та миллий ва 30 дан ошқ чет эл авиакомпанияси йилига 4 млн. йўловчини ташийди.
- Осиёнинг тўртинчи энг катта иқтисодийотига эга Жанубий Кореянинг авиация соҳаси либераллашуви ҳам салмоқли иқтисодий самара берган. 12 та миллий ва ҳусусий, 56 та чет эл авиакомпанияси йилига 30 миллион йўловчини ташийди. Кореяда аҳоли сони: 51,4 миллион. Бу аҳолининг деярли 60 фоизи хар йили қамда бир марта парвоз қилиш имконига эгаллигини кўрсатади. 2018 йилда Кореяга 8 миллионга чет эллик турист борди. 2018 йилда Корея туризм соҳасининг йиллик пул айланмаси 25 миллиард АКШ долларига етди. Бу соҳада ишлайдиган ҳодимлар сони эса 260 000 киши. Албатта, бундай қўрсаткичларга Корея авиациясининг либераллаштирилиши, 30 йил олдин монополиядан воз кечини, бошқа давлатлар билан актив стратегик ҳамкорлик ўрнатини орқали эришилган.

Uzbekistan Airways Тбилисига парвозларни йўлга қўйди. Чипта нархи 3,5 млн. сўмдан бошланади.

Бир туманда тўрт маҳалла муаммоси барҳам топди

Президентимизнинг шу йил 28 февраль - 1 март кунлари Наманган вилоятига ташрифи чоғида берган топшириқларидан келиб чиқиб, қабул қилинган «Обод марказ» дастури асосида Наманган тумани марказидаги 209 та объектда қурилиш-таъмирлаш, обodonлаштириш ишлари амалга оширилди ва улар фойдаланишга топширилди.

Тошбулок кўркам шаҳарга айланди

Бир вақтлар азим Сирдарёга яқин бўлган тошлок худудга Кўкон ҳамда Попнинг Гурумсарой томонларидан дехкончилик қилиш иштиёкидаги аҳоли кўчиб келган. Улар ўтроклашиб, боғу роғлар барпо этишган. Бу жойда катта-кичик булоқлар кўп эди. Шу боис маскан кейинчалик Тошбулок деб аталди. Аҳоли кўпайгани сари Кичик ҳамда Катта Тошбулок кишлоклари пайдо бўлди. Ўтган асрга келиб, у янги ташкил этилган туман марказига айланди. Лекин аҳоли яшаш шароитлари ҳавас қилгулик эмасди. Пана-паст-кам уйлару пахса деворлар, режасиз қурилган бинолар, савдо ва бошқа маиший хизмат шохобчалари марказ номига номуносиб манзара қасб этиб турарди.

Бугунги кунга келиб аҳолиси 25 минг нафардан ошган худудда қатор қурилишлар олиб борилди. Бирок марказни чин маънода кўркам қиёфага келтириш учун катта лойиҳага эҳтиёж туғилди. Биринчи навбатда, инфратузилмани яхшилаш, одамларнинг замонга мос яшашлари учун шароит яратиш лозим. Ана шундай режа Президентимизнинг шу йил 28 февраль - 1 март кунлари Наманган вилоятига ташрифи чоғида берилган топшириқларидан келиб чиқиб, қабул қилинган «Обод марказ» дастури асосида тақдим этилди. Ва қисқа фурсат — тўрт ой ичида Тошбулок чинакам шаҳарга айланди.

Бошланиши осон бўлмади

— «Обод марказ» дастури доирасида май-июнь ойларида «Нуртепа», «Паст қиёт»,

«Кичик Тошбулок» ва «Катта Тошбулок» маҳаллаларида қурилиш, таъмирлаш ва обodonлаштириш ишлари амалга оширилди, — дейди Фукарларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг мувофиқлаштириш бўйича Наманган тумани кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Дилбархон Хошимова. — Жумладан, «Нуртепа» маҳалласидаги 1960 йилларда вақтинча яшаш учун қурилган ва 160 нафарга яқин аҳоли истиқомат қилаётган барак типидоғи уйлар ўрнида биринчи қаватидан савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари эски олган икки қаватли турар-жой бинolari қад ростлади. «Кичик Тошбулок» маҳалласида 2 та кўп қаватли уй қурилиб, атрофи обodonлаштирилди, хонадонлар замонавий мебел ва жиҳозлар билан таъминланди. Тиббиёт бирлашмаси рўнгарасидаги эски бир қаватли савдо мажмуалари ўрнида уч қаватли 18 та савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуаси қурилди. «Паст қиёт», «Кичик Тошбулок» ва «Катта Тошбулок» маҳаллаларида жойлашган 12 та кўп қаватли турар-жой типосида таъмирлаш ишлари амалга оширилди. «Нуртепа» ва «Кичик Тошбулок» маҳаллаларидаги 40 та оила уйининг томи ва фасади таъмирланди.

Худудда узок йиллардан бери оғриклик масала бўлиб келаётган канализация, ичимлик суви, электр энергияси, табиий газ тармоқларини таъмирлаш ҳамда янгиларини барпо этиш масаласига жиддий ёндашилди. Истеъмолчиларнинг электр энергия таъминотини тубдан яхшилаш учун янги темир бетон таянчлар ўрнатилиб, қўшимча электр

узатиш тармоғи қурилди, янги трансформатор пунктлари ўрнатилиди.

Энг аввало, 700 метр узунликда янги электр узатиш тармоғи тортилгани, 1 та янги трансформатор пункт ўрнатилиб, мавжуд 4 таси мукамал таъмирлангани бундан ташқари, 5 та подстанцияда қуввати 400 кВт. кучлиниш трансформаторлар таъмирланиб ишга туширилиши натижасида истеъмолчиларнинг электр энергияси билан таъминоти тубдан яхшиланди. Шунингдек, 2,2 километрли сув тармоғи тортилиши билан ичимлик суви таъминотидаги муаммоларга барҳам берилди. Хусусан, сўнгги беш йил давомида таъмирталаб бўлган сув-окова тизими тозаланиб, қайта ишга туширилиши антисанитария ҳолатларининг олдини олди.

Одамлар нимадан норози эди?

Аҳолининг, айниқса, транспорт воситалари эгаларининг донийм эътирозига сабаб бўлиб келаётган муаммолардан бири — йўлларнинг носозлиги эди. Энди эса туман марказидаги автомобиль йўллари пойтахт йўлларида қилинган даражадаги сифати — кенг ва равлонлиги билан мактаса мактагудек йўлларга айланди.

Туман марказий шифохонаси олдиндан ўтувчи асосий йўл кейинги вақтларда носоз ҳолга келиб қолган, ўта тирбанд бўларди. Шифохонага келувчилар, қолаверса, шу худудда жойлаш-



мактаби, Тошбулок педагогика коллежида таъмирлаш ишлари якунига етказилди ва 32-умумтаълим мактаби учун 300 ўринга мўлжалланган яна бир умумтаълим мактаби, сув спорти иншооти қуриб фойдаланишга топширилди. «Нуртепа», «Кичик Тошбулок», «Катта Тошбулок» маҳаллаларида жами 105 та савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуаси барпо қилинган аҳолига қулайлик баробарида янги иш ўринлари яратилиши билан ҳам ижтимоий аҳамиятга эга бўлди. Жумладан, «Дурдона дизайн» тикувчилик мажмуаси ва кўп-лаб минимаркетлар ташкил этилиши билан 500 дан ортиқ янги иш ўрни яратиш имконияти яратилди. Бундан ташқари, худудда фойдаланилмай келинётган 4,5 гектар майдонда ташкил этилган кичик саноат зонасига жалб этилган 28 та ташаббускор тадбиркорлик субъекти томонидан йил якуни билан яна мингдан зиёд юртдошимизни иш билан таъминлаш кўзда тутилмоқда.

ДАРВОҚЕ...

«Обод марказ» дастури доирасида Наманган вилоятига 601 объект қурилиш режалаштирилган. Бунёдкорлик ва обodonлаштириш ишлари учун бюджет, «Обод марказ» ҳамда маҳаллий маблағлар ҳисобидан 1 триллион 388 миллиард 391 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланган. Айни пайтда Чортоқ, Янгиқўрғон, Уйчи туманларида ҳам асосий қурилиш-обodonлаштириш ишлари якунланиши арафасида турибди.

ган 22-мактабда ўқувчи-ёшлар учун қийинчиликлар туғилаётган, хатто йўл-транспорт ҳодисалари ҳам тез-тез учраётган эди. Энг катта ўзгариш айнан шу жойда амалга оширилди. Иброҳим Раҳматов номидаги кўчанинг 10-15 километрга асфальт қопламаси ётқизилди ва йўлнинг икки четига 1,5 километр узунликда лотоклар ўрнатилди, пйёдалар ва велосипед йўлаклари барпо этилди.

Дастур доирасида туман марказидаги 22-умумтаълим

ноларида амалга оширилган қурилиш-таъмирлаш ишлари Наманган туманининг ижтимоий, иқтисодий, бунёдкорлик салоҳиятидан далолат бериб, юртдошларимиз қалбида эртанги кунга ишончни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

— Ўзим «Хонобод» маҳалласида яшайман, — дейди меҳнат фаҳрийси, Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси Абдусалом ота Раҳмонов. — Маҳалладошларим кунда бир туман марказига иш билан келади. Ўзгаришлар ҳақида эшитиб, уйда ўтиролмадим. Набирларим ҳамроҳлигида зиёратга келдим. Бундан атиги тўрт ой аввалги манзара талмонан бошқача бўлиб кетибди. Қайғқа қарасангиз, кўзингиз ўйрайди. Хотира хйёбонида ўтганлар руҳига тилловат қилдим. Илоҳим, юртимиздаги тинч-осуда ҳаётга, фаровон турмушимизга кўз тегмасин.

Бу ҳали ҳаммаси эмас...

Айни пайтда Наманган туман марказида ичимлик суви таъминотини яхшилаш бўйича қиймати 9,6 миллиард сўм бўлган лойиҳа асосида Жаниш сув олиш иншоотидан сув тармоғи тортиш ишлари давом этмоқда. Бугунгача 2,5 километр масофага қувурлар ётқизилди ва сув иншоотида 500 кубметр сийғимли ёпиқ ҳовуз қурилди. Бу ишлар натижасида аввал қаттиқлик даражаси 17 мл.граммдан 4,7 мл.граммга камайтиришга эришилди, яъни ичимлик сувининг физикавий-кемёвий жиҳатдан истеъмолга яроқлилик даражаси ҳам ошди. Бундан ташқари, «Катта Тошбулок», «Кичик Тошбулок» маҳаллаларидаги босимли окова сув тармоғини таъмирлаш бўйича 1 миллиард 298 миллион сўмлик лойиҳа асосида таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Демак, яратилаётган инфратузилмадан баҳраманд бўлаётганлар қувончига яна қувонч қўшилади.

Илхомжон РАҲМАТОВ
«Mahalla»



Фарғонада янги инновацион хусусий мактаб ишга тушди.

Дастур доирасидаги вазифалар қачон ижро этилади?

Шаҳар ва қишлоқларнинг меъморий қиёфасини яхшилаш мақсадида қабул қилинган «Обод қишлоқ», «Обод маҳалла» дастурлари доирасида уй-жойларни таъмирлаш, аҳоли пунктларини ободонлаштириш, ичимлик суви, электр энергияси тармоқларини тортиш, маҳаллий ва ички йўлларни таъмирлаш каби ҳаракатлар одамлар ҳаётига янги маъно-мазмун бахш этмоқда.



Жорий йилнинг ўзида Фарғона вилояти Бешарик туманидаги Бешари, Ариқбоши, Наби қишлоқлари ҳам дастур доирасида гўзаллашди, обод бўлди. Бир қараганда ҳаммаси рисоладагидек. Одамлар ўз маҳалласи, қўча ва ҳибдонларида бошланган бунёдкорликлар, ободликлардан мамнун.

— Қишлоғимизда сув, электр таъминоти, йўлларни таъмирлаш борасида бир қанча муаммолар бор, — дейди Бешари қишлоғида умртузаронлик қилаётган Абдували ота Оназаров. — Айни кунда бу долзарб масалаларни ечишга умид қилилмиш.

Қоғозда бор, амалда эса...

Бешари қишлоғида «Обод қишлоқ» дастури доирасида бошланган ишлар ҳайратимизни оширганди. Бу ердаги манзара эса дастур доирасидаги белгиланган вазифаларга ҳали киришилмаганини кўрсатмоқда. Йўллар таъмирталаб, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида бошланган ишлар чала қолган. Сув қувурлари йўл четигада ўрага ташлаб қўйилган. Устига-устак, дастурда белгиланган сув иншоотини реконструкция қилишдан дарак йўқ. Электр тармоқларидаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш мақсадида бошланган ишлар ҳам мана, уч ойиди, «эгасини кутиб турибди». 10,4 километр ички йўлларни асфальтлаш режалаштирилган, лекин ҳали бунга қўл урилмаган. Хўш, олти ойдан буён пайсалга солиб келинаётган бу ишларга қим масъул?

Туман ҳокимлиги капитал қурилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик ва ободонлаштириш бўлими мутахассислари томонидан кўрсатилган маълумотда қишлоқдаги 3,3 километр ички йўлларни шағаллаш ишлари якунланган. Амалда эса таъмир ишлари давом этмоқда. Шунингдек, туман ҳокимлиги маълумотномасида бажарилгани кўрсатилган электр трансформаторлари созлаш тадбирлари ҳам ўз ечимини кутиб турибди. Нега? Нима учун? Ахир, орда қолган олти ой бу ишларни якунлаш учун наҳотки камлик қилган бўлса?

«Шўреув» маҳалла фуқаролар йиғини

масъул котиби Дилшодбек Сайдалиев ҳам дастурда кўзда тутилган вазифалар мазмун-моҳияти, муллоти, қурувчи ва пудратчилар ҳақида берган саволларимизга тайинли жавоб бера олмади. Лоқайдлик, ўзибўларчилик туфайли пайсалга солиб келинаётган масалалар ечимида маҳалла фаоллари нега ташаббус кўрсатмапти? Ахир, бугунги тараккиёт, ривожланиш жараёнида «Олма пиш, оғзимга туш» қабилида иш юритиб бўлмайди-ку.

Сув миносини ўрнатиш неча ойидирки, пайсалга солинмоқда

Ариқбоши қишлоғидаги ҳолат ҳам Бешаридан сира қолишмайди. Дастур доирасидаги ишларнинг бошланмагани кўп. Шу кунга қадар ҳудуддаги 13-умумтаълим мактаби, 14-мактабгача таълим муассасаси таъмирланди, ички қўчалар шағалланиб, ичимлик суви тармоқлари тортиб бўлинди. Аммо сув миносини ўрнатиш ишлари неча ойидирки, пайсалга солинмоқда. Шунингдек, ёритиш устунлари, электр симёғочларни ўрнатиш, маҳалла хўсига соя солиб турган ва чала қолдирилган қурилиш ишларини поёнига етказиш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан.

— Бизда ҳамма нарса жойида, ишлар энди бошланди, — дейди йиғин масъул котиби Нигорахон Эргашева. — Шу кунга қадар тадбиркор Гулҳаё Маънонова ташаббус билан тикувчилик тармоғи, новойсхона ташкил этилди. Яқин кунларда савдо дўкони, ҳаммом ишига туширилади.



Маҳалла масъул котиби ҳудудда тоза ичимлик суви масаласида муаммо йўқлигини бот-бот такрорлади. Лекин қишлоқ аёллари, ёш болалар оила эҳтиёжи учун керакли бўлган сувни турли бетон идишлар, араваларда ташиб кетаётганига гувоҳ бўлдик.

«Амалий ишлар ижросига келганда ҳеч қим ҳеч нарса билмайди»

Наби қишлоғида «Обод қишлоқ» дастури доирасида бошланган ҳайрли ишлар туфайли 6 километр ички йўл шағалланди, 2 километрга асфальт ётқизилди. Янги сув тармоқларини тортиш, электр таъминоти сифатини яхшилаш, уй-жойларни тартибга келтириш ҳаракатлари қишлоқ ҳаёт тарзига ўзига хос ўзгаришлар олиб кирди.

Аммо бу ҳудудда ҳам вазифалар ижроси рисоладагидек дейиш қийин. Мана, бир неча йиллардирки, ҳудудда оқова сув етишмайди. Бу борада жуда кўп мутасадди ташкилотларга мурожаат қилинди. Лекин масаланинг ечими ҳануз топилгани йўқ. Бир қишлоққа, оқар сув келтириш пунчалик мушкулми? На-

хотки, бунинг чораси топилмаётган бўлса? Саволлар кўп, аммо жавоб берувчи мутасаддилар мум тишлаган. Эътиборли жиҳати, қишлоқни обод қилиш борасида қабул қилинган дастурда масаланинг бу жиҳатларига эътибор берилмагани муаммолар кўламинини янада кенгайтирмоқда.

— Ариқларимиз, ҳатто, қўмилиб кетди, — дейди маҳалла фаоли Каримжон Тоштемиров. — Оқибатда 200 гектарга яқин томорқадан аҳоли унумли фойдалана олмапти. Бир пайтлар бизнинг қишлоқда етиштирилган сабзавотлар нафақат Бешариқ, балки қўшни шаҳар ва туманларда ҳам харидорсиз эди. Жорий йилда муаммони ҳал этиш мақсадида қишлоққа обихаёт олиб келувчи 1,5 километр сув йўлларини ҳашар йўли билан тозаланди. Натижада сув келиши раволашди. Лекин томорқа экинлари учун сув лимити (меъёри) ажратилмаётгани сабабли фермерлар бизга сув бермайди. Бу ҳолат фақат жорий йилда қузатилаётгани йўқ, йиллар давомида ўз ечимини кутиб турибди. Қишлоқ аҳолини қийнаётган масала юзасидан туман ҳокими, сектор раҳбарларида бир неча бор мурожаат қилдик, масъул идоралар эшигини қоқдик, ҳаммаси ваъда беришди, амалий ишлар ижросига келганда ҳеч қим ҳеч нарсани билмайди.

Муаммоларга сабаб нима?

Дарҳақиқат, маҳалла фаолларининг қуюн-гачи бор. Қишлоққа сув келишидан умидини узган айрим хонадон эгалари ариқларни ўзбошимчилик билан тўсиб, уй, деворлар қуриб олган. Бу ҳол эса янги сув тармоқларини тортиш, йўл ва йўлакларни кенгайтириш ишларига тўсқинлик қилмоқда.

— Юзага келган муаммолардан кўз юмиб бўлмайди, — дейди Бешариқ туман ҳокимининг капитал қурилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик ва ободонлаштириш масалалари бўйича ўринбосари Авазбек Абдурахмонов.

— Энг асосий масала дастур доирасида белгиланган ишларни ўз вақтида молиялаштиришдир. Ҳозирда мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Айни кунда дастурда белгиланган ҳудудларга темир симёғоч ва электр кабелларини етказиб бериш учун вилоят электр тармоқлари корхонасига буюртма берилди. Шунингдек, ички йўлларни асфальтлаш, сув тармоқларини ишига тушириш билан боғлиқ вазифалар ижроси учун вилоят молия бошқармаси томонидан мақсадли сармоялар ажратилди. Демак, энди сўзлаш, ўзгариш бўлади.

Бир сўз билан айтганда, қишлоқ одамлари ҳаёт тарзини яхшилаш, уларга муносиб маданий ва маиший шароитлар яратиб бериш борасида олиб борилаётган ислохотлар аҳоли фаровонлигини ошириб, мавжуд муаммолар ечимида қўл келаётгани билан эътиборни тортди. Энг муҳими, бу ислохотлар ривожда халқнинг ҳамжихатлиги, ўз тақдири ва эртанги кўни учун бефарқ эмасликлари билан янада уйғунлашмоқда.



МЕНДА САВОЛ БОР...

Оқар сув бўйича қаерга мурожаат қилинади?



— Томорқа экин майдонлари учун оқар сув етказиб бериш қимнинг вазифаси? Бунинг учун қаерга мурожаат қилиш керак?

Акмалжон ҚўЧҚОРОВ.
Бешариқ тумани
Наби қишлоғи.

Абдураззок ҚўЗИБОВЕ,
«Сирларё – Сўх»
иригация тизимлари
хавзаси бошқармаси
сув ресурслари бўлими
бошлиғи:

— Аҳоли томорқа экин-ларига сув етказиб бериш суви истеъмолчилари уюшмаси нодавлат нотижорат ташкилотлари ваколатига қиради. Бунинг учун ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғини ана шу ташкилот билан тўғридан-тўғри шартнома тузиши зарур. Шартномада қишлоқдаги мавжуд экин майдонларининг сувга бўлган эҳтиёжи ва ҳар бир сотих учун белгиланган меъёр ва нархлар кўрсатилиши шарт. Бундан ташқари, ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғинида етказиб берилган сувни назорат қилувчи ва кўрсатилган хизматлар учун ҳақ ундирувчи масъул шахслар – мироблар тайинлашлари керак. Айни кунда Бешариқ туманида сув тармоқлари ҳудудий йўналиши бўйлаб 10 та ана шундай нодавлат нотижорат сув истеъмолчилари уюшмаси фаолият кўрсатиб келмоқда. Демак, мавжуд муаммони ҳал этиш учун маҳалла фуқаролар йиғини масъуллари ана шу уюшмага мурожаат қилишса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Расул КАМОЛ
«Mahalla»

Навоий «Силикон водийсига» айланади

БУГУН ДУНЁ ТАДБИРКОРЛАРИ НАВОЙЙГА ИНТИЛМОҚДА. ДЕМАК, ТЕЗ ФУРСАТДА ВОҲА ЧИНАКАМ ИНВЕСТИЦИЯ ВА ИННОВАЦИЯЛАР МАЙДОНИ БЎЛАДИ

Яқин келажақда Навоий вилояти юқори технологияли ва инновацион ишлаб чиқариш корхоналари муҳасаммалашган ҳудудга, ўзига хос «Силикон водийсига» айланади. Бунга давлатимиз раҳбарининг жорий йил 15 майдаги «Навоий вилоятини инновацион, юқори технологияларга асосланган, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришлар учун эркин иқтисодий зона сифатида белгилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони асос бўлади.

Нега айнан Навоий танланди?

Навоий вилояти бутунлай эркин иқтисодий зона деб эълон қилингани бежиз эмас. Бойси ҳудудда юқори малакали техник кадрлар, қўллаб-таъмин бўйича захиралари мавжуд, «Навоий» ЭИЗда ишлаб чиқариш учун зарур бўлган инфратузилма ривожланган, қўшни давлатларга экспорт қилиш учун қулай жойда жойлашган халқаро аэропорт фаолият кўрсатмоқда.

— Навоий тўғрисида Менделеев жадвалидаги барча элементларнинг мавжудлиги бу ҳудуд имкониятларининг беқиёс эканига яна бир далилдир, — дейди «Навоий» ЭИЗ дирекцияси раҳбари Ҳабиб Абдуллаев. — Бугунги кунда иқтисодий зонада 30 та лойиҳа амалга оширилган бўлиб, ишлаб чиқариш жараёنларига 1,5 миңдан зиёд киши жалб этилган. Бундан ташқари, айни пайтда хорижий инвесторлар иштирокида амалга оширилиши режалаштирилган 164 та янги инвестицион лойиҳа рўйхатдан ўтган. Улар орасида Россия, Хитой ва Жанубий Корея давлатлари инвесторларининг салмоғи катта.

Лойиҳалар қандай талаблар асосида сараланади?

Навоий вилояти ҳокимининг инвестициялар бўйича ўринбосари Ўктам Исломовнинг қайд этишича, лойиҳа Навоий ЭИЗ иштирокчиси макomini олиши учун қатор талабларга жавоб бериши лозим.

— Биринчи навбатда, амалга оширилаётган лойиҳа экспортга йўналтирилган, импорт ўрнини босувчи маҳсулот тайёрлашга ихтисослашган бўлиши керак, — дейди Ў.Исломов. — Шунингдек, унинг инновацион, юқори технологияларга асосланган бўлиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ҳудуди шундай лойиҳаларга Навоий вилоятида чегарасиз, ҳудуднинг исталган жойида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш имконияти яратилади.

Ҳар бир туманда хориж корхоналари иш бошлайди

Амалга оширилаётган лойиҳалар вилоятнинг барча ҳудудларини камраб олаётгани билан ҳам аҳамиятлидир. Жумладан, Қизилқум бағридаги марварид шаҳар деярли таърифланган Зарафшонда айни пайтда хорижий инвесторлар иштирокида томчилатиб суғориш технологиясини қўллаш ва пойабзал ишлаб чиқариш лойиҳалари амалга оширилмоқда.

— Июнь ойида Хитойда ўтказилган халқаро симпозиумда Зарафшон шаҳрида қиймати 50 миллион АҚШ долларига тенг бўлган қиммат заводини барпо этиши, йилга 20 тонна балик этиштиришга қаратилган лойиҳа бўйича шартнома имзоладик, — дейди Зарафшон шаҳар ҳокими Анвар Ражабов. — Шунингдек, шаҳримизда хитойлик ишбилармонлар томонидан «Zarafshon Industrial Technology» масъулияти чекланган жамияти ташкил этилди. Хорижий корхона 42 миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя кириштириб, бўёқ ва ноорганик моддалар ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчи.



Бундан ташқари, ҳозирги пайтда Кониш туманида туркиялик тадбиркорлар билан трикотаж, хитойлик инвесторлар иштирокида чиқиндини қайта ишлаш, эронлик бизнесменлар ҳамкорлигида насли мол, туяқуш олиб келиб тарқатиш ва кўпайтириш, Қозғистон вакиллари билан чорва озукаси ишлаб чиқариш лойиҳаларини амалга оширишга киришилган. Навбахор туманида этанол ҳамда биодизел ишлаб чиқариш, Карманада сутни қайта ишлаш заводини, Хатирчида уруғчилик корхонасини ишга тушириш, Қизилтепада гилам тўқиш, ўсимлик ва ҳайвон ёғи ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда.

Юқорида Навоий вилояти келажақда «Силикон водийсига» айланиши айтиб ўтилди. Маълумки, электрон ва компьютер техникаси саноати объектлари, таълим ва илмий тадқиқот марказлари тўпланган, юқори малакали мутахассислар, ушбу соҳага катта-катта сармоя сарфлайдиган қўшма корхоналар фаолият юртакидан ҳудуд «Силикон водийси» деб аталади. Дунё ҳамжамиятида Калифорния штати (АҚШ) ана шундай ном олган. Навоий вилоятида амалга оширилаётган бунёдкорликлар ҳам воҳани шундай аташимизга озу кўп асос бўлади. Зеро, бугун дунё тадбиркорлари Навоийга интиломоқда. Демак, тез фурсатда воҳа чинакам инвестиция ва инновациялар майдонига айланади.

Холбиби САФАРОВА
«Mahalla»

МУЛОҲАЗА УЧУН МАВЗУ

Нега тадбиркор бўлишдан қўрқамиз?

ГЕНЕТИК КОДИДА ТАДБИРКОРЛИК БЎЛМАГАН ОДАМНИ ТАДБИРКОРЛИККА ҚИЗИҚТИРИШ ОСОН КЕЧМАЙДИ, ЛЕКИН БУ ИМКОНСИЗ ДЕГАНИ ҲАМ ЭМАС

Метрода ўзим тенги йигит йўл сўради. Унинг юз-кўзидан сўяги оғир меҳнатда қотгани кўриниб турарди. Йигитга борар манзилни тушунтириш, поезд келгунча суҳбатлашдик. Ўзини Ислонжон деб таништирган йигит узок вақт хорижда ишлагани, оғир ишдан толиқгани, энди тадбиркор бўлмоқчи эканини айтиб қолди. Имкони бўлса, уйда беш-олти бош қорамол боқиш нияти борлигини билдирди.



«Тадбиркорлик» деган эпидемия тарқатиш керак

Дарҳақиқат, бугун Ислонжон сингари шахсий бизнесини йўлга қўймоқчи бўлганларга мамлакатимизда кенг имкониятлар яратилган. Хусусан, «Ҳар бир оила — тадбиркор», «Yoshlar — kelajagimiz» Давлат дастурлари ҳам айнан жамиятда ишбилармонлар сифини кенгайтириш, ижтимоий муаммоларга ечим топиш учун ишлаб чиқилган. Ҳўш, биз бу имкониятлардан қанчалик фойдалана оламиз?

Нега «молбоқарлик»дан бошқа йўлни танлай олмаймиз?

Агар оилавий тадбиркорликни йўлга қўймоқчи бўлганлар билан суҳбатлашсангиз, уларнинг аксарияти уйда чорва молини боқиш ёки деҳқончилик қилишни истайди. Аслида бозорга хомашё эмас, тайёр маҳсулот олиб чиқадиغان инсон тадбиркор деб аталади. Олис кишлоқ ва овулларимизда эса ишлаб чиқариш деярли йўлга қўйилмаган.

Қизиги, Давлат дастурлари доирасида кредит олиб, иш бошламоқчи бўлганлар ҳам аксарият ҳолларда мол боқишни ва деҳқончиликни мўлжал қилади. Ваҳоланки, айни пайтда юртимиз бозоридан ўрин олиш осон. Албатта, яхши маҳсулот ҳар қандай бозорда ўз ўрнини топади. Аммо тадбиркорликни бошлаётганлар учун бозорда рақобат қамлиги қўл қилиши тайин. Шунга қарамай, биз ҳамон қўй ва ситир боқидан нарига ўта оламиз.

— Бозорларимизда гўшт ва молнинг нархи ҳеч қачон тушмайди, — дейди сурхондарёлик Бахтиёр Максимов. — Ўзим тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтмасан бўлсан-да, уйда тўрт-беш бош буқа, ўн бош қўй боқаман. Шундан олган даромадим бир рўзгорни бўтлашга етади. Ишлаб чиқариш ҳақида ўйлаб кўрмаганман. Ўйлашимча, ишлаб чиқариш учун чироқ, сув ва газ таъминотига ишонч бўлиши керак.

Дарҳақиқат, тадбиркорликка имконият яратиш деганда фақат молиявий рағбатлантиришни тушунамаслик керак. Зеро, жойларда табиий газ, сув ва электр энергияси билан боғлиқ муаммолар борлиги ҳеч кимга сир эмас.

— Тадбиркорликни бошлашдан аввалги ҳадиқ табиий ҳолат ҳисобланади, — дейди Президент ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва иштибоқли кадрларни тайёрлаш институти директори Ақтам Жалилов. — Чунки кўнглида ҳадиқ бор одам етти ўйлаб бир кесади. У пухта режа билан иш бошлайди. Генетик қодида тадбиркорлик бўлмаган одамни тадбиркорликка қизиқтириш осон кечмайди. Лекин бу имконсиз дегани ҳам эмас. Аслида тижорий тафаккур юқумли бўлади. Ҳақимиз генофондида эса бизнес тафаккур қоди мавжуд. Фақат уни қайта уйғотишимиз, бошқача айтганда, «тадбиркорлик» эпидемиясини тарқатишимиз керак. Зеро, тадбиркорлик ўзлаштириладиган илм.

Касбимиз тақозоси туфайли ёшлар билан кўп суҳбатда бўламиз. Улардан келгуси максаллари ҳақида сўрасак, аксарияти яхши маошли идораларда ишлаш нияти борлигини айтади. Бу келажақ учун пухта режа эмас! Афсуски, бу баъзи ёшларнинг дунёдаги ўзгаришлардан етарлича хабардор эмаслигини кўрсатади. Бугун юртимизда ҳаётга татбиқ этилаётган дастурлар уларни уйғотиш учун тайёрланган вакцина аслида!

Сирасини айтганда, сўнгги йилларда қабул қилинган қонун ҳужжатларини ўргансангиз, мамлакатимизда тадбиркорлик муҳитини яратиш учун қонуний асос яратилганига амин бўласиз. Бу имкониятдан оқилона фойдаланиш эса ўзимизга боғлиқ.

Дарвоқе, Ислонжон ҳақида: у йиллар давомида оғир меҳнат қилган, минг турли одамларга дуч келиб, ҳаётини тажриба тўплаган. Бу орада қанчадан-қанча тадбиркорлар суҳбатда бўлиб, улардан маслаҳат ҳам сўраган. Аммо у тадбиркорлик учун мол боқишнинг маъқул кўради. Бу мўлжални майда олди дегани-ку ахир! Негашундай?! Сиз бунга нима дейсиз, азиз маҳалладош!?

Боборавшан ҒОЗИДДИНОВ
«Mahalla»

«MAHALLA» да кўтарилган муаммолар ечим топди

ЖИЗЗАХ ШАҲРИНИНГ ҚОҚ МАРКАЗИДА ЖОЙЛАШГАН ТАРИХИЙ МАСКАН — «ЎРДА» ЭКОЛОГИК БОҒИ АЙРИМ МУТАСАДДИЛАРНИНГ ЎЗ ВАЗИФАСИГА СОВУҚҚОНЛИГИ НАТИЖАСИДА ҚАРОВСИЗ ҚОЛГАН ЭДИ.




риги ҳолатда сақлашга қўйиб қўйилган. Юқори таъкилотларга мурожаатларимиз самара бермасди. Секунда муаммоларга кўнглик. Боғ ҳақида ҳеч ким гатирмай қўйди. Эътиборсизлик туфайли боғ яйловга айланиб кетганига бир баҳа қолганди.

Матбуотда кўтарилган муаммо нафақат маҳалла фуқаролар йиғини, балки мутасадди ташкилотлар раҳбар-



этиляпти. Марказий ҳарбий округ кўмондонлиги кўмағида амалга ошири-
лаётган мазкур лойиҳа якунига етгач,
ёшлар боғда ҳарбий техникалар билан
яқиндан танишиш
имкониятига эга бў-
лади.

Энг муҳими, боғ-
даги Wi-Fi худудлари
ёшларнинг чеклан-
маган интернет хиз-
матидан фойдалани-
шини таъминлайди.
Шунингдек, боғда
2 та йирик кутуб-
хона ташкил этила-
ди. Улардан бири



«Booksafe» дир. Зиё масканларига
ташриф буюрган ёшларда энг нодир
китоблардан фойдаланиш имконияти
туғилади.

Айни шу кунларда 100 нафарга
яқин тadbirkor боғ худудида сервис
ва хизмат кўрсатиш шохобчаларини
кураётирлар. Улар бунёд этаётган
шохобчаларнинг ери 30 йил муддатга
бепул фойдаланиш учун берилди.

Экологияга зарар етмайди

— Қурилиш-бунёдкорлик иш-
ларининг экологик хавфсизлиги
таъминланган, — дейди Жиззах
шаҳар ҳокимининг ўринбосари
Суюн Силлиев. — Боғ худудида
рўйхатга олинган 24 турдаги 1
минг 800 туп дарахнинг бирор-
тасига қурилиш ишлари давомийда
зиён етказилмайдиган. Бу тadbirkor
боғнинг илгариги ҳолатини янги
қурилишлар билан ўйгунлаштириб,
яна ҳам кўркамлаштириш имкони-
ни беради.

Боғда ёшларнинг жисмоний тарбия
ва спорт билан шуғулланишлари учун
ҳам барча қулайликлар яратилаётир.
Бу ерда 2 та сунъий қопламали ўйин-
гоҳ, сузиш ҳавзаси, бассейн, картинг
ва велойўлаклар қуриляпти. Боғ худу-
дидан айланиб ўтувчи велойўлакнинг
умумий узунлиги 32 километрга
етади.

«Ўрда» экологик боғида амалга
ошириляётган қурилиш-бунёдкорлик
ишлари аниқ режа-жадвал асоси-
да олиб бориляётир. Белгиланган
тadbirkorларга кўра, боғ Ўзбекистон
Республикаси мустақилигининг 28
йиллиги арафасида ишга туширилади.
Жиззахликларнинг Истиклол байра-
ми подиёналарни қайта туғилаётган
«Ўрда» экологик боғида ўтказилиши
мўлжалланыпти.



Эргаш Кўлдоев. — Боғни ҳақиқий
оромгоҳга айлантириш мақсадида
аниқ лойиҳа-смета ҳужжатлари тай-
ёрланди. Унга кўра, боғнинг тўрт то-
монидан 4 та дарвоза қуриляётир. Ҳар
бир дарвоза миллий меъморчилигимиз
анъаналари асосида бунёд этилади.
Боғ худуди тўрт қисмга бўлинади.
Ҳар бир ҳудуд бир-биричи такрорла-
мас қиёфага эга бўлади. Катталар ва
болалар учун ҳордиқ чиқариш хиебон-
лари ташкил этилмоқда. Умумий
овқатланиш шохобчалари, ат-
тракционлар ҳамшаҳарларимиз ва
шаҳримиз меҳмонлари хизматига
тайёрланмоқда.

Иккита йирик кутубхона

Айни пайтда «Ўрда» экологик
боғи худудидаги 5 гектар майдонда
ҳарбий ватанпарварлик боғи барпо



БИР МАҚОЛА ИЗИДАН

«Зарбдордаги муаммолар қачон ечим
топади?» сарлавҳаси остида «Mahalla»
газетасининг шу йил 25 апрелдаги
20-сонида чоп этилган танқидий-таҳлилий
мақолада Зарбдор туманидаги
3-, 4-секторлар худудида юзага келган
камчиликлар, аҳолини ташвишга солаётган
муаммолар хусусида фикр юритилган эди.

Ижро қатъий назоратга олинган



— Газетада кўтарилган муаммо ва
камчиликлар Ўзбекистон Республикаси
Президентининг Зарбдор тумани Халқ
қабулхонаси, туман ҳокимлиги, секторлар
раҳбарлари, мутасадди ташкилотларнинг
вакиллари иштирокидаги йиғилишда ба-
тафсил ўрганиб чиқилди, — дейди Халқ
қабулхонаси етакчи мутахассиси Н.Ўраз-
баев. — Мақолада келтирилган камчилик
ва муаммолар тўлиқ тасдиқланди. Ҳозирда
йўл қўйилган хато ва камчиликлар тўлиқ
бартараф этилди. Бажарилиши маълум
вақт ва маблағ талаб этадиган камчилик-
лар назоратга олинди.

Жумладан, 4-сектор штаби жойлашган
Зарбдор ахборот технологиялари колле-
жидagi 3 та хона зарур инвентарлар билан
жизҳоланди. Компьютер, телефон восита-
лари билан таъминланиб, интернет тармо-
ғига уланди. «Ҳар бир оила — тadbirkor»,
«Yoshlar — kelajagimiz» дастурлари дои-
расида «Микрокредитбанк»нинг Зарбдор
тумани филиали 191 миллион сўмдан зиёд,
«Агробанк»нинг туман филиали эса 584
миллион 904 минг сўмлик имтиёзли банк
кредитлари ажратди. Носоз трансформа-
торлар янгисига алмаштирилди.

— Айни жазирама кунларда ичимлик
суви қадрини уни ташиб йчаётган кишилар
яхши биладилар, — дейди Шарк юлдузи
кишилоқ фуқаролари йиғинида яшовчи
Тўлаган Ташбаев. — Бу кеча ёки бузун-
нинг муаммоси эмас. Қўчамиз аҳолиси узок
вақтдан бери ичимлик суви муаммосидан
азият чекаётган эди. Мурожаатимиз бу
гал ҳам пайсалга солиниб, келгуси йилга
қолдирилганди. Муаммомизнинг газета-
да кўтарилиши унинг ечимига йўл очди.
Зарбдор туман «Сувовқа» давлат унитар
корхонаси ички имкониятларини ишга солиди.
Ана шунинг натижасида хонадонларимиз
ичимлик суви билан таъминланди. Бундан
бениҳоя хурсандимиз.

Танқидий мақола муҳокамасида белги-
ланган чора-тadbirkorларга асосан, тумандаги
«Шодлик» маҳалласи аҳолисининг ҳақли
эътирозига сабаб бўлаётган ичимлик суви,
электр энергияси таъминоти, ички йўллар-
даги муаммолар «Обод маҳалла» давлат
дастури доирасида ҳал этилиши белгилан-
иб, амалга ошириляётган ишлар ижроси
катъий назоратга олинган.

Ўзбекистонда адвокатлик хизмати талабга жавоб берадими?

ФИКРЛАР ВА ҚАРАШЛАР ТУРЛИЧА. АММО УЛАРДАН ЧИКАРИЛГАН ХУЛОСА МУШТАРАК: ЙЎНАЛИШДА ҚИЛИНИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ИШЛАР ТАЛАЙГИНА. ИСЛОХОТЛАРНИНГ ҚАЙ ДАРАЖАДА САМАРА БЕРИШИГА ЭСА ХАЛҚНИНГ ЎЗИ БАҲО БЕРАДИ



Адвокат — ким у? Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчиси ёки ўз манфаати йўлида этика қоидаларини да писанд қилмайдиган мутахассис? Бу соҳа нима учун ҳанузгача одамлар ишончини қозонган, ҳуқуқини ҳимоя қилувчи институтга айлана олмади? Адвокатларнинг ҳуқуқларини тўлиқ рўёбга чиқаришга тўсқинлик қилаётган ва улар томонидан сифатли юридик ёрдам кўрсатилишига ҳалал бераётган қандай омиллар бор?

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 12 майдаги «Адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чоратадбирлари тўғрисида»ги фармонида юқоридаги каби ҳолатларни келтириб чиқараётган сабаблар келтирилиб, муаммоларни ҳал этиш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилди. Хўш, ўтган вақт мобайнида бу борадаги натижалар қандай бўлди? Вазифалар ижроси қай даражада таъминланди? Адвокатлик хизмати сифат жиҳатдан юксала олдики? Куйида шу каби саволларга жавоб изладик.

Адвокатларга ишонасизми?

«Ўзбекистонда адвокатлик хизмати талабга жавоб берадими?» деган савол билан ижтимоий тармоқларда сўровнома ўтказдик. Мулоҳазалар, муносабат ва реакция турлича бўлди. Улардан баъзиларини эътиборингизга ҳавола этамиз:

Шокиржон Ҳамроев: Адвокатлар бор, улар шартнома асосида бир неча оилаларга хизмат қилади, ҳоло. Иши юришмаган, ўз устида ишламайдиган адвокатлар лицензия олиб, бюро очиб, фақат пулнингизни олиб, процессни чўзиб, ҳар чўзганида овқат, йўлқира ва шунга ўхшаш вазелар билан пул олиб юришади. Аксарият адвокатлар «адвокатлик этикаси»га риоя қилишмайди... Лекин билимлари ҳам бор, улар ё банкка ёки маоши катта ташкилотларда ишлашади. Яхши адвокат хор бўлмайди ҳеч вақт, тажрибалисини ҳеч қайси ташкилот қўйиб юбормайди.

Нозимжон Набижонович Юсупов: Бир-икки марта адвокатга ишим тушган. Бу ишда ютмаз деб, ёлгон гапирган. Буни кейинчалик ўзим тушуниб етганман. Бироқ ҳалол адвокатлар ҳам йўқ эмас.

Меҳрият Хоним: Адвокатлар умуман талабга жавоб берадими. Пулни олгунча ўзини ишлайётандек кўрсатади, пулни олиши билан иш тўхтабди ёки номигагина ҳаракат қилишади...

Кўриниб турибдики, фойдаланувчиларнинг аксарияти адвокатлик фаолияти талабга жавоб бермаслиги, уларнинг хизматидан қониқмаслигини билдирган. Хўш, аслида вазият қандай? Бу ҳақда мутахассислар нима дейди?

БУ — ФАКТ!

Адвокатлик касби ихтисослашганми?

Адвокатлик дунёдаги оммавий касблардан биридир. Ҳозирги кунда адвокатлик фуқаролик ва ихтисодий, маъмурий ва жиноий суд ишларини юритиш ихтисосликлари бўйича амалга оширилади. Ихтисослик фақат фуқаролик, ихтисодий, маъмурий ва жиноят ишларини юритишда адвокатлар томонидан малакали юридик ёрдам кўрсатишда талаб қилинади.

Адвокат танланган ихтисослик йўналишларидан қатъи назар, ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатлар ва тушунтиришлар, қонун ҳужжатлари юзасидан оғзаки ва ёзма маълумотномалар бериш, ҳуқуқий ҳусусиятдаги аризалар, шикоятлар ва бошқа ҳужжатларни тузиш, давлат органларида (суд органларидан ташқари), жисмоний ва юридик шахслар олдида вакилликни амалга ошириш, тадбиркорлик фаолиятига юридик хизмат кўрсатиш ҳуқуқига эга.

Адвокатура ҳанузгача одамлар ишончини қозона олмади



Фуркат ТОЖИЕВ,
Адлия вазирлиги
бошқарма бошлиғи:

— Келаётган мурожаатлар ва кузатувларим натижасида айрим адвокатлар бугунги кун талабига жавоб бермаслигини кўрсатмоқда. Тўғри, мижози учун охиригача ҳаракат қиладиган яхши адвокатлар йўқ эмас.

Бироқ айримлари ҳимоясидаги шахслар кўпроқ пул ундиришга ҳаракат қилиши ҳам бор гап. Адвокатлик сирини адвокат қасамёдини бузиш

ҳоллари учраётгани эса ҳимоя остидагиларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун бўлса керак, адвокатура ҳанузгача одамлар ишончини қозона олмаган. Балки суд-ҳуқуқ тизимига ишончининг пастлиги ҳам шундандир.

Фикримча, аввало, суд ҳокимиятининг тўлиқ мустақиллигини таъминлаш, суриштирув ва дастлабки тергов органлари ҳодимлари томонидан адвокатлик фаолиятига тўсқинлик қилишга йўл қўймаслик, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш керак. Албатта, бирданига яхши натижа бўлмаслиги мумкин. Бироқ аста-секин одамлар адвокатлар ҳақиқатан ҳам, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ишонади.

Ҳар бир адвокат касбига профессионал даражада ёндашиши лозим



Баҳром САЛОМОВ,
Тошкент шаҳридаги
«SANTALEKS»
адвокатлик фирмаси
раҳбари, юридик
фанлар доктори:

— Адвокатга ишонч билдирган ёки унинг ҳимоясида бўлган шахс манфаатини ҳимоя қилиш осон кечмайди. Айниқса, жиноят

ишлари бўйича ҳимояга отланганда шахс манфаати юзасидан айбловга қарши курашиш учун ўз билими ва тажрибасини ишга солиши лозим. Бу низоҳатда масъулиятли вазифа, чунки адвокат иккинчи тарафда бутун бошли давлат аппарати

машинаси ва уни ишга солувчи катта кучлар турганини ҳис қилади. У процессда фақат қонунни ишга солиши, ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган меъёрларнинг бажарилишини талаб қилиши керак.

Албатта, бу ҳаракатлар ҳам адвокатнинг касб этикаси доирасида амалга оширилиши шарт. Баъзида кейинги босқич судларида қатнашиш учун адвокат ёллашга мижозининг маблағи йўқ экани ҳақида эшитиб қоламиз. Аммо адвокат ҳимояси остидаги шахснинг айби йўқлигига ёхуд жазо оғирлигига қатъий ишонса, адолат-сизлиқни исботлаш учун ҳам ишнинг охиригача қатнашиши керак. Бу касбий маҳорат юксаклигидан далолат беради. Ҳар бир адвокат касбига профессионал даражада ёндашиши лозим. Шундагина уларга бўлган ишонч ортади.

Ташкилий тузилмалар ўртасида ўзаро алоқа йўқ эди...



Амирулло КАРИМОВ,
Адвокатлар
палатасининг Тошкент
шаҳар бўлими раҳбари:

— Бугун адвокатура соҳасини ҳуқуқий жиҳатдан янада такомиллаштириш долзарб вазифа саналади. Сиз юқорида таъкидлаган фармон билан амалдаги қонунчиликка бир қатор ўз

гартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Авваллари адвокат томонидан давлат ёки нодавлат ташкилотга юборилган сўровномаларнинг аксариятига ўз муддатида жавоб қайтарилмасди. Чунки бу бўйича ҳуқуқий ҳужжатларда аниқ нормалар белгиланмаганди. Ҳозир эса Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга «Адвокатнинг профессионал фаолиятига тўсқинлик қилиш» — 197-модда сифатида киритилиши адвокатларнинг иш самарадорли-

гини оширибгина қолмай, мижозларнинг бузилган ҳуқуқларини самарали ва сифатли ҳимоя қилиш имконини бермоқда. Мазкур модда талабларини бузган мансабдор шахс устидан адвокатга тўғридан-тўғри ташкилот жойлашган ҳудуддаги маъмурий судга шикоят билан чиқиш ҳуқуқини берилади.

Яна бир жиҳат: олдин Адвокатлар палатасининг ташкилий тузилмалари бўлган адвокатлик хайъати, адвокатлик фирмаси, адвокатлик бюрolari юридик маслаҳатхоналари билан давомий алоқа йўқ эди. Эндиликда Республика адвокатлар палатасининг веб-сайтда адвокатура соҳасида бўлаётган ўзгаришлар, қонунчиликдаги янгиланишлардан тортиб, энг яхши адвокатлар иши эътироф этиб борилмоқда. Бироқ айрим адвокатлар томонидан касб этикаси қоидаларини бузиш ҳолатлари ҳам кўзга ташланапти. Бундай вазиятлар сурункали тус олса, адвокатлик лицензиясини бекор қилишгача бўлган интизомий жазо чоралари қўлланилмоқда.

Фикрлар ва қарашлар турлича. Аммо улардан чиқарилган ҳулоса муштарак: юртимизда адвокатлик хизмати деярли талабга жа-

воб берадими. Йўналишда амалга оширилаётган ислохотларнинг қай даражада самара бериши эса адвокатларнинг касбига бўлган

фидойилиги, зиммасидаги вазифаларни сидқидилдан адо этишига боғлиқ. Уларга баҳони эса халқнинг ўзи беради.

Саҳифани «Mahalla» муҳбири Саодат МАХСУМОВА тайёрлади.

Ўзбекистонда маъмурий жаримлар миқдори 10 фоизга ошади.

Аёл нега жиноятга қўл урди?

ВОКЕАНИ ЭШИТГАН ҲАР ҚАНДАЙ ОДАМДА, АВВАЛО, БОЛАСИНИ ЎЛДИРМОҚЧИ БЎЛГАН АЁЛГА НИСБАТАН ҒАЗАБ УЙҒОНАДИ. ЛЕКИН УНИНГ ОҒИР ВАЗИЯТДА ҚОЛИШИГА САБАБ БЎЛГАНЛАР-ЧИ?!

Энг моҳир сўз санъаткори ҳам беқиёс меҳр олами, бегараз саховат ва эзгуликни онага қиёс этади. Аммо онанинг таърифни келтириш учун минглаб сўзларни ипга дурдай тизиб чиқсангиз ҳам кўнгил тўлмайди. Юрагингизнинг бир четида ҳали яна қанча гаплар айтилмай қолганини ҳис этасиз. Аммо она деган буюк шарафга номуносиб аёллар ҳақида эшитсангиз...

2018 йил 5 март куни Наманган вилояти Норин туманида яшовчи аёл киз чакалогини қасддан ўлдириш мақсадида ҳожатхонага ташлаб юборганди. Афсуски, бу ҳолат яна бир марта такрорланди. Шу йилнинг 2 июль куни яна бир аёл Сурхондарё вилояти Денов тумани «Лолазор» маҳалласидаги «Ҳабибобод» бозори ҳудудида жойлашган ҳожатхонага чакалогини ташлаб кетган. Дахшатлиси, ҳар икки ҳолатда ҳам чакалоқлар ҳожатхонада тутилган. Аёллар эса дилбандлини ўлдириш мақсадида ҳожатхонага ташлаб юборган. Яхшиямки, уларнинг бу қабих нияти амалга ошмади. Болалар яхши одамлар ғамхўрлиги сабаб тирик қолди.

Шу пайтгача боласини сотмоқчи бўлган, дилбандлини яхши одамлар эшигига, Меҳрибонлик уйлари яқинига ташлаб кетган аёллар ҳақида эшитганмиз. Лекин халқимиз орасидан ўз боласини энг жirkanч усулда ўлимга маҳкум этадиган аёлларнинг борлиги ҳар қандай кишини жиддий ўйга толдиради. Хўш, аёллар нега бундай қабих ишга қўл урмоқда?

Хотин-қизлар қўмитаси нима дейди?

Хотин-қизлар қўмитасининг маълумотига кўра, сурхондарёлик аёлнинг номусига ўзи билан бир маҳаллада яшайдиган амакисининг 1990 йилда тутилган ўғли теккан. Бу ҳолатни аёлнинг онаси ва ўзидан бошқа ҳеч ким билмаган. У отаси ва ака-укасининг зугумидан кўркани ва қариндош-уруғ, кўни-қўшнидан уялган сабаб онаси билан келишиб, болани йўқотишга аҳд қилади.

Бу воқеа кенг жамоатчилик ўртасида муҳокамаларга сабаб бўлди. Хотин-қизлар қўмитаси бундай муҳокамаларга муносабат билдирди. Унда жумладан шундай дейилади: «Бунақа пайтда ижтимоий тармоқлар-



да, ўзаро мулоқотларда ёшлар, айниқса, қизлар тарбиясига масъул ташкилотларни, маҳаллани, ота-онани айблаш, боласини ҳожатхонага ташлаган аёлни лаънатлаш жараёнининг бошланиши табиий. Интернет тармоғида, матбуотда «Эркак алдагани учун аёл шу ҳолга тушди», дейилмади, «Аёл жиноят қилди», дейилди. Асосан, АЁЛ ва унинг гуноҳи, жинояти ҳақида гапирилади.

Тўғри, боласини туғиб шу аҳволга солиш — албатта, ҳеч қачон оқланмайдиган ҳол. Бироқ, аввало, масала негизда ётган яна бир ҳақиқат — шу ҳолатни содир этишида маънавий маънода аёл билан теппа-тегс айбдор бўлган эркак омили, унинг тарбиясию шу фожиадаги «ҳисса» етарлича баҳоланмайдиган.

Дарҳақиқат, воқеани эшитган ҳар қандай одамда, аввало, боласини ўлдиришга бўлган аёлга нисбатан ғазаб уйғонади. Лекин унинг оғир вазиятда қолишига сабаб бўлганлар-чи?! Юқорида таъкидланган ҳолатда ҳам боласини ўлдиришга бўлган аёлнинг номусига теккан эркак ва «маслаҳаттўй» она «кадр ортида» қолиб кетди. Юртдошларимиз боласини ўлдиришга бўлган аёл ва масъул ташкилотларни айблашдан нарига ўтмади. Аслида биз аёл номусига тегишдан ор қилмаган, қилар ишни қилиб қўйиб, бемалол юрган эркак ҳақида ҳам жиддий қайғуришимиз керак. У қандай онлада камол топди? Нега унинг тарбияси билан жамоатчилик шуғулланмаслиги керак?! Ахир, мукаддас динимизда ҳам, халқимизнинг азалий кадриятларида ҳам зино қаттиқ қораланади ва буни барчамиз бирдек биламиз-ку!

Хуллас, бу жиҳатдан Хотин-қизлар қўмитаси ҳақ!

Аёл бундай қилмаслиги мумкин эди, агар...

— Ҳаммаси оиладаги тарбияга боғлиқ, — дейди саксон

бундай ишга қўл урмаслиги мумкин эди.

Лоқайдлик яна панд берди

Габриэль Гарсиа Маркеснинг «Ошкора қотиллик қиссаси» асарида ака-ука Пабло ва Педро Викариолар Сантьяго Насарини ўлдириш учун жазм қилади. Қизғини, улар бу ҳақда ҳаммага айтади. Кимдир уларни бу жиноятдан қайтаришига умид ки-



ёшни қарши олаётган Гўлсора ҳола. — Болалар тарбиясидаги бўшлиқ барибир ўзининг хунук оқибатини кўрсатади. Амакисининг ўғли номусига тегибди. Ахир, биз она-сингилларимизни ор-номусимиз деб биладиган халқ вақилимиз! Тагин онаси болани йўқ қилиш учун йўл кўрсатибди. Тавба! Бунга қандай тушуниш, изоҳлаш мумкин?! Ҳар қандай ҳолатда ҳам уларнинг ҳеч бирини оқлаб бўлмайди ва ҳодисада барчаси бирдек жавобгар, деб биламан. Агар аёлнинг тарбиясида бўшлиққа йўл қўйилмаганида, онаси тўғри маслаҳат берганида, жамоатчилик бефарқ бўлмаганида у

лад. Аммо эътиборсиз одамлар ака-укани тўхтатиб қолиш учун ҳеч нарса қилмайди. Натижада омма кўз ўнгига дахшатли қотиллик содир бўлади. Юқоридаги воқеа ҳақида ўйлаб негадир шу асар ёдимга тушди.

Маълумотларга қараганда, чакалок ўз вақтида, соғлом тутилган. Демак, аёл уни тўқ-киз ой кўтариб юрган. Бу вақт ичида уни тергайдиган, аёлнинг кўркишига сабаб бўлган отаси, ака-укалари вазиятни сезмаслик учун ўз жигарига нисбатан қанчалик бефарқ бўлди экан? Кўни-қўшни, маҳалла аҳли-чи? Афсуски, яна бир бор лоқайдчилигимиз панд берди.

Ҳадис:

Расулуллоҳ (с.а.в.) айтадилар: «Агар киши зино қилса, иймон ундан чиқади ва унга соя-бон каби бўлади. Агар (зинодан) бош тортса, иймон унга қайтади» (Абу Довуд, Термизий, Ҳоким ривояти).

Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинади. Расулуллоҳ (с.а.в.): «Зинокор зино қилаётган вақтда мўмин ҳолида бўлмайди, ўғри ўғрилик қилаётган вақтда мўмин ҳолида бўлмайди, ҳамр ичувчи ичаётган вақтда мўмин ҳолида бўлмайди ва киши бировнинг молини зўрлик билан олаётганида одамлар у зўрлик билан олаётганида ундан кўзларини юмадиган бўлишса, у мўмин ҳолида бўлмайди. Сизлардан бирорталарингиз жиноят қилаётганда у мўмин ҳолида бўлмайди. Бас, бу нарсаларни қилишдан сақланинглар, сақланинглар», дедилар.

МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

«Онанинг ўз чакалогини туғиш вақтида ёки туғилиши ҳамон қасддан ўлдириши — бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

Ўзбекистон Республикаси
Жиноят кодексининг
99-моддаси.

Эҳтимол, ҳаммаси тарбияга боғлиқ эмасдир?!

— Бу ҳодисага шошмашошарлик билан баҳо бериб бўлмайди. Тўғри, бундай ваҳшийлик барчамизни бирдек ғазабга келтиради. Лекин босиқлик билан мушоҳада қилиш, воқеанинг асл моҳиятини ўрганиш керак, — дейди психолог Зейбунисо Аҳмедова. — Эътибор берган бўлсангиз, муҳокамадаги вазиятда она-бола маслаҳатлашиб жиноятга қўл урди. Ваҳоланки, улар болани ўлимга маҳкум этмайдиган йўл тутса ҳам бўларди. Бу уларнинг психологиясида оғиш бор, деган тахминга асос бўлади. Шифокор-психотерапевт сифатида ваҳшийлик, хавфли вазиятни ечилиши адекват йўл тутмаслик, ўта қатъий ҳукм чиқариш, раҳмсизликнинг дахшатли кўринишига асосланиб, бу аёлда балки яширин психиатрик касаллик ҳам бўлиши мумкин, деган ҳулосани айтишим мумкин.

Шу боис уларга нисбатан фикр билдираётганда кескин ҳулоса чиқариб бўлмайди. Чунки очарчилик, уруш йилларида ҳам ўз жонидан кечса-да, фарзандларини асраб-авайлаган оналар ҳақида биламиз. Шу билан бирга, тўқликда ҳеч бир кам-қўсти бўлмай яшаётган ва намунали оила фарзанди бўлганларнинг ҳам бу қабих хатога қўл урган вазиятлари йўқ эмас. Демокчи-манки, бу аёлга психологик қўмак бериш, турли босимлардан асраш керак. Такрор айтман, бу ҳодисани чуқур ўрганмай, ҳулоса чиқариб бўлмайди. Эҳтимол, ҳаммаси ёш ўйлагандек тарбияга, аёлнинг ижтимоий аҳволига эмас, унинг руҳияти билан боғлиқдир?!

Ҳулоса ўрнида

Бугун медиа маконимизда тез-тез: «аёл боласини сотмоқчи бўлди», «аёл жиноятга қўл урди» каби хабарларга дуч келямиз. Демак, хотин-қизлар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш баробарида уларнинг муаммоларини янада чуқурроқ ўрганиш, аниқланган камчиликларни қисқа фурсатда ҳал этиш чораларини қўриш зарур. Бунда барча бирдек фаол бўлиши ва фақат танқид қилиш эмас, мавжуд камчиликни ҳоли-сова кўрсатиб, шунга муносоиб ечим таклиф қилишни ўрганишимиз керак.

Боборовшан ҒОЗИДДИНОВ
«Mahalla»

Бандлик сохта йўлланмалар билан таъминланяптими?

БУ КАБИ КЎЗБЎЯМАЧИЛИКЛАРДАН КИМГА НИМА НАФ? БУ, АВВАЛО, ЎЗИМИЗНИ, ХАЛҚИМИЗНИ, ЖАМИЯТНИ АЛДАШ ЭМАСМИ?

Биринчи воқеа. Самарқанд вилояти Жомбой туманидаги «Нўш» маҳалласида яшовчи Зафар Норов айни пайтда Туркиянинг тоғли ҳудудларидан бирида чўпонлик қилади. Бундан бир неча йил аввал қисм командирининг ноҳақлиги туфайли махсус алоқа батальонидан ишдан бўшатишган Зафар лавозимини қайта тиклашга кўп ҳаракат қилиб кўрди, бўлмади. Шундан сўнг ноилж бола-чақасини боқиб учун хорижга кетишга мажбур бўлди...

Иккинчи воқеа. Ҳамқишлоғим асаларчилик билан шуғулланарди. Тадбиркорлигини ривожлантириш учун кредит олоқчи бўлди. Шу мақсадда банкка керакли ҳужжатларни тақдим этгач, бир ҳафтада масала ҳал бўлишини айтишди. Аммо орадан икки ҳафта ўтса ҳамки, муаммо ечимлади. Кутишдан, банкларга қатнашдан чарчаган ҳамқишлоғим икки ойдан сўнг хорижга ҳамка отланди...

Учинчи воқеа. Жорий йилнинг 20 июнь куни Самарқанд шаҳрида меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди. Расмий маълумотларда мазкур тадбирда 356 нафар ишсиз фуқаро қатнашгани, улардан 93 нафари шу кунги ишга йўланма олгани баён қилинган...

«Бизда бундай ходим ишламайди»

Биз вилоят бандлик бош бошқармасидан ишга йўланма берилган фуқаролар рўйхатини олиб, иш бевуви ташкилотларнинг айримлари билан боғландик.

Рўйхатда ҳудуддаги 7-оилавий поликлиникага ишга жойлаштиш учун 3 нафар фуқарога, яъни Мохина Ярмаева, Шахло Мелиева, Меҳрангиз Бахрановага йўланма берилгани қайд этилган. Поликлиниканинг кадрлар бўлимидан олинган маълумотда эса ҳолат аслида бутунлай бошқача экани ойдинлашди. Жумладан, Ш.Мелиева билан 2018 йил 6 декабрда ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш ва ишга жойлаштишга кўмаклашиш тўғрисида шартнома тузилган. М.Ярмаева билан тузилган ҳудди шундай мазмундаги (№ 210) шартномада 2019 йил 7 январь, М.Бахранованикида эса 2019 йил 19 март санаси қайд этилган.

Йўланма берилган номзодлар орасида Самарқанд шаҳридаги 14-умумтаълим мактабига тўғарак раҳбари сифатида ишга юборилган Марям Шерматова ҳам бор. Мазкур муассаса директориға кўнгирок қилиб, ишга олинган янги ходим ҳақида сўраганимизда директор таажжубга тушиб ва мактабда бундай штат билиги йўқлиги, муассасада фақат бепул тўғараклар фаолият юритилишини айтиди. Энг қизиғи, М.Шерматова 2018 йил 2 октябрда ушбу мактабга лаборант лавозимига ишга кирган ва ўша йили 1 ноябрда ўз аризасига биноан, ишдан бўшаган.

Мазкур меҳнат ярмаркасида шаҳардаги 15-умумтаълим мактабига котиба лавозимига «йўланма олган» Мафтуна Алладўстова масаласида мазкур муассаса директори Абдуқодир Алланазаров билан боғландик. У эса бу кизни танимаслиги, уларда шу



кунгача котиба лавозими бўш бўлмаганини таъкидлади. Шаҳардаги 64-умумтаълим мактаби директори Маҳбуба Эрмонова ҳам «Озода Раймовани мусика раҳбари лавозимига ишга олган экансиз?» деган саволимиздан таажжубланиб, бундай ходим уларда ишламаслигини айтди.

Ҳудди шундай 19-мактабгача таълим муассасаси мудираси билан бўлган суҳбатимиз ундан-да ғалати кечди. Мудиранинг таъкидлашича, ярмаркада «ишга қабул қилинган» Азиза Салимова уларда амалиёт ўтаган, шу боис шартнома ярмарка ўтишидан бир неча кун аввал тузилган ҳамда «ярмаркага чиқсин», деган топшириқдан сўнг А.Салимова ўша ярмаркада қатнашди ва унга гўё «йўланма берилди».

Қачон рақамлар ортидан қувишдан қутуламиз?

Мутасаддилар ярмарка жуда яхши ташкил этилгани, тадбир сўнгига қадар иш изловчилар билан гавжум бўлганини таъкидлаганди. Ҳўш, сиз ташкил этган ярмарка шу қадар «яхши» ва қутилганидан-да аъло ўтган бўлса, нима учун йўланмалар билан боғлиқ маълумотларнинг айримлари сохта ва эски бўлиб чиқмоқда? Бу каби кўзбўямачиликлардан кимга нима наф? Бу, аввало, ўзимизни, халқимизни, жамиятни алдаш эмасми?

— Юқорида таъкидланган меҳнат ярмаркаси ўтказилган вақтда мен меҳнат таътилида эдим, шу боис бу воқеалардан мутлақо беҳабарман, — дейди Самарқанд шаҳар бандликка кўмаклашиш маркази масъул ходими Фарҳод Ҳамроев. — Менинг ўрнимда эса вақтинча Фаррух Умиров ишлаган. У сизга тезда боғланиб, бу ҳолатларга, албатта, аниқлик киритади.

Ф.Ҳамроев таъкидлаган масъул ходимни топишнинг эса имкони бўлмади. Бир неча бор шаҳар бандликка кўмаклашиш марказида бўлдик, бироқ бу вазиятга жавоб берадиган биронта одамни учратмадик. Барчаси ўзидан соқит қилади, ярмарка билан боғлиқ масалалар фақат Фаррух Умировга бориб тақалади. Қизиқ, қатта бир ташкилот меҳнат ярмаркаси ўтказадия, ундан фақат битта ходим хабардор бўлса...

Зукко ўқувчи биринчи ва иккинчи воқеанинг учинчи воқеага қандай алоқаси борлигини аниқлаш бўлса керак. Нафақат меҳнат ярмаркалари, аҳолини иш билан таъминлашдаги бошқа барча тадбирларда ҳам ҳали-хануз кўзбўямачилик, рақамлар ортидан қувишдан қутула олмаяпмиз. Натигада Зафар Норов сингари юртимизнинг тоғли

урса, толқон қилгудек йиғитлари хозиргача хорижда мардикорлик қилишга мажбур. Ёки банкдан кредит оломай, икки ой сарсон бўлган ҳамқишлоғимни олайлик. Охири нима бўлди, хориждаги мардикорлар сафи яна бир нафарга кўпайди, холос.

Бандлик масаласида вилоятнинг бошқа туманларидаги ҳолат билан ҳам танишдик. Жумладан, Тойлоқ тумани бандликка кўмаклашиш маркази бошлиғи ўринбосари Шавкат Дониёровнинг айтишича, марказ томонидан янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури асосида 1 минг 698 нафар фуқарони ишга жойлаштириш режалаштирилган бўлиб, хозиргача йўланма билан 1 минг 291 нафар фуқаро янги иш жойларига жойлаштирилган.

Рақамларга юзланамиз. Туманда жорий йилнинг ўтган олти ойи ичида вақтинчалик ҳақ тўланадиган жамоат ишлари учун 678 та иш ўрни яратиш кўзда тутилган. Аммо бу борада режа 50 фоизга бажарилган, холос. Ҳисоботларда иш ўринлари ташкил этиш бўйича давлат буюртмасининг шу давргача бўлган режаси ҳам ошириб



бажарилган. Бироқ секторлар кесимида олинса, бу кўрсаткичларнинг ҳам пастлиги аён бўлди. Жумладан, туман ҳокимига қарашли секторда биринчи чоракда ҳунармандчилик соҳасида 5 та ўрнига 2 та, туман прокурорига қарашли ҳудудларда режадаги 14 та ўрнига 7 та, давлат солиқ инспекцияси раҳбари секторида 6 та ўрнига 4 та янги иш ўрни яратилган, холос. Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун 358 та квота яратилиши кўзда тутилган ҳолда, хозиргача уларнинг бор-йўғи 10 фоиздан кўпроғи мумкин иш ўрнига эга бўлган.

Аҳоли бандлигини таъминлаш кейинги йилларда жуда долзарб масалага айланиётгани бор гап. Чунки оиланинг фаровонлиги, дастурхон тўқинлиги шу билан боғлиқ. Шу боис бу йўналишга алоҳида эътибор қаратилиб, зарур чора-тадбирлар кўриляпти. Аммо, афсуски, уларнинг бажарилиши масаласи кўпинча қоғозларда қолиб кетмоқда. Қачонки, бу борада маҳаллий ҳокимлик, депутатлар, мутасаддилар томонидан тегишли тизимли назорат ўрнатилмас экан, ҳали яна юзлаб Зафарлар хорижга кетиши, минглаб бўлажак тадбиркорлар фаолиятини бошламасданок тугатиб юборилиш бор гап.

Сиз нима дейсиз, азиз маҳалладош?

ЛУҚМА

Ҳудудларда секторлар ҳамда корхона-ташкilotлар томонидан амалга оширилаётган ишларни уйма-уй юриб ўрганиш бўйича тузилган жамоатчилик назорати гуруҳи таркибида Самарқанд шаҳридаги маҳаллаларда бўлди. «Матонат» маҳалласида бўлганимизда қизиқ бир ҳолатга дуч келдик.

«Адаш» кўчаларда адашганлар бор...

ОДАМНИНГ ИСМИ БИР ХИЛ БЎЛИШИ, УЛАР БИР-БИРЛАРИНИ «АДАШ» ДЕБ ЧАҚИРИШНИНИ БИЛАРДИК, АММО КЎЧАЛАР, УЙЛАРНИНГ НОМЛАРИ ҲАМ БИР ХИЛ БЎЛИШНИНИ ЭШИТМАГАН ЭКАМИЗ

— Уйингизнинг рақамини айтсангиз...

— Азимбеков кўчаси 20-уй.

— Ис, рўпарадаги тор кўчада ҳам худди шу номдаги, шу рақамдаги уй бор-ку. Бу қанақаси бўлди?

— Бизда бунақаси кўп, — қулди уй эгаси. — Азимбеков кўчасидаги уйлар шунақа бестартиб рақамланган. Битта рақам билан бир неча уй номланган. Шу боис хату ҳужжатларда адашишлар тез-тез учраб туради...

— Хонадонлар рақамланган вақтда ҳеч ким назорат қилмаган, оқибатда шу ҳолат юзага келган, — дейди «Матонат» йиғини раиси Шавкат Маматқулов. — Бу биринчи муаммо. Иккинчиси, Самарқандда яна битта Азимбеков кўчаси бор. Ўша кўчадаги хонадонлар ҳақидаги сўровнома, хатлар ёки бошқа бирор мурожатномалар дейимизи, адашиб бизга келиб қолади. Балки у кўчада ҳам шундан ҳоллар юз бераётгандир...

Ҳақиқатан ҳам, Самарқанд шаҳрида Азимбеков номидаги иккита кўча бор экан. Бири «Матонат» маҳалласида бўлса, иккинчиси «Санд», «Бек» ҳамда «Меҳрибод» йиғинлари ҳудудида. Ўхшашлиги — иккиси ҳам бир инсон шарафига қўйилган, иккиси ҳам битта шаҳарда. Ғалати ҳолат, шундай эмасми? Битта шаҳарда бир инсоннинг номида иккита кўча мавжуд бўлса... Аммо бу ўхшашлик хозирча ҳеч кимнинг ҳаёлига келгани йўқ. Одамларнинг айтишича, «Матонат» йиғинидаги хонадонлар рақами бестартиб ҳамда бу кўча — Азимбеков, иккинчиси эса Раҳим Азимбеков...

Эътиборлиси, Самарқандда бундай ҳолат агора эмас. Шаҳардаги бошқа маҳаллаларга қарашиб кўча номлари ва уйларнинг рақамлари ҳам бир-бирига эгизак. Жумладан, қадим кентнинг Хишрав кўрғонидagi «Мустакиллик» маҳалласида жойлашган ва шу ном билан аталуви кўчадаги айрим уй рақамлари ҳам бир хил. Масалан, кўчанинг чап томонида 17-рақамли уй бўлса, сал юриб, ўнг томонида ҳам худди шундай рақамли яна бир уйга дуч келасиз.

— Одамнинг исми бир хил бўлиши, улар бир-бирларини «адаш» деб чақаришини билардик, аммо кўчалар, уйларнинг номлари ҳам бир хил бўлишини эшитмаган эканмиз, — дейди маҳалла нурунийларидан бири Шароф бобо Маърупов. — Энг қизиғи, бу ҳақда тегишли жойларга хабар ҳам қилганмиз, аммо хозирча ҳеч ким бу масалага эътибор бергани йўқ.

Айни мавзу бўйича счим топишмас экан, бу адаш кўчаларда «адашишлар» бўлаверди. Оқибати эса маълум. Расмий ҳужжатларда аниқлашмовчиликлар юз бериши, қақирув қоғозларнинг ўз вақтида эгасига етиб бормаслиги ва ҳоказо. Бундан кейинги оқибатларга эса тўхталмадик. Чунки мазкур муаммо ўз ечимини топади, деган умидимиз бор.

Саҳифани «Mahalla» мухбири Ёрмат РҮСТАМОВ тайёрлади.

Самарқандда энди 7 жойда хорижга чиқиш паспортини расмийлаштириш мумкин.

Ёзининг аини чилласи, ҳамма соя-салқинга интилади. Куёш тигида бирон кимсани учратиб душвор. Бироқ Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳри «Ақ отау» маҳалласидаги 12-кўп қаватли уйда, мана, 7 кундирки, халоват йўқ. Арининг уйи бузилганидек, аҳоли куннинг тафтига ҳам қарамай ҳали у, ҳали бу ташкилот эшигини қоқиш билан овора. Гап шундаки, кўп қаватли уй канализацияси ёрилиб кетган. Ундан сизиб чиқаётган сув кўчани кесиб ўтиб, болалар майдончасида кўлмак ҳосил қилган. Шу кетишда сув ҳадемай, кўп қаватли уй ертўласини ҳам «бассейн»га айлантиради.

«Бу — меники, у — сеники» десак, вазифаларни ким бажаради?

БУ ҲОЛАТГА БЕФАРҚУ ЛОҚАЙД БЎЛАЁТГАН МАСЪУЛЛАР, ФАОЛЛАР ВА АҲОЛИ ВАКИЛЛАРИНИ КУЗАТА ТУРИБ, КЎНГЛИМИЗДАН БИР ГАП ЎТДИ: «ЎХШАТМАСДАН УЧРАТМАС...»

Хўш, нима учун муаммо ҳал этилмаяпти? Бунга нега ҳамма бефарқ қараяпти? Умуман, ҳудуддаги канализация қувурларини таъмирлашга ким масъул?

Рўйхатга олинган муаммо ҳамон ечимини кутмоқда

— Канализация қувури ёрилганига 7 кун бўлди, — дейди 12-уйбоши Калбий-ке Байниязова. — Ҳар кун бир неча мартаба Нукус шаҳар ҳокимлиги масъуллариса кўнғироқ қилинмиш. Бироқ ҳар гал «Муаммодан хабаримиз бор, рўйхатга олинган», деган жавобдан бошқасини ололмаймиз. Мана, шунча кун ўтди ҳамки, ҳеч бир мутасадди келиб вазият билан танишмади.

Айни масалага масъул «Сувоқова» давлат унитар корхонаси Нукус шаҳар филиали бошлиғи Азат Айимбетовнинг айтишича эса, муаммони ҳозирнинг ўзида ҳал этиш учун ташкилотда техника етишмаяпти. Тез орада канализация қувури таъмирланади.

Қизиқ ҳолат. Қайсидир ҳудудларда аҳоли сув етишмаслигидан азият чексаю Нукусдаги ташкилот масъуллари сувнинг увол бўлишига панжа орасидан томошабин бўлиб қараб туришса. «Олдиндан оқкан сувнинг кадри йўқ», деб шунга айтсалар керак-да...

Бу ҳали ҳаммаси эмас...

Ачинарлиси, кўп қаватли уй муаммоси биргина канализация қувурлари билан боғлиқ эмас. Уй ертўласи деворларини зах босган, қувурлар эса чирий бошлаган. Аҳоли томонидан ташлаб кетилаётган чиқиндилар туфайли ертўла тўлиб бўлган. Кун иссиғида улардан анкиётган бадбўй хидга чидаб бўлмайди. Хўш, мазкур уйга хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати бириктирилганми? Шундай бўлса, улар нега бу камчиликларни бартараф этмаяпти?



идишлару писта пўчок-лари хар ерда сочилиб ётибди...

— Ҳар ой «Абадан турмис» ширкатига аъзолик бадалини тўлаймиз, — дейди уйбоши К.Байниязова. — Аммо ширкат томонидан шу кунга қадар биронта муаммо ҳал қилиб берилмади. Масалан, бундан икки ой аввал уйимиз том қисмидаги шифернинг учдан бир қисmini шомол кўтариб кетди. Шиферлар электр токи симига уч кун осилиб турди. Ширкатга томонинг учган қисmini қайта қоқиш беришни сўраб қилган мурожаатимиз эътиборсиз қолди. Хонадон эгалари билан келишиб уни ҳам ўзимиз таъмирладик.

Ширкат раҳбари қандай изох берди?

— Ширкатимизга 12-, 13-, 14-кўп қаватли уйларда истиқомат қиладиган 132 та хонадон аъзо, — дейди «Абадан турмис» ширкати бошлиғи Султан Байниёзов. — Уйлардаги муаммоларнинг барчаси бирин-кетин ечим топтоқда. Бу бўйича аниқ режа ҳам тузиб олганмиз. Аммо ёрилиб кетган канализация қувури масаласини биз ҳал қила олмаймиз. Чунки

— Биз ҳам шу ширкатга аъзоимиз, — дея суҳбатимизга қўшилди 14-кўп қаватли уйда истиқомат қиладиган Наталия Алимбетова. — Бизнинг ҳам уйимиз олдида ҳоронқ чиқариш учун шийпон ва болалар майдончаси қуриш, йўлакларга қуфлар эшик ўрнатиш бўйича қилган мурожаатимиз шу кунга қадар қаноатлантирилмади.

Дарҳақиқат, 14-уйнинг аҳволи ҳам кониқарсиз. Уйнинг ташки томони бутунлай кўримсиз холга келиб қолган. Деворлари тагидан ўтишга эса юрак бетламайди. Кўп қаватли уйнинг орқа томонидаги манзара эса янада ачинарли: хонадонлардан тартибсиз ташқарига чиқиб турган мўрилар, сувокларни нураб кетган девор фасадлари хунук кўриниш касб этган, ичимликлардан бўшаган

уни таъмирлаш бизнинг ваколатимизга қирмайди.

Ўрганишларимиздан бу қувурларга шаҳар ҳокимлигининг коммунал бўлими жавобгар экани ойдинлашди. «Менинг вази-фамга қирмайди» деган важлар билан ўзини оқлаётганлар наҳот муаммонинг бири ҳал бўлмай, навбатдагиси болабастганини кўришмаяпти? Ёки кўриб, бил-либ туриб кўз юмишяптими?

Бор, товоғим, кел, товоғим...

«Ақ отау» ва «Тунғиш конис» маҳалласидаги 50 та кўп қаватли уй атрофидаги ободонлаштириш ишлари ҳам дилни сиёҳ қиладди. Ёввойи ўтлар аллақачон қуриб-қовжираган, бирон

ерга на манзарали ва на мевали дарахт кўчати ўтказилмаган. Бу ҳолатга бефарқу лоқайд бўлаётган масъуллар, фаоллар ва аҳоли вакиллари кузата туриб, кўнглимиздан бир гап ўтди: «Ўхшатмасдан учратмас».

Бу халқанинг хар бири муаммони ҳал этишда жон куйди-риб, ҳаракат қилганда эди, камчиликлар бирин-кетин ечим топган бўларди. «Бу — меники, у — сеники» қабилида вази-фалар тақсимланишидан яқин орада ҳудудда бирон ўзгариш бўлишига кўзимиз етмаяпти. Масъулларнинг зиммасидаги вази-фаларни, берган ваъдаларини қачон бажариши ҳам ҳозирча бизга қоронғу. Шунинг учун биз бу мавзуга яна қайтамыз.

САЙЁР ҚАБУЛ

Аҳолини қандай муаммолар қийнамоқда?

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши томонидан Нукус шаҳрида сайёр қабул ўтказилди.

Унда кенгаш масъуллари, Жўкорғи Кенгес депутатлари, ижтимоий соҳа мутахассислари ва кенг жамоатчилик катнашди. Қабул давомида келиб тушган мурожаатлар таҳлили фуқароларни ташвишга солаётган масалалар, асосан, ишсизлик ва коммунал хизмат соҳасидаги муаммолар экани ойдинлашди.

— Ўғлим Бекназар 2016 йилда Нукус давлат педагогика институтининг география факультетини тамомлаганди, — дейди «Шайирлар аўли» маҳалласида яшайётган Оразбай Юсупов. — Мана, 3 йилдан буён иш излайди. Ишсизлик сабаб у тушқунликка тушиб қолганди. Бугунги қабулда бизни қийнаб келаятган масалага ечим топишди. Ўғлим ҳадемай, янги эсида иш бошлайди.

— Фаоллар билан ижтимоий соҳа биносининг бир хонасида ижарада фаолият юритиб келямиз, — дейди Нукус шаҳридаги «Гарезсизлик» маҳалла фуқаролар йигини раиси Жаским Арзимбетов. — Ўтган йили ҳокимлик томонидан йигин биноси учун ер ажратиш берилганди. Ҳомийлар томонидан қурилиш бошланган иморат нима бўлдию, чала қолди кетди. Қабулда шу масала билан мурожаат қилдик. Масъулларнинг кўмаги билан йигин биносини қуриш учун ҳомий бириктирилди. Насиб бўлса, мустақиллик байрамида янги бинода иш бошлаймиз.

Сайёр қабулда Нукус шаҳрида болалар боғчаси етиш-маётгани, марказий йўлларда ерости йўлакларини барпо этиш зарурлиги, айрим маҳаллаларда қурилиш чиқиндиларини олиб кетиш билан боғлиқ муаммолар мавжудлиги кайд этилди. Масъуллар хар бир мурожаат билан танишиб, уларни ҳал этиш бўйича фикр ва амалий кўмак беришди.

«...Бахтсиз оилаларнинг бахтсизлиги турличадир...»

БИР ПАЙТЛАР УЗАТИЛГАН ҚИЗНИНГ ОТА УЙИГА ҚАЙТИШИ НАСЛГА ИСНОД ҲИСОБЛАНГАН БЎЛСА, БУГУН БУ ОДДИЙ ҲОЛАТГА АЙЛАНИБ УЛГУРДИ

— Бугун Сиддиқа дугонан неварасига «бешкеча» қилаётган экан, мени ҳам қақиргани, бормайман, уяламан... Зотимизда эрдан чиққан йўқ эди. Сен судга боришга бироз шошдинг, болам. «Қалишимни қийсаю юришимни қилолмайди» деган гап бор. От айланиб қозғини топади, эринг ҳам бир кун инсофга келарди. Энди «Муаззам кампирнинг невараси қайтиб келибди» деган гап бўлади. Мен бу иснодга чидалмайман, қизим... Эшикдан Гулхумор опа кириб келдию, Муаззам момонинг невараси Нафисага айтаётган гапи оғзида қолди:

— Нимаси иснод экан бунинг? Менинг қизим бирон ёмонлик қилдими, шукрки, қўлидан ҳамма иш келади, рўзгорини чиройли эплаб юрганди, бунинг устига, ишлаб, жарақ-жарақ пул ҳам топаётганди, — ғазабланиб сўз бошлади қайнона-келин ранжиган келин. — Нонқўр қув шундай хотиннинг қадрига етмай, гулдек фарзандларини ўйламай, бошқасини топиб олган, нима қилиш керак? Унга оёқтаги бўлиб ўтиргунча, ажрашгани маъжул эмасми? Қўлида дипломи, иши бор, болаларини ўзиям боқиб олади... Сиз эса, ойижон, ҳеч уялманг, дунёнинг бир қавати ана шундай ҳозир, уяладиган ҳолатлардан Худо асрасин... «Дунёнинг бир қавати ана шундай...» Муаззам момони ўйга толдиргани ҳам аслида дунёнинг бир қавати шунақа яшаётгани, оила, никоҳ деган муқаддас тушунчаларга белисанд қаралаётганида эди...

Дарҳақиқат, кейинги йилларда юртимизда ажралишлар сони нисбатан кўпайди. Бир пайтлар узатилган қизнинг ота уйига қайтиши наслга иснод ҳисобланган бўлса, бугун бу оддий ҳолатга айланиб улгурди. Маълумотларга кўра, Навоий вилоятида жорий йилнинг олти ойи давомида жами 478 та оиланинг никоҳи бекор қилинган. Бу рақам ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 45 тага кам бўлса-да, бироқ шунча бахт қасрининг барбод бўлгани, натижада муқаддас ришта узилиб, бегуноҳ фарзандлар тирик етимга айлангани аянчлидир.

Оила бузилишларига нима(лар) сабаб бўлмоқда?

Халқимиз азалдан оилани муқаддас билади. Замонлар ўтиб, халқларнинг турмуш тарзи, қадриятлари ўзгарса-да, жамиятимизда оиланинг мавқеи, аҳамияти асло камайгани йўқ. Шундай экан, нега бугун оилавий ажралишлар кўпайди?

— Айни пайтда Навоий шаҳридаги мавжуд 30 та маҳалла фуқаролар йиғини ҳузурдаги Яраштириш комиссияларида 349 та оиладан аризалар келиб тушган, — дейди Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Навоий шаҳар кенгаши бош мутахассиси Мавжуда Бобоқуллова. — Улардаги можаролар

сабаблари таҳлил қилинганда, оилалар ўзаро қелишмовчилик, қайнона-келин муносабатлари, эркак узоқ йиллардан бўён чет элда бўлиб, аёли ва болаларидан мутлақо хабар олмаслиги, ичкиликбозлик оқибатида ажралиш арасида тургани аён бўлди. Йил бошидан бўён Яраштириш комиссиялари томонидан ана шундай 195 та оила яраштирилди.

Навоий шаҳридаги «Кимёгар», «Янгиобод», «Умид», «Меъмор» ва «Янги-арик» маҳаллаларида йил бошидан бўён 5-6 тадан оила ажралиши қайд этилган бўлиб, бугунги кунда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича шаҳар кенгаши, Хотин-қизлар кўмитаси ҳамда «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази билан ҳамкорликда мазкур йиғинлардаги Яраштириш комиссиялари фаолиятини жонлантириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

— Республика кенгаши томонидан июль ва август ойлари «Оилаларни мустақамлаш ойлари» сифатида эълон қилинган, — дея суҳбатимизни давом эттирди М.Бобоқуллова. — Ойлик доирасида «Соғлом оила — соғлом жамият» ҳамда «Оила — давлат ва жамият ҳимоясида» концепциялари асосида Яраштириш комиссияси аъзолари учун семинар-тренинглари, суҳбатлар ташкил этилмоқда.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Никоҳ шартномасини тузиш шартми?

— Яқинда турмушга чиқаман. Бўлажак турмуш ўртоғим билан никоҳ шартномаси тузишга мажбурманми?

Рашиджон АЗИМОВ.
Навоий вилояти.

Насиба ТЎРАЕВА,
Навоий вилояти Қармана тумани
ФХДБ бўлими мудираси:

— Оила кодексига мувофиқ, эр ва хотиннинг никоҳда бўлган даврида ва (ёки) ажрашган тақдирда уларнинг мулкий ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини белгилловчи нотариал тасдиқланган келишувни никоҳ шартномаси ҳисоб-

ланади. Унда барча мол-мулкка, унинг айрим турларига ёҳуд эр ва хотиннинг ўз мол-мулкига нисбатан биргаликдаги, улушли ёки алоҳида эгаллик қилиш тартибини ўрнатиш мумкин.

Масалан, никоҳ шартномаси тузилмаган ҳолатда эр-хотин биргаликдаги пулга квартира сотиб олган бўлишса, ажралишда квартира тенг иккига бўлинади. Агар никоҳ шартномаси тузилган бўлса, ажралиш ва биргаликда йиғилган мол-мулкни бўлишда судья унинг қоидаларига таянади. Шартномада эр-хотиннинг келишувига қараб квартира ажрашилгандан кейин эр ёки хотиннинг мулкига ўтади ёки умуман сотилиши керак, деб қайд этилиши мумкин.

Ўзаро ҳамкорликда нотинч оилалардаги мавжуд муаммоларни ўрганиб, барқарор маънавий-ижтимоий муҳитни таъминлашга ҳаракат қилиялмиз.

Юқоридагиларга қўшимча сифатида айтиш мумкинки, бугун оилаларнинг дарз кетишига қайсибир маънода хиёнат ҳам сабаб бўлмоқда. Навоий шаҳридаги «Хаёт» маҳалласида жорий йилда иккита оила айнан хиёнат туфайли барбод бўлди. Ислол динида каттик қораланган зино орномусни ҳаётдан устун қўювчи, поклик ва ҳалолликни улугловчи миллатимиз менталитетига мутлақо ётдир. Афсуски, бугун ибодат, ифрат, орият тушунчаларини унутган айрим кимсалар ана шу тузатиш ботқоқига ботиб, ўз оиласининг дарз кетишига сабабчи бўлишмоқда.

Жиноят оламига етакловчи йўл

Биз бу иборадан кўпинча сансалорликка ташлаб қўйилган бирон муаммо ҳақида гапирётганда фойдаланамиз. Яратганининг буюк неъматини — фарзанднинг оила бузилиши оқибатида аросатда қолиши эса жуда аянчлидир. Навоий шаҳрида ИИБга қарашли Вояга етмаганларга ижтимоий-хукукий ёрдам кўрсатиш маркази фаолият кўрсатади. Яқинда мазкур муассасада бўлиб, у ерда таъбир жоиз бўлса, «дайди» ўсмирлар учун яратилган шариоатлар билан танишдик.

Бу ерда «мехмонлар» учун уч маҳал овқат, шинам ётқонхона, телевизор, маънавий хонаси мавжуд. Мухтасар айтганда, ўзбошимчилик билан уйдан кетиб қолган, яқинларининг мурожаатига кўра, профилактика нозирлари томонидан ушлаб келинадиган ўсмирлар бир ойгача яшаши учун шариоат етарли. Шунингдек, тарбиячи — нозирлар томонидан уларга тушунтириш ишлари ҳам олиб борилади. — Айрим ўсмирлар марказга қайта-қайта олиб келинади, — дейди инспектор Алишер Усмонов. — Бунинг сабаби, уялганда муҳити, оилавий шариоати, юриш-туриши ўрганилиб, зарур ҳолатда ўсмир ёшиқ турдаги махсус мактаб-интернатларга жўнатилади.

«Спорт тўғраригаги боришга пулим йўқ...»

Биз муассасада бўлган кунни бу ерда 5 нафар ўсмир бор экан. Қарангки, уларнинг ҳаммаси никоҳи бузилган оилалар фарзандларидир.

— Отам бизни ташлаб кетган, — дейди қизилтепалик ўн беш ёшли Жавохир. — Ҳозир бувиимизда яшаймиз. Бир ой «мойка»да машина ювиб, пул топишга ҳаракат қилдим. Оёғимдан нам ўтиб, илашиб кетди. Кейин онам ва бувиим ишлаганга русхат бермади. Таътилда уйда зерикдим, тенгдошларимга ўхшаб, тўғраракларга, спорт секцияларига боришга эса пулим йўқ. Хуллас, онамга айтмасдан уйдан чиқиб кетдим. Бир ҳафтадан бўён

шу ерданман. Бугун онам келиб кетди, ундан уэр сўрадим. Русхат беришса, уйга кетсам, онам ва бувиимни сира ранжитмайман, ишлаб уларни боқаман.

Бизни ажаблантиргани, минг уринмайлик, Жавохирга хали кичкиналигини, асосий вазифаси ўқини эканини тушунтира олмадик. Тенгдошларига ҳавас қилган ўсмир пул топиб, ўзи ва онаси учун яхши шариоат яратишга аҳд қилган. Бу билан у оқибатсиз отасига ҳам қимлигини кўрсатиб қўймоқчи. Хатирчилик Раёно исмли киз эса отаси саккиз йил хорижда ишлагани, қайтган онасига ишонмай, у билан ажрашгани, бу эса ҳаётини остин-устун қилиб юрганини айтиди.

— Тоғамнинг бўлар-бўлмасга тергай-веришидан безиб, уйдан қочдим, — дейди у. — Хатирчица, туғилиб-ўсган уйимга бордим. Аммо ўғай онам мени сиздирмади. Тошкентга кетмоқчи бўлганимда, йўлда ушлаб, шу ерга олиб келишди...

Ўн олти ёшли бу киз ўзбошимчилик билан Тошкентга кетмоқчи бўлган, аммо «Пойтахтда нима қилмоқчи эдинг?» деган саволга жавоб бера олмайди.

Катталар хатоси бадалини кичиклар тўламасин!

Таҳлилларга кўра, жиноят кўчасига қирадиган вояга етмаганларнинг аксарияти ажрашган оилаларнинг фарзандлари экан. Демак, катталарнинг катта хатоси бадалини кичиклар билан бўлиб қолган бўлалик бахти билан тўлайдилар. Психологларнинг айтишича, оиладаги қелишмовчиликлар, ўзаро жанжаллар ва ота-онанинг бир-бирига кўрсатаётган ҳурматсизлигидан, энг аввало, фарзандлар азият чекади.

Чунки ҳар бир фарзанд дунёга келиб, эсини таниган кунидан бошлаб ота-онаси унинг идеалига айланади. Агар ана шу идеал фарзанд кўз ўнгига ўзининг салбий қиёфасини намойиш қилса, фарзанд атрофидаги бошқа инсонларга нисбатан ҳам ҳурматини йўқотди. Нафакат ота-онасига, балки атрофдагиларга ҳам ишонсизлик руҳида қарайди. Натижада боланинг ҳаётга, инсонларга нисбатан қизиқиши йўқолиб, турли ҳуқуқбузарликлар содир этишга сабабчи бўладиган ноқобил фарзандга айланади.

«Бахтли оилаларнинг ҳаммаси бир хил, бахтсиз оилаларнинг бахтсизлиги турличадир», деган эди буюк рус ёзувчиси Лев Толстой. Бахт эса ўз-ўзидан келмайди. Унга ҳалоллик, ростгўйлик, сабр-қаноат, қамтарлик ва меҳнат билан эришилади. Шунингдек, ўз оиласида бахтли инсонгина чинакам бахтиёр бўлади. Мол-дунёга, ўткинчи хою ҳавас, ҳистуйғуларга берилиб, оила муқаддаслигини унутган кимсалар ҳеч қачон ҳақиқий бахтга эриша олмайдилар.

Холбиби САФАРОВА
«Mahalla»

Йирик бозорлар ёнидаги камералар 5 кунда ярим миллиард сўмдан кўпроқ жарима қайд этди.

Кўрсатувлар кўнгилочар бўлиши керакми ёки...

АҲОЛИНИ САВИЯСИЗЛИК САРИ ЕТАКЛАШ,
УЛАРНИ БИР ҚОЛИПГА СОЛИБ ҚЎЙИШ ВА ЕНГИЛ-
ЕЛПИЛИККА ЎРГАТИШГА ҲЕЧ КИМНИНГ ҲАҚҚИ ЙЎҚ

**Сўнгги пайтларда телеканаллари-
мизда ютуқли шоулару соҳир овоз
соҳиблари, иқтидорли актёрларни
аниқлаш мақсадида ташкил этил-
ган «мусобақали кўрсатув»лар урфга
кирди. Дам олиш кунлари телевизор
мурвати қай бир каналга бурманг,
«Spark»дан тортиб пул мукофотлари
ютуш учун «кураш»га киришганлар-
нинг ғаройибу ажойиб беллашувлар-
ига гувоҳ бўласиз.**

Тўғри, бу каби аксарият кўрсатувларнинг ўз
томошабини ва рейтингни бор. Қолаверса, бун-
дай дастурлар кўпчиликка кайфият улашяпти,
марокли хордик чиқаришини таъминлаётир.
Аммо масаланинг иккинчи томони ҳам борки,

у сизу бизни мулоҳаза қилишга чорлайди. Теле-
видение — кўзгу, томоша қилган киши ундан
нимадир олиши, тегишли хулосалар чиқариши
керак.

Тан олиш керак, бугун аҳолининг аксария-
ти ўша сериаллари ёмон отликка чиқарилган,
шоулари «бемаза қовун уруғи»га менгзалган
каналларни кўрмоқда. Томошабин бунга тўла
ҳақли: яъни ҳар ким ўзи хоҳлаган кўрсатувни
танлаши ва томоша қилиши мумкин. Бироқ
унинг дунёқараши, савияси ва фикрлаш дои-
раси жамият таракқиётига таъсир этиши ҳи-
собга олинса, масаланинг долзарблиги кундек
равшанлашади. Вазият эса бугунги телема-
сулотлар савияси талабга жавоб берадими,
деган ҳақли саволини ўртага кўндаланг қўяди.
Соҳа мутахассисларининг айна ҳолат билан
боғлиқ фикр-мулоҳазаларини тингладик.



Кўрсатув савияси режиссёрга боғлиқ



Умид АШУРБОВЕВ,

«O'zbekiston» телеканали режиссёри:

— Томошабин кўрсатувни ўз савияси-
га қараб танлайди. Эфир юзини кўраёт-
ган лойиҳаларнинг ҳар бири учун бир
бугун жамоа меҳнат қилади. Табиийки,
дастурнинг савияси унинг устида ишлаёт-
ган гуруҳнинг дунёқараши, фикрлаши билан
белгиланади. Шу маънода, кўрсатувни тайёрлаётган ҳар бир
режиссёр «Бу лойиҳам билан томошабинга нима бера ола-
ман?», деган саволини, аввало, ўзига бериши, жўяли жавоб
топсагина ишга киришиши керак. Бунинг учун режиссёр
лойиҳа пойдевори бўлган сценарий устида пухта ишлаши
лозим.

Умуман, кўрсатувнинг қай даражада омадли чиқиши,
оммалашини режиссёрга боғлиқ. Чунки у ижодий гуруҳни
бошқаради. Томошабин кўрсатувдан нимадир олса, бу ре-
жиссёр ва жамоанинг ютуғи. Афёуски, бугун устида пухта
ишланмаган, бўш «проект»лар кўпайиб кетди. Кўрсатув-
ларда енгил-елпилик, бачкана ҳагги-ҳаракатлар кузатиляпти.
Уларнинг устида кўпроқ ишланса, ижодий гуруҳ билан
меҳнат қилинса, яхшироқ натижага эришилardi. Масалан,
ўзим режиссёрлик қиладиган «Ойдин ҳаёт», «Ойдин ҳаёт
лайф», «Ўзингни англа» каби кўрсатувларда аҳоли орасида
соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, тиббий маданиятни
оширишни мақсад қилганмиз. Лойиҳа самара берди, томо-
шабинлардан 20-30 талаб мактублар келмоқда. Бу сайи-ҳа-
ракатларимиз самарасиз кетмаётганини кўрсатади.

Бадий кенгашдан ўтган кўрсатувларгина эфирга қўйилади



Феруза ЮСУПОВА

«Zo'g tv» телеканали муҳаррири:

— Аслида биронта кўрсатув ўз-ўзи-
дан эфирга қўйилмайди. Уларни эфирга
саралаш жараёнида томошабинлар
олдидаги масъулиятни ҳис қилиш ло-
зим. Бугун ҳар бир каналнинг ўз бадий
кенгаши бор. Кенгаш кўрсатувларни са-
ралаш, белгиланган талабларга жавоб берадими-йўқми
аниқлаш учун фаолият юротади. Бизда ҳар бир кўрсатув
бадий кенгашга етиб келгунга қадар катта йўлни босиб
ўтади. Янги лойиҳа дастлаб канал бош муҳаррири ва бош
продюсери томонидан кўриб чиқилади. Саралашда унинг
томошабинларга нима бера олиши иноватга олинади.
Талабларга жавоб бераман лойиҳаларга эса тақлиф ва
тавсиялар берилиб, қайта ишлаш учун қайтариллади.

Бадий кенгаш таркиби телевидение соҳасида катта таж-
рибага эга мутахассислар, продюсерлар ва муҳаррирлардан
ташкил топган. Улар янги лойиҳанинг савияси, тарбиявий
аҳамияти, канал низомида кўзда тутилган талабларга жавоб
бера олиши каби жиҳатларига эътибор қаратишади. Бадий
кенгаш ижобий фикр бергач, кўрсатувни эфирга узатишга
рухсат берилади. Ташқаридан баҳо бериш осон, аммо ҳар
еринг ўз тошу тарозиси бор.

Кўнгилочар кўрсатувларнинг нега рейтинги баланд?

Садокат САМАНДАРОВА,

тележурналист:



— Аудитория талаблари торайиб бор-
моқда, бу кўрсатувлар ихтисослашувини
талаб қилмоқда. Шу боис каналларимизда
сиёсий, маданий-маърифий, иқтисо-
диётга ихтисослашган кўрсатувлар пайдо
бўла бошлади. Бугун ҳамманинг вақти зик.
Шу боисми кўпчилик дам олиш учунгина телевизор кўр-
моқда. Турли шоулару креатив кўрсатувларнинг рейтингни
баландлиги ҳам буни исботлайди. Аксарият каналлар
сенсация билан томошабин диққатини ўзига қаратишга
интиломоқда.

Маиший типдаги каналларда бадий раҳбар шунинг
учун, кўрсатувларни саралашда унинг савияси, бош-
ловчининг вақти, олдида қўйган мақсадига эмас, балки
сенсация бўлиши ва ғоянинг аудиторияга қанчалик кайфият
беришига, креативлигига эътибор қаратмоқда. Натижада
каналларимизда тил метёғларига ривож қилмайдиган, олдида
аниқ мақсадни қўймаган кўрсатувлар кўпайиб бораётир.
Афёуски, бу томошабини дангаса ва фикрсиз қилиб қўй-
моқда.

Томошабин нима дейди?

Зафар ЭРГАШЕВ,

ўқитувчи:

— Ойла аъзоларимиз
билан кечи овқат пайтида
телевизор кўраимиз. Аммо
биронта кўрсатувни мун-
тазам кузатиб бормайман.
Телевизор кўришга вақтим
бўлганда сериаллар бошла-
нади. Бирни тутгани билан ик-
кинчиси бошланади. Кўпчи-
лик ишдан келиб телевизор
кўради. Назаримда, шу вақт
оралиғида кишига фойда
берадиган кўрсатувларни
эфирга узатиш керак.

Ойсулу ЭРГАШЕВА,
уй бекаси

— «Sevimli»да берила-
диган «Менинг кайнонам
генерал» кўрсатувини куза-
тиб бораман. Ундан турли
таомларни тайёрлаш усул-
ларини ўрганаман. Менга
факат телебошловчиларнинг
шевада гапириши ёқмайди.
«Келгинди келин» кўрсату-
вини томоша қилиб, лойи-
ҳа ижодкорлари кизларни
эфирга олиб чиқиб, улар-
нинг устидан қулаптими ёки
кишлук аёлларини масҳара
қилаптими, деган ҳаёлга
бордим.

Диляфўз ГОФУРОВА,
талаба:

— Телевизор кўришга
вақтимни қизғонаман. Аммо
интеллектуал ўйинларни
кузатиб боришга ҳаракат
қиламан. Қизларнинг теле-
видениега чиқиб, ўзига оро
бериши, турли қийимларда
намоён бўлиши эса гашимни
келтиради. Агар телеканал-
ларда интеллектуал ўйинлар
кўпроқ берилса, мен уларни
жон деб томоша қиламан.

Фикрлар чоррахасида чиқарилган хулоса

Аслида, томошабин учун
рақобат бўлгани яхши. Бу
телеканаллар ижодкорларини
ўз устида кўпроқ ишлашга,
ижодий интилишга чорлайди.
Очик айтиш керак, тадбир-
корлар пул тиккан ўша шоу-
лар берилаётган каналларда
ҳам ёшу қари билими, дунё-
қараши, у ёки бу соҳадаги
қарашларини шаклланти-
ришга хизмат қилувчи кўр-
сатувлар ҳам йўқ эмас. Ма-
салан, «Zo'g tv»даги «Сирли
Ўзбекистон», «Sevimli»даги
«Эслаб...», «Му5»даги «Мар-
казий студия» дастурларини
олайлик.

Уларнинг бири юртимиз-
нинг диққатга сазовор жойла-
рию қадамжолари ҳусусида,
иккинчиси жамият ривожига
муносиб ҳисса қўшаётган ин-
сонларнинг ҳаёт йўли ҳақида
маълумот беради. Кейингиси
эса мамлакатимиз ижтимоий-
сиёсий ҳаётидаги муҳим ўзга-
ришлар ҳақида аҳолини хабар-
дор қилади. Афёуски, бундай

кўрсатувлар сони қўл билан
санаради. Давлат каналларида
эфирга узатилаётган тахлилий,
кишини мушоҳадага чорловчи
лоийҳаларни эса «хос» аудито-
риягина кузатмоқда.

Аслида, уч-тўрт мутахас-
сисни бир ерга жамлаб, муам-
мога ечим қидираётган кўрса-
тувлар ролдан ҳам кишини
зериктиради. Шу боис улар-
нинг форматини томошабин
талабидан келиб чиқиб ўзгар-
тириш, ҳусусий каналларда
эфирга узатилаётган кўрсатув-
ларини эса бир элакдан ўтказиб
олиш керак.

Фикрлар турлича, шунга
монанд хулосалар бир-бирини
такрорламайди. Уларнинг чор-
рахасида эса биргина ҳақиқат
сув юзига қалқиб чиқаверади:
аҳолини савиясизлик сари
етақлаш, уларни бир қолпига
солиб қўйиш ва енгил-елпи-
ликка ўргатишга ҳеч кимнинг
ҳаққи йўқ.

Сиз бугун нима дейсиз, азиз
маҳалладош?

Саҳифани «Mahalla» муҳбири Садокат МАХСУМОВА тайёрлади.

Профессионал таълимнинг янги тизими ва янги тармоғи йўлга қўйилади.

Жалакудук туманида 170 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Табиийки, уларнинг эҳтиёжи бозор билан боғлиқ. Бунинг учун деярли барча бозорларда етарли шарт-шароитлар яратилган.



Жалакудукликлар қачон бозорга ёлчийдилар?

ТАДБИРКОРУ АҲОЛИНИ ҚИЙНАБ КЕЛАЁТГАН МУАММО НЕГА ҲАЛ ЭТИЛМАЯПТИ?

Жумладан, Жалакудук тумани деҳқон бозорида ҳам 2014 йили мева-сабзавот, гўшт ва гўшт маҳсулотлари, шунингдек, нон павильонлари қурилган эди. Бироқ шу мақсадлар учун олинган жами 215 миллион сўм кредитни қоплаш кийин кўчди. Ойига 35-40 миллион сўм савдо айланмасига эга «Деҳқон ва озиқ-овқат бозори» МЧЖ кейинчалик ўз ҳудудида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш масалаларига эҳтиёткорлик билан ёндаша бошладди. Анниқроғи, «Оч қорним, тич қулогим» қабилдаги бошқарув мақсадга мувофиқ деб топилди. Боз устига, Жалакудук тумани ҳокимлиги бозор ҳудудини кенгайтириш бўйича белгиланган режага мувофиқ, ён-атрофдаги 17 та оилани қўришиш учун ёрдам қўлини чўзмади.

Раста бору савдо ёйма бўляпти

Асосан, ҳафтада бир бора – якшанба кунлари кизийдиган бу жойда на тadbirkор, на харидорнинг эмин-эркин, намунали савдотик қилишлари учун ҳеч қандай шароит яратилмади. Якшанба кунлари олди-сотди ишлари, асосан, «Жалакудук — Қўрғонтепа» магистраль йўлининг бозор ҳудудигаги қисми, шунингдек, ён-атрофдаги Гагарин ва Ҳамза кўчаларида олиб борилади. Шунинг баробарида йўл ҳаракати хавфсизлиги, транспорт воситаларининг катновидаги тирбандликлар аллақачон мутасаддилар учун ҳам, одамлар учун ҳам олатий ҳолга айланиб улгурди. Ҳатто, девордармиён жойлашган Жалакудук тумани ҳокимлиги раҳбарлари ҳам бу ердаги тўс-тўполон, ғала-ғовур, шовқин-суроннинг олдини олиш учун бирон амалий чора қўришмаётгани таажжубланарли ҳол. Яна ҳам ҳайратли жиҳати, туман санитария-эпидемиология маркази мутахассисларининг «бу тарафга нигоҳи тушмаётганидир».

Лоақал бир гектарга ҳам бормайдиган жойга тумонат одам тўпланиши туфайли юзгага келиши мумкин бўлган антисанитария ҳолати нахотки уларни безовта қилмасе?

Зотан, бизга тadbirkор ва хунамандлардан тушган эътирозларнинг асосий қисми тозалик ва ободончилик билан боғлиқ.

Тор жойда ош егандан...

«Ҳасанқовоқ» маҳалласида яшовчи Бахтиёржон Ҳожибоевнинг атторлик дўкони бундан беш йил илгари қурилган мева-сабзавот павильонида жойлашган. Қарийб йилгирма йилдан буён шу соҳа билан шугулланаётган тadbirkорнинг хасратидан чанг чиқади.

– Тўғри, том остида, ёгин-сочиндан холи, ёпик жойда савдо қиламиз. Аммо тимимиз қишда зах, ёзда иссиқ бўлиб, соғлиғимизга қони зарар. Неча йиллар илгари бозор ҳудудига асфальт ётқизилди, деб бизни ишонтиришган эди. Ханузга қалар ёмғир ёгса, қаёққа қочишни билмаймиз. Ҳозир эса ўзингиз кўриб турибсиз, тош ва шағалдан кўтарилаётган хароратга чидашнинг иложи йўқ. Не қилайлик, тирикчилик деб, рўзгор деб сабр қилияпти.

Турғун савдо соҳибларидан бири – «Бозорбоши» маҳалласида яшовчи новвой Осейдон Нишонов ва бошқа тadbirkорларнинг айтишича, бутун бошли бозорда оқар сув у ёқда турсин, ичимлик суви қатта муаммо экан. Қолаверса, бозор ичидаги чикиндихонадан кўтарилаётган кўланса хидни СЭС ходимлари сезишмайди, ҳолос.

Муаммолар шу билан тутамайди. Бу ерда автотураргоҳ йўқ, савдо расталари етишмайди, одамлар ерда ўтириб савдо қилишди, мева-сабзавот, полыз маҳсулотлари дуч келган жойда сотилади, одамларда турли норозиликлар туғилишига сабаб бўляпти.

Боз устига, бозор тор, савдо тармоқлари ўта зич жойлашган. Ариқ казиб, оқин сув олиб келиш, тахминан 300 квадрат метр жойни асфальтлаш, йўлак чиқариш, йиғилган чикиндиларни ҳафтада бир марта эмас, кунига чиқариб ташлаш бозор маъмурияти зиммасидаги энг долзарб вазифалар ҳисобланади.

Аммо ҳозирча гарчи жазирама бўлишига қарамай, на Жалакудук «Деҳқон бозори» масъулияти чекланган жамияти, на туман ҳокимлиги ва на тартиб-интизом, тозалик, санитария-гигиена масалаларига мутасаддилар қўлини совуқ сувга ургиси келмай, бозорни четлаб ўтишяпти.

Ахир, муаммодан қочиш эмас, аксинча уни ечиш керак.

Абдумутал АБДУЛЛАЕВ
«Mahalla»

ЛУҚМА

Гўшт нархи ҳароратга боғлиқми?

Кейинги кунларда серкуёш юртимизда ҳарорат аномал даражада юқорилаб бораётгани барчани ташвишга солмоқда. Баъзи кунлари иссиқ 40-45 даражани ташкил этаётганини кўриб, ҳис этиб турибмиз. Одамзот-ку, табиатнинг бу ҳукмронлиги олдида ожиз. Лекин харорат кўтарилгани сари бозорларимиздаги нарх-наволар ҳам тенгма-тенг кўтарилаётганини қандай тушуниш керак?

Масалан, ўтган ойнинг ўрталарида иссиқ 36 даражани ташкил этиб, Намангандаги аксарият қассобхоналарда ҳам 1 килограмм мол гўшти нархи 36 минг сўм эди. Ой охирига келиб харорат 38 даражага етди. Қарангки, гўштга ҳам ҳар килограмми учун 2 минг сўмдан кўшилиб турибди-да...

Шу кунларда Наманганда кундузи иссиқ цельси шкаласи бўйича 40-42 даража плюсни кўрсатапти. Қассоблар ҳам нархни шунга мослаб қўя қолишди. «Гидромет»дагиларнинг билдиришича,



юртимизда аномал харорат шу ҳафта сакланиб туради. Қассоблар эса ҳеч нимани билдиргани йўқ. Фақат дўкон пештоқидаги нархномаларни олиб ташлашди, ҳолос. Шу боис гўштининг аниқ нархи мавҳум.

Ҳозир «интернет»даги айрим «фол-бин»лар хароратни баъзи ҳудудларда 60 даражага чиқаётганини даъво қилишмоқда. Ишқилиб, бунга қассоблар ишонмасин-да!..

Ташвишбек.

ТАҲЛИЛ

Кейинги кунларда аҳоли ўртасида мамлакатимиз бозорларида гўшт нархининг кескин ошиб кетаётганини тўғрисида баҳслар авжига чиқмоқда. Вужудда келган вазиятни ҳисобга олиб, ўтган ҳафта Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси республика бозорларидаги нарх-наво тўғрисида жамоатчиликка ахборот тақдим қилди. Тахририйатимиз мухбирлари эса республикамизнинг айрим вилоятларидаги бозорларда гўшт қанчадан сотилаётганини мустақил ўрганиб чиқди.

Гўшт нархи қаерда, қанча?

САМАРҚАНД

Шу кунларда Самарқанд шаҳридаги «Сиеб» деҳқон бозорида бир килограмм мол гўшти сифатига қараб 41 минг сўмдан 44 минг сўмгача нархда сотилапти. «Темир йўл вокзали» бозорида эса гўштни 43 минг сўмдан 45 минг сўмгача нархда харид қилиш мумкин. Қўй гўшти эса барча бозорларда мол гўшtidан минг сўм қимматроқ сотилмоқда.

ФАРҒОНА

Фарғона шаҳридаги марказий деҳқон бозорида мол ва қўй гўштига турли нархлар қўйилган. Масалан, деҳқон бозори акционерлик жамияти томонидан ташкил этилган арзонлаштирилган савдо ярмаркасида бир килограмм мол гўштининг нархи 30 минг сўм, қўй гўшти 36 минг сўм деб баҳоланган. Бозор ҳудудида жойлашган гўшт савдо расталарида эса бир килограмм мол гўшти 40-42 минг сўм, қўй гўшти 45-47 минг сўмни ташкил этади.

ЖИЗЗАХ

Жиззах шаҳридаги «Эски шаҳар» деҳқон бозорида эса мол гўшти 1 кг. 42-43 минг сўм сотилмоқда. «Кўкбозор» деҳқон бозорида маъмур маҳсулот нархи 44 минг сўмни ташкил қилапти.

СИРДАРЁ

Сирдарё вилояти бозорларида эса анча қулай нархлар қайд этилган. Жумладан, марказий деҳқон бозоридан мол гўштини 36 минг сўмдан 38 минг сўмгача сотиб олиш мумкин.

НАМАНГАН

«Mahalla»нинг Наманган вилояти бўйича мухбирининг хабарига қўра, вилоятдаги «Сардоба улгуржи бозори»дан харидорлар мол гўштини 38 000 сўмдан 45 000 сўмгача нархларда сотиб олишмоқда. Қўй гўшти эса 40 минг сўмдан 45 минг сўмгача харид қилинапти.

БУХОРО

Қадимий Бухоро аҳолисининг маҳаллий одатига қўра, ёз ойларида қўй гўшти истеъмол қилинмайди. Шу туфайли маъмур маҳсулотнинг бозорлардаги нархи ҳам мол гўштиниқига нисбатан 3-4 минг сўм арзон. Мол гўшти эса вилоятда 44-45 минг сўмдан сотилапти.

НАВОЙ

Вилоятда гўшт турли нархларда сотилапти. Жумладан, Навоий шаҳрининг ўзида нархлар 40 минг сўмдан 45 минггача баҳоланаётган бўлса, олис туманларда нарх 35 минг сўмни ташкил қилмоқда. Қўй гўшти эса 39-41 минг сўм сотилапти.

ҚАШҚАДАРЁ

Қашқадарё вилоятидаги мухбиримизнинг хабар беришича, Қарши шаҳридаги Ерқўрғон деҳқон бозорида мол гўшти 42 минг сўмдан – 44 минг сўмгача, қўй гўшти эса 46 000 сўмдан – 48 минг сўмгача нархларда сотилмоқда.

АНДИЖОН

Анджон вилояти бозорларида эса мол гўштининг нархи 34 минг сўмдан 41 минг сўмгача, қўй гўшти эса 36 минг сўмдан 45 минг сўмгача баҳоланмоқда. Шунингдек, гуруч 5 минг сўмдан 15 минг сўмгача, тухум 300 сўмдан 650 сўмгача, картошка беш юз сўмдан (майда) 2,5 минг сўмгача, сабзи минг сўмдан 2,5 минг сўмгача, пиезни минг сўмдан уч минг сўмгача харид қилиш мумкин.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Нукус шаҳри марказий деҳқон бозорида 1 килограмм мол гўшти 28 минг сўмдан 40 минг сўмгача сотилапти. Чекка туманларда маҳсулот бундан-да арзонроқ 25 минг сўмдан ҳам топиш мумкин.

Ўзбекистон автомобиллар ишлаб чиқаришни 46,6 фоизга оширди.

Шу пайтга қадар Фарғона вилоятига келган сайёҳлар фақат маданий ёдгорликларни томоша қилиш билангина чекланиб қолишарди. Бугун эса вилоятда туризм соҳасини комплекс ривожлантириш, янги йўналишлар ташкил этиш, сайёҳларга қулай транспорт-логистика, меҳмонхона, умумий овқатланиш сингари сервис ва хизмат кўрсатиш тармоқлари фаолиятини йўлга қўйиш устувор вазифалардан этиб белгиланган. Шунингдек, сайёҳларга тарихий қадимжолар, пурвиқор тоғлар, хунармандчилик марказлари, маъданли сувлар, бой табиатли сўлим жойларда дам олиш таклиф қилинаётир.

«Шоҳимардон» бренди қайта тикланмоқда

Шоҳимардон. Мўъжаз ва сўлим кишлоқ ҳақида сўз кетганда унинг бетакрор табиати, мусаффо об-ҳавоси, қўл ва бўлоқлари, зилол сувлари кўз ўнгимизда гавдаланади. Оқсув билан Кўксув дарёлари асрлар давомида кўҳна масканга ўзгача улуғворлик бағишлайди. Кишлоқ қадим-қадимдан Фарғона водийси аҳолисининг энг азиз зиёратгоҳи, дам олиш маскани бўлиб келган. Бу ерда Ҳазрат Али Шоҳимардон, шоҳ Толиб сингари тарихий шахсларнинг мақбаралари мавжуд. Кейинги ўн йилликда бу ердаги манзара, ҳолат тубдан ўзгарди. Давлат чегараларини мустаҳкамлаш доирасидаги ишлар туфайли Шоҳимардонга эркин усулда дам олувчилар ва хорижлик сайёҳларнинг бориши тўхтаб қолди.

Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимиз туризм салоҳияти ва имкониятини ривожлантириш борасидаги амалий ишлар «Шоҳимардон» брендини тиклаш, туризмнинг экологик ва алпинизм йўналишларини ривожлантиришга замин яратди. Ана шу мақсадда Фарғона туманидаги Ёрдон кишлоғида 50 ўринли «Шоҳимардон экотуризм маркази» ташкил этилди. Бу ерда дам олувчилар ва сайёҳлар учун

Шароит бўлса, сайёҳлар сони ортади. Аммо...

ЮРТИМИЗНИНГ БЕТАКРОР ТАБИАТИ, АЖДОДЛАРИМИЗДАН ҚОЛГАН БОЙ МАЪНАВИЙ-МАДАНИЙ ЁДГОРЛИКЛАР, ОСОРИ АТИҚАЛАРГА ДУНЁ ҲАМЖАМИЯТИНИНГ ҚИЗИҚИШИ КАТТА



керакли бўлган барча қулайликлар яратилди. Улар кишлоқнинг сўлим табиати, маданий ёдгорликлари билан танишиш асносида кўшни Қирғизистон Республикаси ҳудудида жойлашган «Кўкқўл» ва «Дугоба» дам олиш масканларида бўлиш имкониятига ҳам эга. Ўтган йилнинг ўзида экотуризм йўналишида 1700 нафардан ортиқ маҳаллий ва хорижлик сайёҳга хизмат кўрсатилди. Жорий йил эса бу ерга 3 минг нафардан зиёд сайёҳ ва меҳмон келиши кутилмоқда.

150 миллион сўм имтиёзли сармоя

Шоҳимардон кишлоғида жойлашган вилоят кишлоқ хўжалиги техникалари бирлашмасига қарашли бўлган дам олиш маскани йиллар давомида қаровсиз қолди. Натижада сўлим масканда мавжуд бўлган инфратузлима тармоқлари издан чиқди, талон-торож қилинди.

Ёш тadbirkor Ҳожиакбар Комилов ҳудудни обод ва сўлим гўшага айлантириш ташаббусини илгари сурди. «Ҳар бир оила — тadbirkor» дастури доирасида экотуризмни ривожлантиришга йўналтирилган ўз бизнес-лойиҳасини ишлаб чиқиб, 150 миллион сўм имтиёзли сармояга эга бўлди. Кўп ўтмай, «Шоҳимардон кемпинг» экотуризм марказини ташкил этди. Бу ерда бир вақтнинг ўзида 75 нафар сайёҳнинг кўнгилини дам олиши учун барча

шароитлар яратиб берилди.

— Ёшлар иттифоқи вилоят бўлими билан ҳамкорликда иш олиб борамиз, — дейди марказ раҳбари Ҳожиакбар Комилов. — Мақсад, ёшлар ўртасида тоғ экотуризмни ривожлантириш, бу йўналишда иш олиб бормоқчи бўлган ёшларни қўллаб-қувватлаш, амалий ёрдам кўрсатиш. Айни кунда тоғ алпинизми, тоғ шароитларида яшаш, тоғ шароитида тунаш, қуруқ озиқ-овқатлардан самарали фойдаланиш, палаталар тиклаш сингари қизиқarli тadbirkor режасини тuzдик. Шу қўнларда илк дам олувчи сайёҳларни кутиб олишга ҳозирлик кўрямиз.

Йўл азоби...

Табиат манзараларига бой ушбу сўлим масканда дам олишни хоҳловчилар кўп. Лекин соҳа ривожига тўсик бўлаётган баъзи масалалар хануз ечимини кутиб турибди. Энг асосийси, Шоҳимардонга бориб-келиш билан боғлиқ йўл муаммоси қоникarli даражада деб бўлмайди. Тўғри, бу йўналишлар бўйлаб автобус, енгил автомобиллар ҳаракати ташкил этилган. Лекин одамлар Қирғизистон ва Ўзбекистон давлатлари ўртасидаги чегара постларида рўйхатдан ўтиш учун соатлаб вақт сарфлашларига тўғри келади. Бу ердан нафакат Шоҳимардон, балки Сўх туманига бориб-кегувчи аҳолининг ҳам ҳаракатланиши, айниқса, ёз кунларида узундан-узук навбатларга сабаб бўлмоқда.

— Кўндан буён бу ерга келмаганим, катта ўзгаришлар, бунёдкорлик, ободончилик ишлари амалга оширилиб, меҳмонлар ва сайёҳатчилар учун керакли шароитлар яратиб берилаётганидан хурсанд бўлдим, — дейди Қўштепа туманидаги «Сармоя» маҳалла фуқаролар йиғинида умрсузгаронлик қилаётган Толибхон Турсунов. — Чунки бу ерга келиш истилоҳда бўлган меҳмонлар кўп. Аммо икки давлат чегара постларидаги тегиш-рувлар янада соддалантирилиса, йўловчилар учун қулайликлар

ДАРВОКЕ:

Айни кунда вилоят ҳудудида 115 та археологик, 136 та меъморий, 84 та диққатга сазовор жой, 38 та монументал ёдгорлик сингари моддий-маданий мерос объектлари мавжуд. Тахлилларга кўра, соҳа ривожини йўлида амалга оширилган ишлар вилоятга келаётган сайёҳлар миқдорини кескин оширмоқда.

яратилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Ҳозир Шоҳимардонга бориш учун бир ҳудудда машинадан тушиб навбатни билан рўйхатдан ўтиб, бошқа ҳудуд чегарасида ҳам шундай ҳолатни такрорлаб, яна машинага ўтириш учун қамда бир-икки соат вақт сарфлашга тўғри келмоқда. Бундан ташқари, чегара постларида кексалар, ногиронлар, болали аёлларнинг эмин-эркин ҳаракатланишлари учун зарур шароитлар ҳозирланмаган. Кўп иссиғи, ёнғиначилик мавсумида қаерда жон сақлашни билмайди. Бу каби ноқулайликлар сайёҳатчиларни чарчатади, бу қадим масканга бўлган қизиқишини сўндиради.

«Хизмат кўрсатиш тармоқлари билан мақтана олмаيمиз»

Бугунги кунда вилоятда ўнлаб янги экотуризм марказларини ташкил этиш борасида ҳаракат бошланган. Жумладан, Фарғона тумани Водил кишлоғидаги «Чинор тағи», Аввал кишлоғида жойлашган «Ётти бўлоқ», Учқўриқ туманидаги «Меҳриғиё», Қўқон давлат ўрмон хўжалиги, Қувасой шаҳридаги «Водий тулпорлари» от спортини мажмуаси, Қўва туманидаги «Қарқидон» сув омбори кирғоқлари, «Фарғона анорлари» ҳамда «Миндонобод» агросаноат фирмалари бўйлаб сайёҳатлар ташкил этилмоқда.

Хусусан, қувалик тadbirkor Мирзохид Нишонов ташаббуси билан «Қарқидон» сув омбори кирғоғида дам олиш маскани ташкил этилди. Эътиборли жиҳати, ўзига хос қулайликларга эга бўлган ушбу сўлим масканда дам олишни хоҳловчилар сафи кўп сайин ортиб бормоқда. Чунки бу ерга келган сайёҳлар замонавий яхта ва елканли кема ҳамда гидроцикллардан фойдаланган ҳолда «Қарқидон» сув омборининг бўй-басти, имкониятлари билан яқиндан танишмоқда, марокли дам олишмоқда.

— Ҳозирда сув омбори қир-

гоқларида 8 та ана шундай дам олиш масканлари барпо этилиш учун маҳаллий ва хорижлик инвесторлар, тadbirkorларни жалб этиш, онлайн тарзда ижарага бериш борасида ишлар олиб боришмоқда, — дейди Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Музаффар Темиров. — Улғуимий майдони 10 гектарни ташкил этган масканда спорт майдонлари, бассейн, охиона, меҳмонхона сингари қўллаб-инфратузлима тармоқлари қўрили режасини тизилган. Бироқ жойларда замонавий меҳмонхона ва бошқа хизмат кўрсатиш тармоқлари фаолиятини ташкил этиш борасидаги ишлар билан мақтана олмаимиз. Масалан, туманларда бугунги кун талабига жавоб берадиган биронта замонавий меҳмонхона йўқ. Бу, хорижлик сайёҳларни жалб этиш, малакали хизмат кўрсатишда қатор ноқулайликлар келтириб чиқаради.

Муаммо нимада?

Мазкур дам олиш масканларида одамлар ҳаёт тарзи учун муҳим бўлган йўл, тоза ичимлик суви, электр таъминоти билан боғлиқ инфратузлима тармоқлари етарли эмас. Жумладан, «Қарқидон» сув омбори ҳавзасига олиб борувчи 6 километрдан ортиқ йўл таъмирлашга муҳтож. Устига-устак, ҳудудни тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласи ҳам бир неча йилдирки, ўз ечимини кутиб турибди. Бу масалада мутасаддиларга қилинган мурожаатлар хануз жавобсиз қолмоқда.

Яқинда вилоят ҳокимининг ташаббуси билан «Шоҳимардон ва «Ёрдон» маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида туризмни ривожлантириш дирекцияси ташкил этилди. Унинг зиммаси бу ерда замонавий туризм инфратузлима тармоқларини ривожлантиришдек муҳим вазифа юклатилди. Лекин бу вилоятда экотуризм фаолият қўланиши кенгайтиришда мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланилмоқда, деган хулосани бермайдим. Аслида эса мавжуд имкониятлар кўп. Фақат соҳа ривожини йўлида яратилган шароит ва имтиёزلардан оқилона фойдаланиш, ҳудудлардаги дам олиш жойларини ривожлантириш, уни тарғиб этиш, янги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ қилиш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан. Бу, ўз навбатида, янги иш ўринлари яратиш, обод масканлар сонини кўпайтириш имконини беради.

Расул КАМОЛ
«Mahalla»



Ўзбекистонда 50 минг кишига мўлжалланган атомчилар шахри қурилади.

Хавотирлар қанчалик асосли? Фаланга чиндан захарли...(ми?)

Ўтган ҳафта Тошкент вилоятининг Бекобод ҳамда Қашқадарё ва Навоий вилоятларининг айрим туманларида яшовчи аҳоли хонадонларида фаланга номли захарли ҳашарот пайдо бўлгани ҳақидаги хабарлар оғиздан-оғизга ўтиб, одамлар орасида ваҳима уйғотди. Уларнинг айтишича, ушбу жонзотни ўлдириб, янчиб ташласа ҳам 1-2 дақиқадан кейин яна тирилиб, ўз ҳолатини тиклаб олар экан. Қолаверса, у ўргимчак-чаён сингари жуда тез ҳаракатланармиш...

Хўш, бу фикрлар қанчалик асосли? У чиндан ҳам, ўлмайдиган жонзотми?



Фаланга ҳашаротми ёки ҳайвон?

Фаланга ёки сольпуга (Solifugae) латинчада — «қуёшдан қочадиганлар» деган маънони англатади. У арахнида (arachnida) синфи, сольпуга (Solifugae) туркумига мансуб бўлиб, нисбатан йирик ўргимчаксимонларга киради. Дунёда уларнинг 1000 га яқин тури аниқланган. Фалангалар қуруқ ва чўл муҳитини хуш кўради. Шу боис бу жонзот кўпроқ чўлларда яшайди. Ажабланарлиси, фалангалар бепоен чўлларга эга бўлган Австралида деярли учрамайди.

Мамлакатимизда бу мавжудот азалдан яшайди. Марказий Осиё фалангасининг узунлиги 5-7 см.ни ташкил этиб, танаси ва бўғимлари узун туқлар билан қопланган. Ушбу жонзотнинг айрим турлари соатига 2 км/с. тезликда ҳаракатланган-

лиги сабабли турли номлар билан аталган. Масалан, «шамол чаёни», «қуёш ўргимчаги», «суя ўргимчаги»...

— Барча фалангалар серҳаракат бўлиб, улар, асосан, тунда фаоллашади, — дейди Фанлар академияси Зоология институти энтомология ла-

бораторияси мудири, биология фанлари номзоди Гулнора Мирзаева. — Ўргимчи фалангалар махсус қазилган чўқурликка 30 дан 200 тагача туҳум қўяди. Ёш фалангалар 2-3 ҳафтадан кейин туҳумдан чиқади.

Фалангаларни ўлдириб бўлмагани ҳақидаги хабарлар



бироз бўрттирилган. Бу жонзотни қўлми ерда босиб ўлдириши қийин бўлиши мумкин. Чунки унинг тана зичлиги қўл ва туфроқдан кўра, зичроқ, шу сабабли, фалангани эзганингизда у қўлнинг ичига ботиб кириб кетади. Шунда ҳам унга бироз жараҳат етади, лекин фалангаларда регенерация, яъни зарарланган органи қайта тиклаши йўқ. Бу ҳайвонларнинг танаси қалин хитин қобиғидан иборат бўлиб, уни фаланганинг ўлжаси бўлган чаёнинг иши ҳам теши олмайди. Қолаверса, уларнинг нерв тизими сўт эмизувчилариникидан фарқли равишда туғун-туғун бўлиб жойлашган. Агар сўт эмизувчиларнинг мияси зарарланса, бутун тана фаласжланади. Фалангаларни ўлдириш учун эса бир неча нерв туғунини зарарлига тўғри келади. Шу сабабли боши эзилган ёки кесилган жониворга бир неча соатгача ҳам актив ҳаракатланиши мумкин.

Бу жонзотни қўллар чаён ва ўргимчакнинг қоримаси, дейди. Аммо у чаён ҳам, ўргимчак ҳам эмас, уни ҳайвон десак, ҳақиқатга яқинроқ бўлади. Чунки фаланга йиртқич бўлиб, асосан, термит, ари, қўнғиз, чаён ва бошқа ҳашаротлар билан озиқланади. Шунингдек, йирикроқ ҳайвонлардан калтакесаклар, ҳатто, майда кемирувчиларнинг янги туғилган болаларини еб, кун кечиради. Эътибор берган бўлсангиз, фаланганинг «таомнома»сидан, асосан, зарарли ҳашарот ва ҳайвонлар ўрин олган. Шу боис уни «табиат санитарии» дейиш ҳам мумкин.

Тишлаган жойи секин битади...(ми?)

Одамларда «фаланга захарли бўлгани боис тишлаган жойи жуда секин битади», деган фикр шакланган. Хўш, мутахассислар бу ҳақда нима дейди?

— Бу жонивор инсонга ҳеч қачон биринчи бўлиб ҳужум қилмайди, — дейди Фанлар академияси Зоология институти зоология коллекцияси мудири Шохруз Назаров. —

Фақат хавфни сезсагина ўзини ҳимоя қилиш учун ҳужумга ўтади. Заҳари йўқ, аммо чақини оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Юртошларимизда «заҳри бўлмаган жониворнинг чақини нега салбий ҳолатларга сабаб бўлади?» деган савол туғилиши табиий. Боиси шунки, фаланга, асосан, инфекция манбаи бўлган майда ҳашарот ва ҳайвонлар билан озиқланади. Унинг хелицера, яъни жасадарида қолган инфекция жараҳатнинг жуда секин битишига, баъзан эса йиринглашига олиб келади.

Биринчи тиббий ёрдам қандай кўрсатилади?

Бу пайтда дарҳол биринчи ёрдам сифатида чақилган жойга антисептик воситалар билан ишлов бериш, яъни ишкорли бирикма(перекись), яшилча(зелёнка), йод ёки спирт билан ювиб, тозалаш керак бўлади. Агар яра битмаса, антибиотик қабул қилиш лозим. Аммо ҳеч қачон мустақил даво чораларини қўлламаслик керак. Фаланга шикаст етказган тақдирда зудлик билан шифокорга мурожаат қилиш тавсия этилади.

— Физик-механик усулда фалангаларни йўқотиш ва уларни аҳоли яшаси ҳудудларида тарқалмаслиги учун солирка ёнгиласидан тўсиқ сифатида фойдаланиш мумкин, — дейди Гулнора Мирзаева. — Аҳоли уй-жойларида ушбу жонзотга қарши курашни учун «Суми Альфа», «Дез», «Палач» каби кимёвий препаратларни ўртача 2 г/л миқдорда фалангалар кўпайган жойга 3 метр радиусда туркаш лозим. Очиқ ер майдонларида эса «Би-58» кимёвий препарати тавсия қилинган миқдорда қўлланилади. Аммо бу амалиётни фақат мутахассисларгина амалга оширишлари керак.

Фалангалар нега кўпайиб кетди?

Жорий йил баҳор мамлакатимизда серёгин келди. Бу эса фалангаларнинг озуқа захираси мўл бўлишига, яъни, кўпайишига қудай муҳит ҳосил қилди. Натияжада уларнинг сони ортиб, бугун ҳатто, аҳоли хонадонларида ҳам тез-тез учрамоқда. Аммо бундан юртошларимиз хавотирга тушиши, безовта бўлиши керак эмас. Агар юқорида таъкидланган зарурий эҳтиёт чоралари қўрилса, фалангалар ҳеч кимга ҳеч қандай зарар етказма олмайди.

Саъдулло ТУРСУНОВ
«Mahalla»

МЕНДА САВОЛ БОР...

Ари чакқанда биринчи ёрдам қандай кўрсатилади?

— Ёзининг иссиқ кунларида турли ҳашаротлар, жумладан, арилар анча фаоллашади. Бу пайтда одамлар, айниқса, ёш болаларни тез-тез ари чақиб олади. Ана шундай ҳолларда беморга биринчи ёрдам қандай кўрсатилади?

Нигора АБДУНАЗАРОВА,
Тошкент шаҳри.

Азиза ШИРИНОВА,
терапевт:

— Ари найзасининг остида захарли без мавжуд. Ҳашарот одамни чакқанида тананинг ўша жойи захар таъсирида каттик ачишади. Оғриқ зумда атроф тўқималарга тарқалиб, иши, қизариш юзага келади. Баъзи ҳолларда эса ишили тошмалар пайдо бўлиши мумкин.

Агар ҳашарот кўз атрофини чакса, одамнинг юзлари ишиби, қовоқлари осилиб қолади. Шунингдек, лаблар атрофи ёки қулоқлар терисида ҳам худди шундай ҳолат кузатилади. Ари одамнинг бошини чакса, нафас олиш тезлашади, юрак томири бир дақиқада 150-180 мартагача уради. Айниқса, ўпқада иши пайдо бўлиши оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Бундай вазият кўпинча ҳашаротнинг

захари таъсирига ўта сезувчан болаларни фавқулодда бир нечта қовоғари ёки аммофила ариси чакқанида юз беради.

Хўш, арилар чакқанида биринчи тиббий ёрдам қандай кўрсатилади? Энг аввало, тери соҳасидан ҳашаротнинг қолиб кетган нишини суғуриб олиш зарур. Сўнг ўша жойни икки бармоқ орасига олиб, захарни қон билан бирга сиқиб чиқариш лозим. Кейин эса зарарланган соҳага новшади ёки этил спирти билан хўланган дока босиш керак. Агар оғриқ янада кучайса, ари чакқан соҳага намақоб сув билан хўланган дока босиш яхши фойда беради. Шундай қилсангиз, иши каттариб кетмайди.

Агар одамни бир пайтда бир нечта ари чакқан бўлса, унга кўп суяқлик ичириш керак. Чунки бу пайтда бемор кўп терлайди ва танадаги ари захри тер ва пешоб орқали чиқиб кетади.

Энг ёмони, баъзида ари чақини оқибатида ўлим ҳолатлари ҳам кузатилиши мумкин. Шу боис ота-оналар, айниқса, фарзанди аллергияга мойил онла катталари бунга безътибор бўлмасликлари зарур.

Беморга биринчи ёрдам кўрсатилгач, шифокорга мурожаат қилиш керак.

Қашқадарёлик заргар Амир Темур узугини тикламоқда.

Театрга тушганда ҳеч эътибор берганмисиз, у ерда қандайдир ўзгача файз бордек. Эҳтимол, бунини бир жумла билан таърифлаб беришнинг имкони йўқдир. Лекин қалбдан, кўнгилнинг туб-тубидан ҳис қилса бўлади. Юракни жунбушга келтирадиган сахналар, қаҳрамонларнинг изтироб ва қайғуга йўғрилган тақдирини туйиш билан унутилган туйғуларимиз уйғонади. Бу даргоҳдаги ўзгача ифода ҳудди тарихнинг қат-қатидан таралаётгандек.

Маҳмуд ИСМОИЛОВ:

«Санъат соҳасини танлаб адашмаганман»



**«MAHALLA»
МАЪЛУМОТИ:**

Маҳмуд Исмоилов актёрлик фаолияти давомида 100 дан зиёд сахна асарларида турли образларни гавдалантирган. У театрда сахналаштирилган «Алишер Навоий», «Ўз аризасига кўра», «Олдузли тўнлар», «Кирол Лир», «Усмон Носир», «Мирзо Улуғбек», «Меҳробдан чаён», «Қундузсиз кечалар», «Дарахлар тик туриб жон беради», «Увайсий» «Омонат дунё» спектаклларида турли образларни яратган. Актёр санъатининг кино, телевидение ва дубляж соҳаларида ҳам сермажусул ижод қилиб келмоқда. Жумладан, «Домла», «Кўнгил кўчалари», «Имом Ал-Бухорий», «Кайтар дунё», «Тугаш тақдирлар», «Опа-сингиллар», «Номус», «Фақат галаба», «Сардор», «Жасур» каби видеофильм ва бадиий фильмларда бир-бирига ўхшасан ролялар ижро этган.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Маҳмуд Исмоилов билан суҳбатлашиш умидида театр оstonасига қадам қўяр эканмиз, ҳаёлимиздан шу ўйлар ўтди. Санъаткор ҳам биз билан айнан ҳаёт ва сахна илми борасида мулоҳазаларини ўртоқлашди.

— Хар бир инсоннинг дунёга келишида ўзига хос ҳикмат бор. У зиммасига юклатилган кайсидир вазифани адо этиши билан одамларга яхшилиқ улашади ёки ибрат бўлади. Сахна эса ҳаётнинг кичик бўлаги сифатида қилаётган ишларимизга кўзга тутади. Шу боис театрни муқаддас биламан. Баъзан тобим бўлмаганда ҳам роль ижро этишга тўғри келади. Уйдан чиқаётганимда бу иш имконсиздек туюлади. Лекин сахнада барча оғриғи дардлар унут бўлади. Фақат менда эмас, бошқа санъаткорларда ҳам худди шундай. Бу жумбоққа жавоб қилириб, балки устозларимиз руҳи бизни қўллаётгандир, деб ўйлаб қоламан. Санъат соҳасини танлаб адашмаганимни аглаб етмаган.

— Тўғри йўналиш танлашда атрофдагиларнинг таъсири кучли бўлади. Бу борада янглиш қадам қўймаслик учун қайси жиҳатларни муҳим санайсиз?

— Назаримда, оилавий муҳит, бериладиган таълим-тарбия, ота-онанинг маънавияти каби жиҳатлар фарзанд тақдирига катта таъсир кўрсатади. Намунали, зиёли оилада воёга етган болаларнинг кўпчилиги яхши инсон бўлиб ўлғади. Табиийки, теран фикрлайдиган ёшлар ўз келажакларини белгилашда камровни кенгроқ олади.

Баъзан ҳаёлимиздан нима учун санъатни танладим, деган фикрлар ўтади. Эҳтимол, отам опера театри қўшиқчиси бўлгани учундир. Инсон ўз йўлини танлашда мана шу жиҳат ҳам катта аҳамиятга эга. Гарчи болалигимдан ҳарбий бўлишни орзу

қилган бўлсам-да, ота касбга муҳаббат устунлик қилди.

— Юқорида инсоний бурч ва масъулият ҳақида гапирдингиз, айтинг-чи, санъат оламининг бир вакили сифатида зим-мангиздаги вазифаларни нимадан иборат деб биласиз?

— Санъаткорнинг ҳаётдаги асосий вазифаси маърифат, маънавият ва яхшилиқни тарғиб қилиш. Шунинг учун ўзимга ҳам, турмуш ўртоғимга ҳам салбий роляларни ўйнамаслик талабини қўйганман. Бу, албатта, нотўғри қараш. Лекин жамиятдаги ҳиёнат, зўравонлик, жиноят ботқоқига ботганларга нафратим шунчалар кучлики, уларнинг сахнадаги киёфасини ҳам яратгим келмайди. Худди бу менга юкиб қоладигандек туюлади. Рафикамни ҳам ҳаёли-иболи аёл ва муштира она образида кўргим келади. Бир тарафдан, театрда бу мезонларга кўра роль танлаш қийин. Аммо негадир ўзим учун шу қарорни қабул қилганман.

Ҳаётда инсон ортидан нимадир қолдириши керак, деб ҳисоблайман. Ҳеч бўлмаса, битта одамни тўғри йўлга йўналтира олсак, шунинг ўзи катта хайрли иш. Ўйнаётган роляларимдан ҳам бирор киши ўзи учун тўғри хулоса чиқарса, хатосини англаса, феъл-атворини яхши томонга ўзгартирса, мен учун бундан ортик бахт йўқ.

Бир неча йил аввал сахнада «Тунги меҳмон» асари қўйилганди. Унда қамокхонадан қочган бир жиноятчининг тақдирини очиб берилган. Гап кўп эмас. Зал ҳам жим-жит. Икки қаҳрамон суҳбатлашиб, бир-бирини ёқтириб қолишди. Спектакль ниҳонсига етгач, кўчада гавдали бир эркак мени кутиб турган экан. У ижроимда ўзининг тақдирини кўрганини айтиб, қилган ишларидан пушаймонлигини

билдирди. Қамалиб чиққач, хотинини рақш қилиб ажрашиб кетган экан. Оиласини тиклашга қарор қилганини айтганда эса кўнглим ёришиб кетди. 500 нафар томошабиннинг ҳеч бўлмаганда биттаси ўзига тўғри хулоса чиқарса, бизга шунинг ўзи етарли.

— Шу ўринда бир савол туғилади: «Кўнгил кўчалари» сериалидаги Элдор образингиз худди сиз айтгандек, эгри кўчаларга кириб қолган одам. Қарорингизга қарши бориб, бу роляни ижро этишингизга нима сабаб бўлган?

— Аввалга менга шу сериалдаги бошқа бир роляни беришган эди. Ундан кўнглим тўлмай, режиссёрдан Элдор киёфасини гавдалантиришни ўзим сўраганман. Лекин сценарий билан тўлиқ танишиб чиқмаганим учун унинг кечмиши бунчалар аянчли эканини кейин билдим. Қанча қаршилик билдирсам-да, уни худди ёзилганидек ўйнашга мажбур бўлдим.

— Спектакль, кино ва сериаллардаги роляларингиз билан мухлислар меҳрини қозонгансиз. Айтинг-чи, уларга яна нималарни етказиб беришим керак, деб ҳисоблайсиз?

— Назаримда, одамлар мендан ўзгача образ янги гап айта оладиган роль куттишаётгандек туюлади. Бундан уч-тўрт йил аввал «Офицерлар» номли асар қўлимга тушиб қолди. Унда ҳарбий бир оила ҳаёти жуда чиройли кўрсатиб берилган эди. Соҳанинг қийинчилиги ва машаққатлари тўла акс этган. Ундаги ота образи орқали болалигимдаги орзуимга қайсидир маънода эришишни ният қилгандим. Аммо айрим сабабларга кўра, ҳали ҳам бу асар сахналаштирилмади. Насиб қилса, бу ишни, албатта, амалга оширамиз.

— Бу мавзу ёшлар тарбиясида, йигитларга ватанпарварлик руҳини сингдиришда катта аҳамият касб этади. Бугун айнан шундай — тарбиявий йўналишдаги фильм ва спектакллари миз етарлими?

— Ёшлар тарбиясида муҳим ўрин тутадиган асарларимиз жуда кам. Жойларда ўтказиладиган учрашувларнинг ҳам самараси деярли сезилмаяпти. Шу боис ўқув муассасаларида спортчилар, ҳарбийлар билан амалий мулоқотларни қўпайтириш тарафдориман. Уларнинг ҳаётий тажрибаларини тинглаган ёшлар ўзларида ҳам бироз масъулият туярилади. Бизга юмшоқтабиат, сўзининг кучи йўқ олифталар эмас, ҳақиқий эркаклар керак. Шунинг учун ҳам йигитларимизнинг гуруҳини уйғотадиган асарлар кўпайишини истаётиман. Ташқаридан кириб келаётган турли ахборотлар таъсирини синдиришнинг бундан бўлак имкони йўқ. Бутун уларнинг қийинлигидан тортиб, ўзини тутишигача танқидларга сабаб бўлаяпти.

— Ёшлар ҳақида сўз борганда, қизларни ибобили-ҳаёли қилиб воёга етказишга ҳам тўхталмай иложимиз йўқ. Сизда бу борада анчагина тажриба бор. «Опа-сингиллар» сериалида уч қизнинг отаси киёфасини яратдингиз. Ҳаётда ҳам уч нафар қизни улғайтирган ота сифатида уларнинг тарбиясида нималарга кўпроқ аҳамият бердингиз?

— Сезган бўлсангиз, фильмда муаммоларни босиклик билан ҳал қилишга, актни жаҳдан устуланигини кўрсатишга ҳаракат қилганмиз. Барча муаммолар шопмай, мушоҳада билан ҳал қилинган. Онда ҳам худди шу усулдан қўллаётиман. Қизларим

билан, асосан, онаси мулоқотда бўлади. Қийинлиқни, жамоат жойларида ўзини тутиши каби жиҳатларга алоҳида эътибор қаратганимиз. Улар ҳам гапимизни икки қилишмади.

Ота-она келажакда фарзандининг қамоллини кўриши учун уларга ҳаётнинг паст-баландлигини ҳам кўрсата олиши жуда муҳим. Қизларимнинг болалиги биз билан бирга, театрда ўтган. Қун бўйи сахнадаги репетицияларимиз, бир роль устиди тер тўкиб меҳнат қилганимизни кўриб катта бўлишди. Улғайгач, бу нарсаларнинг таъсири яққол сезилди. Ўзлари ҳам бизнинг чеккан машаққатларимиз ҳали ҳам кўз ўнгига турганини кўп эслашди. Шунинг учунми, улар санъаткор бўлишни сира орзу қилишмади.

Инсоннинг барча эришган ютуқлари, муваффақиятлари бир томон бўлса, фарзандларининг яхши одам бўлиб воёга етиши бир томон. Шундай экан, олдимизга максат қўяётганда ҳамма жиҳатларини бирдек қамраб олишни унутмайлик.

— Самимий суҳбатингиз учун ташаккур!

**«Mahalla» мухбири
Шахноза
РАҲИМХУҲАЕВА
суҳбатлашди.**

Халқаро фестивалда ўзбек цирк усталари иккинчи ўринни эгаллади.

Ҳомила муддатидан аввал туғилса...

УНИНГ ҲАЁТИНИ САҚЛАБ ҚОЛИШ УЧУН НИМА ҚИЛИШ КЕРАК?

Баъзан қулоғимизга «чақалоқ эрта туғилибди», «муддатига етмаган экан», деган гаплар чалинади. Бундай гўдакларнинг ҳаёти сақлаб қолинганини ҳам эшитганмиз. Аммо, афсуски, вазият аксинча тус олган ҳолатларни ҳам назардан четда қолдириб бўлмайди. Аслида ҳомиланинг тўлиқ ривожланмай туғилишига нималар сабаб бўлади? Бўлажак она фарзандини эсон-омон бағрига босиши учун қандай жиҳатларга аҳамият қаратиши зарур? Куйида сизга шу ҳақда тўлиқроқ маълумот беришга ҳаракат қиламиз.



Ички аъзолари ривожланган, аммо...

Одатда ҳомиланинг она корнида ривожланиш даври 38-40 ҳафтагача давом этади. Бу вақт мобайнида боланинг барча тана аъзолари тўлиқ шаклланади. Ҳомиладорликнинг 29-37 ҳафталари оралиғида туғилган гўдак эса муддатидан олдин дунёга келган ҳисобланади. Бундай чақалоқларнинг вазни одатда 1000 граммдан 2500 граммгача, бўлиб 45 сантиметр атрофида бўлиб, шифоҳонада махсус назоратга олинади.

Муддатига етмай туғилган чақалоқлар жуда кўп ухлайди, йиғиси паст эшитилади. Териси юпка, куруқ, кўпинча, оч пушти ёки кизғиш бўлиб, буришиб қолади. Танаси майин тук билан қопланади. Оёғи нисбатан калтага ўхшаб кўринади. Боши катта, кулоқ супраси юмшоқ бўлади. Ички аъзолари ривожланган, лекин функционал жиҳатдан анча нимжонлиги кузатилади. Юкори нафас йўллари нозиклиги боис тез ва нотекис нафас олади. Меъда-ичак тизими номукамаллиги сабабли ич келиши тургун бўлмайди. Буйраги ҳам сует ишлайди. Организми тана ҳароратини бир меъёрга ушлаб тура олмайди (тез қизиб ёки совиб кетади).

Бундай болалар вазни биринчи ойда ўз вақтида туғил-

ган болаларниқига нисбатан секинроқ, лекин кейинги ойлarda уларниқидан тезроқ ортади. Шифокор 2000-2500 граммгача бўлган чақалоққа аҳоли ва яшаш шароитига қараб туғуруқхонадан уйга жавоб бериши мумкин. Вазни анча кам туғилган болалар эса махсус стационар шароитда парвариш қилинади.

Парваришдаги муҳим қоидалар

Муддатидан олдин туғилган чақалоқни парвариш қилиш анча мураккаб жараён. Чунки

бундай бола организми тўлиқ етилмагани туфайли унда она корнидан ташқаридаги ҳаётга мослашув қобилияти бўлмайди. Шунинг учун унга қулай шароит ва алоҳида эътибор зарур. Чақалоқни ёруғлик, товуш ва шу каби бошқа таъсирлардан сақлаш, тозалик қоидаларига риоя қилиш зарур.

Уй шароитида муддатидан олдин туғилган гўдак ётган хонанинг ҳарорати 25°C бўлиши мақсадга мувофиқ. Боланинг бошини баландроқ қилиб ётқизиш керак, сиккиб йўрғаклаш ярамайди. Унга

*Муддатига етмай
туғилган боланинг
асаб тизими яхши
шаклланмагани учун
уларни қаттиқ
шовқин ва баланд
овозли мусиқалардан
сақлаш муҳим.*

иссиқ ва юмшоқ кийим кийдириб, кўрпачага ўраб қўйилади. Агар гўдак тез совиб кетса, унинг атрофига, тахминан 10 сантиметр узокликка сочикка ўралган грелкалар қўйилади (сувнинг ҳарорати 65°C дан ошмаслиги таъсия этилади).

Агар чақалоқ исиб кетса, юзи кизариб, тана ҳарорати кўтарилиб, безовта бўла бошлайди. Бунда грелкалар сонини камайтириш ёки ҳаммасини олиб қўйиш керак. Зарур бўлса, бир неча дақиқага устки кийимини ечиш лозим. Аммо бола терлаб турган пайтда бундай қила кўрманг, акс холда уни шамоллатиб қўйишингиз мумкин.

Муддатига етмай туғилган бола организми, ички аъзолари, айниқса, ўпка димланишига мойиллиги сабабли ухлаётганда ётиш ҳолатини ўзгартириб туриш зарур.

Бундай боланинг асаб тизими ҳам яхши шаклланмагани учун уларни қаттиқ шовқин, қичқирик, баланд овозли мусиқалардан сақлаш муҳим. Шу билан бирга, тана ҳолатини кескин ўзгартирмаслик керак. Бола яқинида ўткир ёруғлик бўлмаслиги ҳам мақсадга мувофиқдир.

Табиийки, бу болалар муддатига етиб туғилган болалардан дастлабки ойлarda жисман ва руҳан ортда қолади. Аммо

ДАРВОҚЕ:

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, ҳар йили ер юзидан 15 миллион бола, яъни туғилаётган 10 нафар чақалоқнинг биттаси ўз муддатига етмай дунёга келмоқда. Уларнинг 1,1 миллион нафари нобуд бўлади. Аслида тўғри парвариш ва зарурий тиббий ёрдам кўрсатиш билан уларнинг 75 фоизини сақлаб қолиш имкони мавжуд.

тўғри парвариш қилинса, кейинчалик тенгдошларига етиб олади. Ҳатто улардан-да бақувватроқ бўлиб вояга етиши мумкин.

Эрта муддатда туғилган гўдакка фақат она сuti берилса, яхши ўсади. Уларда эмиш рефлекс (баъзиларида ютиш рефлекс ҳам) сует ёки умуман бўлмайди. Дастлабки кунларда бола зонд орқали (қўнига 10 марта), кейинчалик аста-секин кўкракдан эмишга ўргатилади.

Тозалик, тинчлик ва соғлом овқатланиш зарур

Муддатидан олдинги туғуруқларнинг олдини олишни аёл ҳомиладорлиқни режалаштираётгандаёқ бошлаши лозим. Бунинг учун улар мавжуд касалликларини ўз вақтида даволатиши, шахсий гигиена қоидаларига қатъий риоя қилиши ҳамда турмушда учраб турадиган турли вазиятлардан руҳий тушқунликка тушмаслиги керак. Ҳомиладорлиқнинг биринчи белгилари пайдо бўлиши билан аёллар керакли маслаҳатлар олиш учун мутахассисга қўриниши, соғлом овқатланиш тартибига амал қилиши, мавжуд бўлган зарарли одатлардан воз кечиши туғилажак боланинг нафақат соғлигига, балки руҳиятига, ҳатто келажакда шаклланадиган шахсиятига ҳам ижобий таъсир қилишини тарихий-тиббий ҳақиқатлар ҳам тасдиқлайди. Буни замонавий тадқиқотлар ҳам тақрор ва тақрор исботламоқда. Шундай экан, она ҳам, унинг яқинлари ҳам бу қоидаларни ёдда тутиши ва тўғри амал қилиши билан келажак авлоднинг соғлом улғайишига хисса қўшган бўлади. Бунда аёлни турмуш ўртоғи ва она аъзоларининг ҳайрихоҳлиги аҳамиятлидир.

Дилфуза ТУРДИЕВА,
олий тоифали шифокор.

Ҳомила тута олмаслиқнинг сабаблари

1. Ижтимоий-иқтисодий омиллар (ҳомиладор аёлни яхши овқатланмаслиги, авитаминоз, яшаш жой ва маиший шароитларнинг қоникарли эмаслиги, зарарли одатлар, исталмаган ҳомиладорлик).
2. Ижтимоий-биологик омиллар (биринчи туғуруқнинг эрта (18 ёшгача) ва кечлиги (30 ёшдан катта).
3. Тиббий омиллар (онанинг сурункали соматик ва гинекологик касалликлари, қандли диабет, ўткир инфекцион касалликлар, генетик хасталиклар, кўп ҳомиладорлик, ҳомиланинг нотўғри жойлашиши).

Тана массаси ва гестацион ёшга кўра чала туғилишнинг 4 даражаси бор:

I даража - 2500 - 2001 грамм ёки ҳомиладорлиқнинг 37-34 ҳафтаси;

II даража - 2000 - 1501 грамм ёки ҳомиладорлиқнинг 34 - 31 ҳафтаси;

III даража - 1500 - 1001 грамм ёки ҳомиладорлиқнинг 31-28 ҳафтаси;

IV даража - 1000 грамм ва ундан кам ёки ҳомиладорлиқнинг 28-24 ҳафтаси.



Ўзбекистонлик археологлар афсонавий Окс Александриясини топди.

Қон босими ошиши ва унинг салбий оқибатлари тўғрисида анчагина маълумотларга эгамиз. Лекин гипотония, яъни қон босими тушишига кўпчилик жиддий эътибор қаратмайди. Аслида бу ҳасталикнинг ҳам асоратлари жуда хавфли.

Қон босими тушиши оқибатлари хавфли нимада?

КАСАЛЛИК СУРУНКАЛИ КЕЧИБ, ВАҚТИ-ВАҚТИ БИЛАН, АЙНИҚСА, ҚИШ ВА БАҲОРДА, ШУНИНГДЕК, РУҲИЙ ҲАЯЖОН ЁКИ НОҚУЛАЙ ТАШҚИ ОМИЛЛАР ТАЪСИРИДА ҚАЙТАЛАНИБ ТУРАДИ

Ҳар дақиқада юрак 5 литрчага қонни томирлар орқали аъзоларга ҳайдайди. Юракда эса тўрт бўшлиқ (камера) мавжуд. Содда тил билан айтганда, юракнинг иши қисқариш ва бўшашишдан иборат. Ана шу қисқариш ҳолати илмий тилда систола, бўшашиши эса диастола деб номланади. Юрак-томир тизимининг тонуси (таранглиги) пасайганда қон босими паст бўлади. Тонометр ёрдамида ўлчанганда, юкори (систолик) ракам 100 мм. симоб устуни, пастки (диастолик) ракам эса 60 мм. симоб устунидан паст бўлган тақдирда беморга гипотония ташхиси қўйилади. Кичик ва ўсмир ёшдаги болаларда бу кўрсаткич 85-60 мм. симоб устуни. 30 ёшдан катта кишиларда эса 105-65 мм. симоб устунини ташкил қилади.

Фарқ минтақа ва ёшга ҳам боғлиқ

Қон босими пасайишининг асосий сабаблари қуйидагилар: қон томирларининг торайиши, организмдаги қон ҳажмининг камайиши, юрак етишмовчилиги, камқонлик, бош ва орқа миёна жароҳатлари, сурункали уйқусизлик, стресслар, неврозлар, психологик жароҳатлар, рухий тушқунлик, локайдлик, буйрак усти ва ости безлари фаолияти бузилиши, бош миёна ички босимининг пасайиши, ҳомиладорлик. Шунингдек, кам ҳаракатлилиқ ҳамда кун давомида ўтириб ишлаш ҳам гипотонияни юзага келтириши мумкин.

Қон босимининг меъёри ёшга, географик минтақага қараб бироз фарқ қилади. Тропик ва субтропик мамлакатларда яшайдиган кишиларнинг қон босими шимолий худудларда истикомат қилувчиларникига нисбатан пастроқ бўлади. Спорт (айниқса, оғир атлетика) билан мунтазам шуғулланадиган йигит-кизилларда, оғир жисмоний иш қиладиган кишиларда, балет артистларида гипотония йиллаб, баъзан эса умрбод давом этиши мумкин. Лекин улар ўзини яхши сезади ва бемалол ишлайверади. Бу физиологик гипотония бўлиб, дори-дармоннинг ҳолати йўқ.

Патологик гипотония эса турли инфекциялар, захарланиш, оч юриш ёки етарлича овқатланмаслик, шунингдек, эндокрин касалликлари натижасида юзага келади. Бу жараён кўпгина ҳасталикларнинг бошланиш



ПАСТ ҚОН БОСИМИ БИЛАН КУРАШИШ УСУЛЛАРИ

■ Гипотониклар ҳар кунни бошқаларга нисбатан 2-3 стакан кўпроқ сув ичиши керак. Бу қон босимини меъёрга ушлаб туришга ёрдам беради.

■ Ҳаракат бу — ҳаёт. Мунтазам равишда спорт билан шуғулланинг. Энг яхши дори — пиёда сайр қилиш, сузиш, серҳаракат ўйинлар. Бизнинг барча ҳаракатларимиз қон айланишини яхшилайдиган, у томирлар бўйлаб айланиб, танадаги барча органларни ишлашга мажбур қилади ва натижада умумий жисмоний ҳолат яхшиланади.

■ Паст қон босими кузатиладиган кишилар ўрнидан кескин туриши тавсия этилмайди. Бу уларнинг аҳволини янада оғирлаштириши мумкин.

■ Қулоқлар организмнинг энг таъсирчан нуқталаридан биридир. Унинг энг оғриқли нуқтасини топиб, ўзингизни яхши ҳис қилгунингизча уқаланг. Босим кучи ва частотасини, шунингдек, таъсир нуқталарини ўзгартириб туринг. Агар бош айланиши, кучсизланиш ёки бошқа белгилар намоён бўла бошласа, машқларни тўхтатинг. Қўл ва оёқларингиздаги бармоқлар учини уқаланг, улар деярли бутун тана аъзоларига таъсир ўтказида.

белгилари бўлиши ёки вегетатив нерв тизими фаолиятининг издан чиқиши сабабли мустақил касаллик сифатида авж олиши мумкин.

Қайталаниб туриши мумкин

Гипотонияда бош оғриши, умумий ҳолсизлик, қувватсизлик, уйку бузилиши, жиззакилик, кўз олдининг қоронғилашиши, қон босимининг пастлиги каби ҳолатлар кузатилади. Касаллик, одатда, сурункали кечиб, вақти-вақти билан, айтиқса, қиш ва баҳорда, шунингдек, рухий ҳаяжон ёки ноқулай таъсир омили (об-ҳаво кескин ўзгарганда) таъсирида қайталаниб туради.

Қон босими пастлигини сезмайди

Шундай инсонлар борки, уларда паст қон босими вегетатив асаб тизимига хос туғма хусусият ҳисобланади. Бу, одатда, астеник типдаги (бироз нимжон, тери ранги оч бўлаган) кишиларда кузатилади. Улар дунё аҳолисининг тахминан 7 фоизини ташкил қилади. Бундай кишиларнинг қон босими кўпчилик учун меъёр ҳисобланган (120/80) кўрсаткичга кўтарилса, аҳволи оғирлашиши мумкин.

Назорат қилувчи тизимлар бор

Қон босимининг пасайиши ёки кўтарилиши тананинг озука моддалари ва кислород билан тўйинишига ҳамда ҳар бир аъзо

(айниқса, юрак, ўпка, кўз, буйрак) фаолиятига таъсир қилади. Айнан шунинг учун организмда қон босимини назорат қилувчи асаб ва гуморал тизимлар мавжуд. Асаб тизими бош миёна пўстлоғи, орқа миёна марказлари орқали назорат қилинади. Улар тинимсиз равишда артерияларга импульс жўнатиб, томир мушакларининг қисқариб-бўшашини таъминлайди. Гуморал тизим эса гормонлар орқали юрак иши, қон ҳажми, томирларнинг босимига таъсир қилади. Организмда рўй берадиган ҳар қандай ўзгариш (юқумли касалликлар, иммунитет пасайиши, гормонал ҳасталиклар, стресс, об-ҳаво таъсири) мазкур тизимлар ишига тўсқинлик қилиб, қон томирларнинг кенгайиб, босимнинг пасайишига олиб келади. Натижада қон кислородни барча аъзолар (энг аввало, бош миёна)га секинлик билан олиб боради. Бу эса инсонда беҳоллик, уйқучанлик, тез толиқиш, беҳузурлик, баъзан хушдан кетиш каби ҳолатлар билан намоён бўлади. Бундай пайтда, албатта, шифокор-кардиолог кўригидан ўтиш лозим.

Саломатлик учун ўз вақтида қайғуриш керак

Касалликнинг олдини олиш учун меҳнат ва дам олишни тўғри ташкил этиш, балантарбия билан шуғулланиш, меъёрида овқатланиш керак. Гипотония белгилари пайдо бўлганда шифокорга мурожаат қилиб, даволаниш лозим. Даво, асосан, касалликка сабаб бўлган омилларни бартараф этишдан иборат. Қон босимини кўтарувчи, умумқувватловчи дорилар, шунингдек, санаторий ва курортларда даволаниш тавсия этилади.

Гипотонияга чалинганларнинг таомларида минерал моддалар ва В, С, Р витаминлари етарли бўлиши керак. Гречиха ва сули ёрмасидан тайёрланган бўтқалар фойдали. Сабзи, қизилча, баклажон ва цитрус мевалар тановул қилиш мақсадга мувофиқдир. Айтиқса, қора тут яхшигина қувват бўлади. Лекин ёғли ва ҳамир овқатлардан тийилган маъқул.

Агар гипотониядан азият чекаётган бўсангиз, унутманг, кўп нарсани ўз қўлингизда. Соғлиқ борасида қайғуришни орқа сурманг. Юқоридаги тавсияларга амал қилинг ва саломатлигингизни мустаҳкамланг.

Шерали МАССАВИРОВ,
Тошкент табиёт академияси
катта ўқитувачиси.

Бойсунда замонавий туризм маркази бунёд этилади.

«Ким бизни алдаса, у биздан эмас!»

МУҚАДДАС ИСЛОМ ДИНИДА ФИРИБГАРЛИК
ҲАҚИДА НИМА ДЕЙИЛАДИ?

Бугунги кунда фирибгарлик, алдаш ва ишончни суистеъмол қилиш жиноятлари, афсуски, илдиз отиб борапти. Одамлар фирибгарларнинг гапларига дарров чув тушиб, алданиб қолаётганини ҳар кун интернет сайтлари, ижтимоий тармоқлар ва ойнаи жаҳон орқали эшитиб, кўриб бормоқдамиз.

Ҳўш, фирибгарлик нима, бировга фириб берган кишига муқаддас динимизда қандай жазолар тайинланган?

Аввало, мавзу тушунарли бўлиши учун «фириб» сўзининг маъносини билиб олиш мақсадга мувофиқ. Бу сўз форс тилида «алдаш», «йўлдан оздирish», «макр-хйла» деган маъноларни билдиради. Шу ишни қилган ёки буни касбга айлантириб олган кимса фирибгар дейилади.

Бугун фирибгарлик шу қадар чуқур илдиз отдики, у кириб борманган жой, соҳа қолмади ҳисоб: имтиҳонларда, тижоратда ва ҳатто никоҳ муносабатларида ҳам ёлгон оммавий қуролга айланди.

Холбуки, динимизда бировнинг молини алдов, фирибгарлик, чув тушириш йўли билан ўзлаштириш қаттиқ қораланади. Қуръони каримда бу ҳақда шундай баён этилган: «Мол ва бойликларингизни ўрталарингизда ботил йўллар билан емангиз. Шунингдек, била туриб, одамларнинг ҳақларидан бир қисmini гуноҳ йўл билан еиши мақсадида уни ҳокимларга ҳавола этмангиз» (Бақара сураси, 188-оят).

Сир эмас, кейинги пайтларда айрим кишилар одамлардан қарзга ёки шерикликка пул олиб, охир-оқибат уни қайтармай ўртада низо чиқиши, яқин кишилар бир-бири билан юзқўрмас бўлиб кетиш ҳолатлари кузатилмоқда. Албатта, зарурат учун қарз олиш ёки шериклик қилиш жоиз. Бироқ қарзини пайсалга солмай қайтариш, шерикликда ҳиёнат қилмаслик лозим. Пайғамбаримиз (с.а.в.) шундай марҳамат қилганлар: «Ким одамларнинг молини қайтариб бериш мақсадида олса, Аллоҳ таоло унга ёрдамчи бўлади. Ким одамларнинг молига талафот етказиш (чув тушириш) учун олса, Аллоҳ таоло унинг ўзига талафот етказди» (Имом Бухорий ривояти).

Айниқса, савдо-сотик вақтида харидорга фириб бериш, масалан, молнинг айбини яшириб сотиш ёки сохта молни асл мол деб сотиш энг оғир гуноҳдир. Қуйидаги ҳадислар бунга очик далилдир: Расулуллоҳ (с.а.в.) дон сотаётган одамнинг ёнидан ўтиб қолибдилар. Унинг дони орасига қўл тиқиб кўрсалар, намлиниб қолган экан. «Бу нимаси?», деб сўрадилар. Сотувчи: «Эй Расулуллоҳ, унга ёмғир тегибди», деди. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.): «Уни устига чиқариб қўймайсани, одамлар кўрар эли», дедилар ва: «Ким бизни алдаса, у биздан эмас», дедилар (Имом Ҳоким ривояти).

Фирибгарлик жиноятининг бугунги



кунда кенг тарқалган яна бир кўриниши порахўрлик ҳисобланади. Порахўрлик дунёнинг деярли ҳар бурчагида илдиз отган иллатдир. Амадорларнинг ўз вазибаларини суистеъмол қилиб, шахсий манфаатларини биринчи ўринга қўйган ҳолда давлат мол-мулкидан фойдаланиши жамиятнинг ривожланишдан тўхтаб қолиши, олдий халқнинг ислохотларга бўлган ишончининг йўқолиши, одамларнинг ўз ҳаётларини ўзгартиришга қаратилган ташаббусларининг йўқка чиқиши сингари ўта салбий ҳолатларга олиб келиши мумкин. Расулуллоҳ (с.а.в.) шундай деганлар: «Пора берганга ҳам, пора олганга ҳам, улар ўртасида воситачи бўлганга ҳам Аллоҳнинг лаънати бўлсин» (Имом Аҳмад ривояти).

Фирибгарликнинг бугунги кундаги яна бир кўриниши судхўрликдир. Исломи дини молни тижорат йўли билан кўпайтиришга ижозат беради. Аммо молни судхўрлик йўли билан кўпайтирмоқчи бўлганларни қаттиқ қоралайди ва судхўрликнинг озини ҳам, кўпни ҳам ҳаром қилди. Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: «Агар зино ва рибо бирон қавмда тарқалса, улар ўзлари учун Аллоҳнинг азоби келишига йўл очибдилар», деганлар (Имом Ҳоким ривояти).

Ҳақиқатга тик қарайдиган бўлсак, фирибгар кимса кимнингдир кўшнис ёки дўсти бўлиши мумкин. Бироқ лоқайдлик, сен менга тегма, мен сенга тегмайман, қабилидаги қайғайт хамон бизни тарк этмагани сабабли фирибгар, жиноятчи ва нияти бузуқ ғаламисларга орамизда бемалол ҳаракат қилиш имконини туғдириб бермоқдамиз. Бепарволик қилмасдан ўз вақтида ана шундай шахсларнинг қора қилмишларига чек қўйилишига ўз ҳиссамизни қўша олсак, аввало, бир бечорани талафотдан қутқариб қоламиз, қолаверса, жамият ривожига ҳисса қўшиб, муқаддас динимиз кўрсатмаларига риоя қилган ҳолда улуг ажрларга эришамиз.

Абдулқодир МУЛЛАБОВЕВ,
Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур
тумани Мунаввар қори жоме
масжиди имом-хатиби.

ДИНИЙ-МАЪРИФАТ



— Никоҳи бузилмасдан ота ўз қизини уйига олиб кетишга ҳаққи борми? Агар никоҳ бузилса, шарият бўйича фарзанд кимнинг қарамлиги бўлади? Агар эр хотиндан норози бўлса, у аёлни охиратда нима қутмоқда? Аёлнинг отаси оила бузилишига ҳомийлик қилса, айтайлик, адвокат, суд ҳақи, йўлки-рларни кўтарса ва фарзандларнинг етим қолишига сабаб бўлса, бунинг ҳам жавобгарлиги борми?

Ақбар ҚУРБОНОВ,
Фарғона вилояти.

Никоҳи бузилмасдан ота ўз қизини уйига олиб кетишга ҳаққи борми?

— Никоҳ талок билан бузилади, талокни эса фақат эр беради. Айрим ҳолларда хотин ҳам никоҳни бузишга ташаббус қилиб қозига (судга) мурожаат қилиши мумкин. Агар никоҳ бузилса ва эр-хотин алоҳида яшай бошласа, болаларга ҳақли киши онаси ҳисобланади. Уларнинг нафақаси ота зиммасида бўлади, она бунга мажбур қилинмайди. Болаларнинг онаси йўқлигида уларга ҳақли киши она тарафдан буви ҳисобланади. Кейин болаларнинг қатта опаси, сўнг ҳолалар ва кейин аммалар туради. Бу аёллар турмушга чиқса, улардан болаларга қадорлик соқит бўлади. Агар улар ажрашса, соқит бўлган ҳуқуқи яна ўзига қайтади.

Ўғил бола то ўзи еб-ичадиган, ўзи кийим кийиб, ўзи хожатга борадиган бўлгунча унга она ва буви ҳақли саналади. Агар бола бу ишларда ўзи мустақил бўлса, энди эркакларнинг одоб-ахлоқи билан зийнатланиши керак. Бундай одоб беришга эса ота

қодирроқдир. Хассоф раҳимахуллоҳ буни етти ёш деб белгиланганлар. Демак, ўғил бола еттига кирганда ота қўлига ўтиши керак. Қиз бола эса балоғатга етгунча она қўлида тарбия топади. Чунки у мустақил бўлган, то балоғатга етгунча аёллар одобини ўрганишга муҳтож бўлади. Бунга эса она қодирроқ. Балоғат ёшдан кейин қиз бола ҳимоя ва муҳофазага эҳтиёжманд бўлади. Буни эса ота ўринига олади.

Агар аёл эрга итотсизлик қилса ёки сабабсиз талок сўраса, шарият қоралаган ишларни қилган бўлади. Агар хотиннинг отаси қизига талок сўраш жоиз бўлган ҳаракатларга ҳомийлик қилса, бунинг гуноҳи йўқ. Аммо талок сўраш ножоиз бўлган ҳолатларда унинг бу ишларга аралашуви дуруст бўлмайди.

Мубашшир АХМАД,
Тошкент ислом институти
мударриси.

Одамларнинг «чоки» тушиши ростми?



— Мен уқаловчи бўлиб ишлайман. Ҳар бир музолажадан сўнг беморларнинг «юки» тушар эмиш. Шу гаплар ростми? Агар шундай бўлса, нима қилиш керак?

Дилдора ЗОКИРОВА,
Тошкент вилояти.

— Сиз ишингизда аврат ва номахрамлик масалаларига риоя қиласизми? Шунинг билан шунингиз зиммангизга фарз. Халол ишлаб авратдан сакланган ҳолатда «Бисмиллаҳ» деб ишласангиз, «юк тушиди» деган гаплар таъсир қилмайди. Валлоҳу аълам!

Абдулазиз ҲАБИЕВ,
Тошкент вилояти Қибрай тумани
Абдурахмон ибн Авф масжиди имом-хатиби.

Эрининг чўнтагидан сўрамасдан пул олиш мумкинми?



— Биздан шахсий эҳтиёжларимизга пул тополмай қайнамаган. Турмуш ўртоғимдан сўрасам, пули бўлатириб ҳасислик қилади. Шундай ҳаётларда унга билдирмасдан чўнтагидан пул оламиз. Айтинг-чи, хотин сўрамасдан эрининг чўнтагини қўзлаб, пулини олса бўладими?

Дилором ҲИҚМАТОВА,
Навоий вилояти.

— Муқаддас динимизда оила раҳбарлиги, масъулият эркак киши зиммасига юклатилган. Дарҳақиқат, эркак ўзининг жисмоний тузиллиши, ички ва ташқи қиёфаси, асабий, рухий, нафсоний ва бошқа жиҳатларидан оила раҳбари бўлишга мос қилиб яратилган. Бунинг устига, оилани қуриш ва уни тутиб туриш, бу йўлдаги барча сарф-харажатлар ҳам эркак киши зиммасида. У қатта меҳнат эвазига топишган молу мулкнинг беҳуда кетмаслиги лозимлигини ўйлайди, оилани мустаҳкам

ҳолда тутиб туришнинг чора-тадбирларини кўришга мажбур бўлади. Ушбу масъулиятга биноан, эркак киши оилани, жумладан, аёлга ҳомийлигини, уни боқилиши, муҳофаза қилишни адо этмоғи лозим. Агар зиммасига вожиб бўлган вазифани адо этмаётган, аёлининг нафақасини бермаётган бўлса, ундай ҳолда аёл нафақасига ярашсинани олишга ҳаққи бор. Валлоҳу аълам!

Ғазилдин ТОШЕВ,
Навоий вилояти Навбахор
тумани бош имом-хатиби.

Мана, 70 йилдирки, Яқин Шарқдаги ҳодисалар ёки минтақа можароси халқаро ҳаётнинг энг муҳим мавзуси бўлиб қоляпти. Энг йирик агентликлар ва ОАВ минтақанинг уч йўналишидаги зиддиятлар – Исроил-Фаластин, Исроил-Сурия, Исроил-Ливаннинг ечимланган ҳудудий ва ҳарбий-сиёсий низоини ёзишдан чарчагани йўқ. Тилга олганларимиз ичида энг қадимийси Исроил-Фаластин можаросидир. Утган йиллар мобайнида дунёнинг қудратли давлатлари – АҚШ ва Совет Иттифоқи, кейинчалик, АҚШ, Россия, Европа Иттифоқи ва БМТ орага тушишга уринди ҳамда турли тинчлик ташаббусларини илгари сурди. Аммо бу режалар ҳар дом ё Исроил ёки Фаластин томонидан рад этиб келинди.



«Аср келишуви» Фаластинга порами?

ЁХУД МАМЛАКАТ ҒУРУРИНИ ПУЛГА АЛМАШТИРМАЙДИ

АҚШ президенти Дональд Трамп 2016 йили ўзининг сайловолди дастурида Яқин Шарқ можаросига «малхам» топиш ниятини эълон қилди. Аммо бу даъво кўпроқ Исроилнинг манфаатларига хизмат қилди. Трамп 2017 йил декабрда Қуддусни Исроилнинг пойтахти сифатида тан олиб, АҚШнинг Исроилдаги элчихонасини Тель-Авивдан муқаддас шаҳарга кўчиришни эълон қилган бўлса, 2019 йилда Сурияга қарашли, аммо Исроил босиб олган Жўлон тепалиқларини «Исроил юрисдикциясидаги ҳудуд», дея эътироф этди. Бу билан арабларнинг ишончидан маҳрум бўлганга қарамай, 2019 йил июнь ойининг охирида Дональд Трамп маъмурияти «аср келишуви» деб ном олган шартнома лойиҳасининг иккинчи қисmini эълон қилди. Ушбу баландпарвоз номланган шартнома Фаластин-Исроил муаммосини барқарорлаштиришга оид Американинг янги режаси яширинган. Ок Уй раҳбарининг амбициали лойиҳаси тақдидоти учун халқаро майдон сифатида 25-26 июнь кунлари Баҳрайн пойтахти Манамада ўтказилган «Тинчликдан фаровонлик сари» номи конференция танланди. «Аср келишуви»нинг амалга оширилишидаги биринчи босқич «иктисодий тинчлик» бўлиши назарда тутилган гоҳин нафақат Трамп, балки Исроил Бош вазири Биньямин Нетаняху ҳам илгари сурмоқда.

«Иктисодий тинчлик»нинг моҳияти эса бизнес ва сиёсий масалалар қарорини ажратишдан иборат. Режа муаллифлари амалий алоқалар ўзаро ишончини йўлга қўйишга ва вақти келиб сиёсий тинчликни ўрнатишга хизмат қилишдан умидворлар. Бошқача айтганда, фаластинликлар Исроил билан тинчликда яшаш фойдали эканлигига, кейинчалик уларнинг ўзи ён бериб қоллишига ишонили керак. Бундай ўй-хаёлга нафақат минтақа давлатлари, балки АҚШнинг ўзи ҳам ишонмаса керак. Зеро, аксарият эксперт доираларда, «фаластинликларга фойдали келишув ўрнига таслим бўлиш таклифи билдирилишти», деган фикрлар янграмоқда.

Тинчликка зид жараёнлар

«Аср келишуви» ва унинг истикболларини муҳокама қилиш-

дан аввал араб-исроил можароси тарихига назар ташласак. Унинг расмий бошланиши 1947 йилга, аниқроғи, БМТ Бош Ассамблеяси тарихий Фаластин ерларини икки давлатга – араб ва яҳудийлар давлатига ажратиш, Қуддусга халқаро бошқарувдаги мақом берилишини қўзда тутган қарор қабул қилган пайтга тўғри келади. Бирок чинакам қарама-қаршилик 1930-йилларда бошланди.

Муаммони ечишга уринилмади, дейиш нотўғри, албатта. Ўтган ўн йилликлар мобайнида музокараларнинг барча эҳтимолий шакллари синаб кўрилди, энг экзотик ташаббуслар илгари сурилди, бирок тинчлик шартномаси имзоланмади. 1990-йилларда барқарорлаштириш тамойиллари келишиб олинди: «икки халқ учун икки давлат» ва «тинчлик эвазига ерлар», қолаверса, Фаластинда ўзини ўзи бошқариш органларини тузиш. Сўнгра Исроилнинг Иордан дарёсининг ғарбий соҳилида яҳудийлар учун манзилгоҳларни қуришга киришиб кетгани туфайли тинчлик жараёни жойида депсиниб қолди, 2010 йилдан музокаралар деярли боши берк қўчага кирди. Фаластинликлар босиб олинган ҳудудларда яҳудийлар манзилгоҳлари қурилиши тўхтатилишини талаб қилган бўлса, Исроил дастлабки шартлариз музокаралар бошланиш таклиф этди. Шундан сўнг вазият янада чиғаллашди.

Фаластин-Исроил можаросини барқарорлаштиришнинг мурраккаблиги унинг кўп қиррали эканлигиди. Бу шунчаки ҳудудий баҳс эмас. «Якуний мақом тўғрисида»ги келишув бешта муҳим масалани қамраб олиши шарт. Булар – чегаралар, Қуддус мақоми, Исроил хавфсизлигини таъминлаш, қочоқларнинг қайтарилиши, минтақа учун ҳаёт-мамонт масаласи бўлган сув ресурсларини тақсимлаш муаммоларидир. Бу жиҳатларнинг барчаси ўткир ва ҳар икки томон учун оғрикли мавзу. Ушбу пунктлардан бирортаси бўйича тушунивоқчилик тинчлик қарор топишини имконсиз қилиб қўяди.

Барқарорлаштиришнинг бизнес режаси

Дональд Трампнинг 2016 йилдаги сайловолди ваъдаси кейинчалик «аср келишуви» номи билан аталган ташаббусга айланди. 1993 йилдан бери Америка президент-

ларининг бирортаси араб-исроил зиддиятларининг Фаластин йўналишида жиддий силжишга эришолмагани учун бундай номланиш қайсидир жиҳатдан ўзини оқлайди. Трамп ёндашувидаги янгилик масала ечими билан шугулланишни Давлат Департаментига эмас, балки президент куёви – яҳудий миллатига мансуб, дипломатик иш тажрибасига эга бўлмаган, бирок Ок Уй раҳбарининг чекланмаган ишончига сазовор инсон Жаред Кушнерга топирилишида бўлди. Музокаралар бевосита Яқин Шарқдаги вазиятни тўғри баҳолайдиган адвокат Жейсон Гринблатга ишониб топирилди. Бу эса қузатувчиларни хушёр торттирди. Бирок чинакам ҳиссиётлар келишувнинг айрим иқри-қичирлари ОАВда босқичма-босқич пайдо бўла бошлаганидан кейин қайнаб бошлади. Ўзтиборлиси шундаки, у ёки бу гоҳга жамоатчиликнинг реакциясини текшириш учун ёки исталмаган музокараларни саботаж қилиш учун бундай ахборот сизиб чиқарилади.

Эски муаммоли Янги Фаластин

Нихоят, жорий йилнинг май ойи бошида ташаббус тасвирлари батамом ойдинлашди. Исроил журналистларининг аниқлашича, Трамп режаси Исроил, Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғини назорат қиладиган Фаластин миллий маъмурияти ва Ғазо секторини идора қиладиган Хамас иштиракида тинчлик шартномасига эришишни қўзда тутди. Натижада «Янги Фаластин» давлати дунёга келиши керак.

Яъни ушбу шартномага кўра, яҳудий манзилгоҳлари жойлашган Ғарбий соҳилдаги ерлар Исроил тасарруфида ўтади. Шу тарика Қуддус бирданига икки давлатнинг пойтахтига айланади, бирок шаҳар устидан, энг асосийси, муқаддас қадамжолар устидан назорат исроилликлар қўлида қолади. Бундай шарт Шаркий Қуддусни, айниқса, муқаддас масжидул Аксо жойлашган шаҳар қисмини ўзининг пойтахти сифатида орзу қиладиган Фаластин халқини қаноатлантирмаслиги табиий.

АҚШ томонидан Ғазо сектор учун ҳам алоҳида қарор таклиф этилмоқда. Фаластинликлар аэропорт жойлаштириш,

саноат қорхоналари қуриш ва кишлоқ экинлари етиштириш учун Мисрдан Синай ярим оролининг туташ ҳудудларини ижарага олишлари мумкин, бирок у ерда яшашга рухсат берилмайди. Айни пайтда Ғазо ва Иордан дарёси ғарбий соҳилини шоссё бирлаштириб турмоғи керак.

Янги Фаластин ўз армиясига эга бўлолмайди, мамлакатда факатгина оғир қуролсиз полиция қучлари фаолият юрита олади, ташки агрессиядан эса Исроил ҳимоя қиладди. Шундай қилиб, яҳудийлар давлати бутун тарихий Фаластин чегаралари ва ҳаво бўлиши устидан назоратни сақлаб қолади. Охириги йилларда Исроил билан мунтазам қарама-қаршиликка борган ХАМАС ҳаракатининг тўлиқ қуролсизланиши шарт қўйилади. Бу — битимнинг сиёсий қисми. Аммо АҚШ маъмурияти унинг тафсилотларини АҚШдаги президентлик сайлови арафасида расман эълон қилишни маълум қилди.

«Аср келишуви»нинг энг муҳим қисми молиявий масала ҳисобланади. Тинчлик жараёнини молиялаштиришни қисман АҚШ ва Европа Иттифоқи ўз бўйига олади, бирок инфратузилмаларни ривожлантириш, ер ижараси тўлови ва бошқа харажатларнинг 70 фоизи Форс кўрғазига нефть бизнесини юртдайдиган тадбиркорлар томонидан қопланиши белгиланган.

Кушнер ҳикоя қилган чоралар Фаластин ва қўшни давлатларда 50 миллиард доллар ҳажмдаги давлат ҳамда ҳусусий инвестицияларни жойлаштиришни қўзда тутди. Бу фаластинликлар учун камда 1 миллион иш ўрни яратишга, шунингдек, Фаластин миллий администрацияси (ФМА)нинг ялпи ички маҳсулотини 10 йил мобайнида икки баробарга ўтатишга имкон беради. Бу маблағнинг 28 миллиарди ФМА ва Ғазо сектори иқтисодиётини ривожлантиришга сарфланади, 7,5 миллиард Иордания, 9 миллиард Миср ва 6 миллиард Ливан ҳудудидаги фаластинликларга берилди. Ок Уйнинг ташаббуси Фаластиндаги инфратузилмавий, саноат, тиббиёт, саноат ва таълим соҳаларидаги 100 дан зиёд лойиҳани амалга оширишни қўзда тутди. Умуман олганда, ниҳоятда манфаатли кўринган бу режа фаластин халқининг тарихида янги, яъни эркинлик

ва гуруридан маҳрум этадиган саҳифани очди, қолос.

Замини пуч гоё

Таъкидлаш лозим, «аср келишуви»нинг амалга ошиши ҳақиқатдан анча йироқ. Зеро, фаластинликлар Ғарбий соҳилининг ярим ҳудудини топириб, ўзлари томошабин бўлиб ўтиришини, ўзини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга бўлмаган давлатда яшашга розилик беришини тасаввур қилиш қийин. Ўз пойтахтини Шаркий Қуддусда жойлаштириш гоҳидан воз кечиши ҳам шубҳали. Ҳозирча уларга атиги Абу-Дис масканини бериш таклиф этилмоқда. АҚШ режасида Яқин Шарққа сочиб юборилган бир неча миллион фаластинлик қочоқларнинг қайтарилиши ҳақида ҳам ҳеч нарса дейилмаган. ХАМАСни қуролсизлантириш фантастик ҳикояга ўхшаб кетади.

Ишонч билан айтиш мумкинки, иш бундай сценарий асосида ривожланмайди. «Аср келишуви» муваффақиятига АҚШнинг ўзи ҳам ишонмайди. Ўзтиборлиси шундаки, Давлат котиби Майкл Помпео келишув факат Исроилга ёқинлигини ошқора тан олди. Фаластин раҳбари Махмуд Аббоснинг фикрича, аввалдан ёлгон устига қурилгани учун «аср келишуви»нинг келажаги йўқ. ФАТҲ Ок уйнинг «аср келишуви» деб аталаётган ушбу режасини «фаластин халқига таклиф қилинаётган ва араб пулларига асосланган пора» деб атади. Ташкилот АҚШнинг таклифи ҳақиқатда мушаккал давлатни орзу қиладиган фаластинликлар умидларига чек қўяди, деб ҳисобламоқда. ФМА форумини бойкот қилгани сабабли айрим араб давлатлари, жумладан, Ироқ ва Ливан ҳам Манама анжуманида қатнашишдан бош тортди.

Бир сўз билан айтганда, «аср келишуви» Исроил давлати ҳеч қачон Фаластинга том маънодаги мустақилликни тухфа этишни хоҳламаслигини намойиш этди. Шундай бўлиши турган гап. Чунки Фаластин Осиё, Африка ва Европа чоррачаси туташган нуктада жойлашгани билан қўлай жўғрофий, стратегик аҳамиятга эга.

Абдували САЙБНАЗАРОВ,
сиёсий шарҳловчи.

Ўзбекистонда янги ҳарбий-академик лицейлар ташкил этилди.

«Ўзбекистонда қиличбозлик спорти ривожига ҳисса қўшишни истаётман»

Яқинда юртимиз ва жаҳон оммавий ахборот воситаларида мексикалик қиличбоз Паола Плиго Ўзбекистон терма жамоаси таркибига қабул қилингани ҳақида хабарлар тарқалди. Ушбу янгилик дунёнинг нуфузли интернет нашрлари бош саҳифаларидан жой олди. Ижтимоий тармоқларда кенг муҳокама қилинди.



Хабарларда Мексика қиличбозлик федерацияси билан муаммолар туфайли спортчи бир неча йилдан буён халқаро мусобақаларда иштирок эта олмаётгани, бу эса унинг фаолиятига салбий таъсир этаётгани айтилган. Шу боис Паола Ўзбекистон байроғи остида азалий орзуси — жаҳон чемпионати ва ёзи Олимпиадада ғолиб чиқишга қарор қилгани таъкидланган.

Айни кунларда Будапешт шаҳрида бўлиб ўтаётган жаҳон чемпионатида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилаётган спортчи билан сафар олдида мавзуга доир фикрлари, фаолияти ҳамда келажақ режалари ҳусусида суҳбатлашдик.

«Бундай тавозени дунёнинг ҳар ерида ҳам учратавермайсиз»

— Авваламбор, Ўзбекистондалигимдан, бундан кейин халқаро мусобақаларда ушбу бетакрор юрт шарафини ҳимоя қилишдан бахтиёр эканимни айтиб ўтмоқчиман, — дейди Паола. — Ўзбекистон — таърифлашганидан ҳам гўзал мамлакат экан. Келганимга ҳали унча кўп бўлгани йўқ, аммо бу ерда мени хайратга солган воқеалар, хаяжонли лаҳзалар кўп бўлди. Гўё ушбу мамлакатда узок йиллардан буён яшаётган-

декман. Айниқса, ўзбекларнинг юзи, қора кош-кўзларини худди мексикаликларга ўхшатдим. Одамларингиздаги самимийлик, мулоимлик, очикюзлик, меҳмондўстликка чин дилдан ҳавасим келди. Очиғи, бундан бироз хайратландим ҳам. Боиси бугун бундай тавозени дунёнинг ҳар ерида ҳам учратавермайсиз.

Терма жамоа аъзолари билан тезда дўстлашиб олдим. Улар янги муҳитга мослашишим учун мендан барча ёрдамларини аямади. Машғулотлар жараёнида шунга амин бўлдимки, Ўзбекистонда маҳоратли қиличбозлар жуда кўп экан. Айниқса, Шерзод Мамутов, Пазилбек Генжебаев, Бобуржон Расулов, Севинч Исмоилова ва Зайнаб Дайибкова каби ёшларнинг шижоати ва ғайратига қойил қолдим. Энг асосийси, улар ўз олдида жиддий максадлар қўйган.

Ўзбекистон — дунёда спорти жадал ривожланиётган давлатлардан бири саналади. Бунинг ўзбек атлетларининг охириги йилларда халқаро майдонларда қайд этаётган оламшумул натижалари ҳам исботлаб турибди. Биргина 2016 йилги ёзи Олимпиада ўйинларида эришилган ютуқлар, қўлга киритилган ғалабалар мамлакатда ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши учун

яратилган шароитлар самараси деб биламан. Қолаверса, шахсан Президент томонидан соҳани янада ривожлантиришга юксак эътибор қаратилаётгани таҳсинга лойик.

«Кимнидир айбдор қилишни хоҳламайман»

Ҳар бир спортчи халқаро мусобақаларда иштирок этиб, шоҳсуфага кўтарилишни, чемпион бўлишни истайдми. Бунинг учун астойдил тер тўқади, орзулари сари интилади. Йўлда учраган барча тўсик ва қийинчиликларни мардонавор енгиб ўтади.

Шу максалда мен ҳам 2016 йил Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтган ёзи Олимпиада ўйинларига астойдил тайёргарлик кўрдим. Барча ҳаракат ва уринишларим Олимпиадада ғалаба қозонишга қаратилган эди. Аммо бу ҳаётда ҳамма нарса сен ўйлаганчалик бўлавермас экан. Афсуски, мусобақага санокли кунлар қолганида воқеалар буткул ўзгариб кетди. Таққиланган моддалар қабул қилганлигим ҳақидаги тушунарсиз чекловлар туфайли Олимпиада ўйинларида иштирок эта олмадим. Энг ачинарлиси, мусобақа якунлангач, буларнинг барчаси уйдирма эканлиги маълум бўлди. Тўғриси, ўша пайтда қаттиқ тушқунликка тушиб қолгандим. Фақат синглим Фернанда ва онам Холда Плигонинг руҳан қўллаб-қувватлаши туфайлигина яна спортга қайта олдим. Сўнг фаолиятимда янги саҳифа очиш кераклигини, янги максадлар, янги ғалабалар сари интилишим ва бу йўлда муҳим қарор қабул қилишим лозимлигини тушуниб етдим. Шу орада Ўзбекистон терма жамоасидан таклиф бўлди ва мен уни бажонидил қабул қилдим. Бирок бўлиб ўтган воқеалар ҳақида батафсил гапиришни, кимнидир айбдор қилишни хоҳламайман. Афсуски, шу кунларда чет

эл оммавий ахборот воситалари орқали мен ҳақимда кўплаб ёлғон хабарлар, асоссиз маълумотлар тарқатилмоқда. Одамлар менга алоқаси бўлмаган нарсалар ҳақида гапиришмоқда. Ўйлайманки, бу яхши ҳолат эмас.

Мен спортчиман ва спорт билан шуғулланаман. Бу борада фақатгина натижаларим билан кенг жамоатчилик эътиборига тушишни, ажойиб ғалабаларим орқали муҳлислар меҳрини қозонишни истаётман.

«Қиличбозлар худди шахматчилар каби ҳаракатланади»

Мен ва синглим Фернанда болалигимиздан қиличбозликнинг сабля йўналиши билан шуғулланамиз. Онам ажойиб спортчи ва шпага йўналиши бўйича мураббий Холда Плиего синглим иккаламизнинг биринчи устозимиздир. Яқинда синглим Фернанда Тошкентда бўлиб ўтган қиличбозлик бўйича «Олимпия умидлари» Республика очик чемпионатида фахрли 1-ўринни қўлга қиритди. Бугун эришаётган ютуқларимизда онамнинг хизматлари бекиёс.

Спорт шундай соҳаки, бу оламга қадам қўйган ўғил-қиз мағлубият ва ғалаба билан юзлашади. Қўтилимаган жараҳатлар, муваффақиятсизликлар сабрингни, иродангни синайди. Буни фақат омадсизликка учраган спортчилар ва, албатта, ҳақиқий мураббийларгина тушуна олади. Аммо моҳир атлет бўлишни орзу қилган киши мағлубиятдан чўчимаслигини, таслим бўлмаслигини, олдида қўйган максадларидан асло чекинмаслигини лозим. Спортда ҳар бир арзимас жиҳатга ҳам жиддий эътибор қаратиш талаб этилади. Аке холда мағлубиятга учрашинг тайин. Агар машғулотлар жараёнида хато ва камчиликлар устида астойдил меҳнат қилинса, мураббийларнинг кўрсатмаларига қўлоқ тўтилса, ғалабалар ўз-ўзидан келаверадми. Айтмоқчиманки, моҳир спортчи бўлиш осон эмас. Энг асосийси, бунга ўзингиз ва яқинларингизни ишонтира олишингиз керак.

Қиличбозликда атлетдан биринчи ғалда гимнастика ва акробатика усулларининг хабардор бўлиш, шахматдаги каби қучли ва пухта ўйланган тактика талаб этилади. Ғалаба қозониш учун моҳир шахматчилар каби мантикий фикр юрита олиш жуда муҳим. Агар беллашувдан олдин ёки жанг пайтида рақибингга қарши режа билан ҳаракат қилмас

МАЪЛУМОТ ЎРНИДА:

Паола Плиго 1994 йил 27 сентябрда Мексика пойтахти Мехикода таваллуд толган.

У тўрт ёшлиғида қиличбозлик билан боғлиқ спектрли томоша қилганидан сўнг спортнинг ушбу турига қизиқиб қолган.

Паола 2013–2014 йилги мавсумни Халқаро Қиличбозлик Федерацияси(FIE)нинг ёш саблячилар рўйхатида 150 очко билан биринчи ўринда якунлаган. Қолаверса, ўша мавсумда у ёшлар ўртасида жаҳон чемпионлигини қўлга киритган.

экансан, мағлуб бўлишинг аниқ. Энг муҳими, диққатни йўқотмаслик, фикрни бир жойга жамлай олиш лозим.

«Қиличбозликда жараҳат олиш эҳтимоли кам»

Қиличбозликнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у инсон танасидаги барча мушакларни фаол ҳаракатлантиради. Айниқса, ушбу спорт тури билан шуғулланган болаларнинг координацияси, тезкорлиги, чидамлилиги, зехни ортади, қоматни тик тутишни ўрганади. Махсус нисиб – сетка остида қарши рақиб билан инсонда кўриш қобилияти яхшиланади. Қолаверса, қиличбозлик нафас олиш ҳамда юрак-кон томир тизими фаолиятини мустаҳкамлайди, кишини орпикча вазндан ҳалос этади. Ҳатто, бир неча соатлик машғулотлар жараёнида спортчи икки ярим килограммгача озиши мумкин. Камҳаракатлилик долзарб муаммо сифатида қаралаётган бугунги кунда спортнинг мақсуд тури кўпчиликка маъқул келиши, шубҳасиз. Шунингдек, қиличбозлик контакtsiz жаккаураш бўлиб, атлетларнинг жараҳат олиш эҳтимоли жуда кам.

«Энг катта орзуим — Токио Олимпиадасида совриндор бўлиш»

Япония пойтахти Токио шаҳрида бўлиб ўтаётган тўрт йилликнинг нуфузли спорт анжумани — ёзи Олимпиада ўйинларида ҳам оз мудат қолмоқда. Мусобақа яқинлашгани сари ҳар бир спортчида хаяжон икки ҳисса ортади. Насиб қилса, Олимпиадада муваффақиятли иштирок этиб, Ўзбекистон терма жамоасига тарихда ilk бор қиличбозлик йўналишида Олимпиада ўйинлари медалини тақдим этмоқчиман. Бу йўлда эса бор қуч-ғайратим ва истисодимни ишга солишга тайёргарман ва билдирилган ишончларни оқлашга ҳаракат қиламан.

Саъдулло ТУРСУНОВ
ёзиб олди.
«Mahalla»

ДАРВОҚЕ...

Қиличбозликнинг учта – сабля, рапира ва шпага каби йўналишлари бор. Шпага йўналиши билан, одатда, бўйи баланд ўғил-қизлар шуғулланади. Сабля ва рапира билан машқ қилиш учун эса бўй-бастнинг аҳамияти йўқ. Бунда қизқувчининг чаққонлиги, эпчиллиги муҳим аҳамиятга эга.



Жавохир Синдоров мамлакат чемпиониға айланди.

HAMKORBANK

BIRGALIKDA YUKSALISH SARI

Ўтган йилнинг 15 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳлар, масжидлар ва қабристонларни ободонлаштириш ишларини самарали ташкил этиш тўғрисида»ги 120-сон қарори қабул қилинган эди. Мазкур ҳужжатда ёшларни миллий қадриятларимизга ҳурмат ва садоқат руҳида тарбиялаш, уларда муқаддас масканларни сақлаш, қадрлаш, аждоқлар хотирасига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш тўғрисидаги шартларни, шунингдек, ватандошларимизни юртимиздаги қадамжолар, зиёратгоҳлар, масжидлар ва қабристонларни обод қилишдек эзгу ишларга фаол жалб этиш, бу борадаги маънавий-маърифий тарғибот ишларини янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилган.

«HAMKORBANK»НИНГ ҲИММАТИ




«Hamkorbank» биринчилардан бўлиб ушбу қарор ижросига киришди. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг вилоятдаги вакилиги тавсиясига кўра, Андижон шаҳридаги Довудхон тўра жоме масжидини ҳомийлик асосида мукаммал таъмирлаб бериш юзасидан қарор қабул қилинди.

НЕГА ДОВУДХОН ТЎРА МАСЖИДИ ТАНЛАНДИ?

Шуни айтиш керакки, ушбу масжидга бундан 120 йил аввал Довудхон тўра исмли бадавлат инсон томонидан асос солинган. 1902 йили Андижонда рўй берган zilzilada сезиларли даражада зарарланганга қарамай, енгил таъмирлаш ишларидан сўнг фаолиятини давом эттирган. Собит шўролар даврида, яъни 1929-1955 йилларда ёпиб қўйилган. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасининг «Вилоят эркинлиги ва жамоат ташкилотлари тўғрисида»ги қонунига биноан, эмин-эриш ибодат қилиш имконияти яратилди. Мазкур масжидга Андижон туманидаги «Қоратут», «Чем», «Дархон», «Гумбаз», «Терактаги», «Қўшчино» каби 15 та фуқаролар йиғини ва Андижон шаҳрининг «Фуркат» кўчасидаги кўп қаватли уйлар ҳамда хонадонларда истиқомат қилувчи намозхонлар ташриф буюради. Бу ерда бир пайтнинг ўзига 900 нафар мусулмонлар намоз ўқишлари мумкин бўлган. Диний байрамлар ва жума кунларида намозхонлар ичкарига сиймай, очик айвонда ибодат қилишар эди.

КАНДАЙ ЎЗГАРИШЛАР ҚИЛИНДИ?

Энг аввало, масжиднинг олди фасади замонавий ва




Ҳақиқ
Саҳий киши Аллоҳга яқиндир, жаннатга яқиндир, одамларга яқиндир, жаҳаннамдан ўзгакдир.

Шўрт тоифа борки, қўлатида савобсиз, сўроқсиз, жаннатга кирмади. Улардан бири ҳамак мот-ишқ орғийтирган, сўнгра рўёга берилмай, кўз-кўз қилмай, бу молани Аллоҳ йўлида харжлаган саҳий кишидир.

мумтоз меъморлик андозалари асосида бутунлай қайта қурилди. Саҳн майдонининг усти енгил металл конструкциялари энг илғор қурилиш материаллари билан ёпишди. Кишиларга эстетик завқ-шавқ ва салкин ҳаво бағишловчи фаввора чиқарилди. Айвонга брусчатка ётқизилди. Кези келганда таъкидлаш лозимки, шифт дизайни учун Москва шаҳридаги Внуково аэропортидан андоза олинди. Қатор терилган устунлар худди Мадина шаҳридаги масжиди Набавияни эслатади. Уларнинг ҳар бирига вентиляторлар ўрнатилди. Ибодат учун мўлжалланган кўркам гилам-поллар билан жиҳозланди. Бу ишларни бажаришда «Хамкор Юксак қурилиш», «Водий санюат хамкор», «Водий электро монтаж», «Водий кафолат имкони» каби қурилиш ташкилотлари бунёдкорлари алоҳида жонбозлик кўрсатдилар. Улар атиги уч ярим ой ичида

даги 15 та маҳалла фуқаролар йиғинидан 200 нафардан зиёд намозхон, фуқаролар йиғинлари раислари, шунингдек, Андижон шаҳридаги жоме масжидларининг имомлари, меҳнат фахрийлари, жамоатчилик вакиллари қатнашди. Маросимда сўзга чиққан



қарийб 2 миллион сўмликдан зиёд қурилиш-монтаж ва таъмирлаш ишларини адо этдилар. Бунинг натижасида масжиднинг ҳажми икки баробарга кенгайди. Энди бу ерда бирданига 2 минг нафардан зиёд намозхон ибодат қилиш имкониятига эга бўлди.

ТАҚДИМОТ

Шу йилнинг 14 июль куни масжиднинг тақдимот маросими ўтказилди. Яқин атроф-

«Hamkorbank» АТБ Кенгаши раиси Икромжон Ибрагимов йиғилганларни сайқалланган ва янгича киёфа касб этган жоме масжиди билан самимий муборакбод этди. Шунинг баробарида у мамлакатимизда олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсатиға ҳамоҳанг равишда банк жамоаси жойлардаги масжид ва қабристонларни таъмирлаш ва ободонлаштиришга бундан кейин ҳам муносиб ҳисса қўшишлари

тўғрисида ўз мулоҳазаларини баён этди.

«Қўшчино» маҳалласи фаоли Аскаралли Назаров, Довудхон тўра жоме масжиди имом-хатиби Абдувахоб Мадрахимов, масжид ноиб Муҳаммадсойиб Баҳромовлар бундай эзгу амалларни чин қўнгилдан, ҳолис рўёбга чиқарган банк ходимлариға самимий миннатдорлик билдирдилар.

Тақдимот муносабати билан банкнинг «Орзу» ресторанида бир пиёла чой устида маънавият ва маърифат зиёфати уюштирилди. Унда эл севган санъаткорлар — Ўзбекистон халқ ҳофиси Илҳом Иброҳимов, наманганлик ҳушнов хонанда Хусанбой Раҳимов ўзларининг дирабо қўшиқлари билан йиғилганларға хуш кайфият бағишладди.

ЯНГИЛИК ЭМАС, АНЪАНА

— Хайрли ишларни рўёбга чиқариш «Hamkorbank» учун янгиллик эмас, балки яхши анъана, — дейди Бирлашган қасаба уюшмалари қўмитаси раиси Шўқрулло Нейматов. — Кейинги беш йилда мусулмонлар, христианлар ва яҳудийларға тегишли 15 та қабристонда кенг кўламли қурилиш ва таъмирлаш ишларини олиб бордин. Андижон шаҳридаги «Садовое» ва яҳудийлар қабристонидидаги ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва таъмирлаш ишларидан хабар топан Россия, Исроил, АҚШ давлатларида яшовчи ҳамюртларимиз жамоамизға ўнлаб миннатдорлик мактубларини йўлладилар. Мана шу эътибор, чин қўнгилдан билдирилган ташаккурномалардан руҳланиб, масжид ва қабристонларни ободонлаштириш ишлари изчил давом эттирилмоқда. Зотан, саховат ва меҳр-оқибат, ўзгалар ёрдамиға муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш, кексаларға ҳурмат ва иззат, истеъдодли ёшларға рағбат банкимизда ишлаб чиқилган «корпоратив этика кодекси»да тўла-тўқис ўз ифодасини топан. Ана шу ғоя ва миллий мафкурамизға асосланиб эзгу амалларни давом эттиравемиз.

Абдумутал АБДУЛЛАЕВ
«Mahalla»

Хизматлар лицензияланган.



ТАЪЛИМ

Президент
мактабларига
саралаш имтиҳон
натижаларини
қандай билса бўлади?

— Ўғлим жорий йилнинг 29 июнидан 2 июлига қадар ўтказилган Президент мактабларига саралаш имтиҳонларида ўз билимини синовдан ўтказди. Айтинг-чи, имтиҳон натижаларини қандай билиш мумкин?

Мархабо ҚОДИРОВА.
Наманган вилояти.

Ихтиёр
МАХМАТҚУЛОВ,
Халқ таълими
вазирлиги бош мутахассиси:



— Президент мактабларига ўтказилган саралаш имтиҳонлари натижалари 16 июль кун

Cambridge Assessment International Education ташкилоти веб-сайтида эълон қилинди. Тест натижаларини ушбу ҳавола орқали кўриш мумкин: <https://www.admissionstesting.org/pre-selection-results/>

Кўрсатилган веб-сайтга кирганингиздан сўнг талабгор топширган ҳудудини танланг (Тошкент, Қорақалпоғистон Республикаси ва ҳоказо). Кейин эса Президент мактабларига топширган синфнинг танланг (5-, 6-, 7-, 8-, 9-, 10-синф). Номзоднинг натижаларини билиш учун қилириш тугмасини босиб (Ctrl+F), сизга тақдим этилган 11 рақамли махсус идентификация рақамини теринг ва Enter тугмасини босинг.

Якуний босқич имтиҳонларига ўтган номзодлар – жадвалининг юқори қисмида кўк рангда белгиланган бўлади. Имтиҳонлардан ўта олмаган номзодлар эса – оқ ранг билан белгиланган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 июнь 526-сонли қарорининг «Президент мактаблари тўғрисидаги Низом» 41-бандига асосан, Президент мактабларига кириш имтиҳонлари натижаларини текшириш ва талабгорларнинг жавоблари натижаларини баҳолаш таълим соҳасида фаолият юритувчи хорижий ташкилот — Cambridge Assessment International Education томонидан амалга оширилади. Натижалар аноним тарзда эълон қилинади. Номзоднинг шахсий маълумотлари кўрсатилмайди.

Асосий имтиҳонлар жорий йилнинг 21-24 июль кунлари ўтказилиши режалаштирилган.

ХУҚУҚИЙ ТУШУНЧА

Кам таъминланган оилаларга нафақа тайинлаш тартиби ўзгардимми?



— Мен Андижон вилоятида доимий рўйхатда тураман. Ҳозирда оилам билан Тошкент шаҳрида истиқомат қиламан. Яқинда кам таъминланган оилаларга нафақа ажратиш тартибига ўзгартириш киритилгани ҳақида эшитдим. Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Дилшод НУРМАТОВ.
Андижон вилояти.



тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига

Ўғилой ҲУРОЗОВА,
Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши бўлим бошлиғи:

— 2019 йил 15 июль кун

ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Унга кўра, 8-10 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига 1 ҳодим ҳисобидан туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларининг малакали мутахассислари бириктирилади. Улар маҳаллалардаги мавжуд вазиятни ўрганиб, аҳоли бандлигини таъминлаш борасида фуқаролар йиғини билан бевосита ҳамкорликда иш олиб боради.

Шунингдек, эндиликда ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган ёки болали оилаларга нафақа ва моддий ёрдам ариза берувчининг яшаш жойи (доимий ёки асосан яшаб турган жойи) бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан тайинланиши белгиланди.

Нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш учун ўртача ойлик жами даромадни ҳисоблаб чиқишда «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастури доирасида микрокредит олинганда охириги 12 ойда оливлан тадбиркорликни амалга оширишда олинган даромадлар оиланинг жами даромадига киритилмайди.

TRANSPORT

Алимент миқдорини камайтириш ёки алимент тўлашдан озод қилиш мумкинми?



— Икки нафар фарзандим билан биринчи турмушимдан ажрашганман. Шундан сўнг қайта оила қурдим. Айни пайтда яна 3 нафар фарзандимнинг отасиман. Биринчи никоҳимдаги фарзандларимга алимент тўлаш ва оиламни моддий таъминлашга қийналялман. Айтинг-чи, шундай вазиятда қонунда тўланаётган алимент миқдорини камайтириш ёки алимент тўлашдан озод қилиш мумкинми?

Ҳамид МУСАЕВ.
Тошкент вилояти.

Бекзод ГАДОЕВ,
Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа туманлараро суди судьяси:

— Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 105-моддасига асосан, алимент тўлаётган ота-онанинг бошқа вояга етмаган болалари бўлиб,

ундан қонунда белгиланган миқдорда алимент ундирилганда ўша болалар алимент олаётган болаларга нисбатан моддий жиҳатдан камроқ таъминланиб қоладиган бўлса, шунингдек, алимент тўлаётган ота (она) ногирон бўлиб, моддий жиҳатдан қийналиб келаётган бўлса ёки алимент олаётган

шахс мустақил даромадга эга бўлган тақдирда, алимент миқдори суд томонидан камайтирилиши мумкин.

Агар вояга етмаган бола давлат ёки нодавлат муассасаларининг тўлиқ таъминотида бўлса, суд алимент тўлаётган ота ёки онанинг моддий аҳолини ҳисобга олиб, тўланаётган алимент миқдорини камайтириш ёки уни алимент тўлашдан озод қилиш ҳақида ҳал қилув қарори чиқариши мумкин.

Алимент миқдорини камайтириш ёки уни тўлашдан озод қилиш учун асос бўлган ҳолатлар тугатганда манфаатдор тараф алимент қонунда белгиланган миқдорда ундирилишини талаб қилиб, судга мурожаат этишга ҳақи.

МУЛК

Соғлигим ёмонлашганда нима қилишим керак?



— Якка тартибдаги тадбиркор соғлиғи туфайли маълум вақтга фаолиятини тўхтатиб турадиган бўлса, нима қилиши керак?

Жасур РАҲМАТОВ.
Тошкент шаҳри.



Ақмал НАЗАРОВ,
Давлат солиқ қўмитаси мутахассиси:

— Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 373-моддасига асосан, агар якка тартибдаги тадбиркор ўз фаолиятини муайян муддатга тўхтатса, у ўз фаолиятини тўхтатганига

қадар тадбиркорлик субъектини рўйхатдан ўтказувчи органга фаолиятини вақтинчалик тўхтатиш тўғрисида ариза бериш билан бир вақтда, давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномани

топширади.

Якка тартибдаги тадбиркорнинг фаолияти вақтинча тўхтатилганлиги ёки қайта тикланганлиги тўғрисидаги аризани олган тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи орган келгуси иш кун

тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органнинг якка тартибдаги тадбиркорнинг фаолияти вақтинчалик тўхтатилганлиги тўғрисида тақдим қилинган ва давлат солиқ хизмати органлари томонидан олинган ахборот якка тартибдаги тадбиркор ўз фаолиятини амалга оширмайдиган давр учун қатъий белгиланган солиқни ҳисоблашни тўхтатиб туриш учун асос бўлади.



МУАССИС:

ФУҚАРОЛАРНИНГ
ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ
ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ
МУВОФИҚЛАШТИРИШ БҮЙИЧА
РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ



ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ
ҒАЗЕТА



Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида
2017 йил 6 сентябрда
0019 рақами билан
қайта рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр
АБДУСАТТОРОВ

Нашр навбатчиси: Ю. Хожиева
Мусаххиллар: Н. Азимова,
М. Назарова
Навбатчи: У. Ибодинов
Дизайнерлар: Э. Муратов
И. Болтаев

Нашр кўрсаткичи: 148

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри, Мустақиллик
шоҳқўчаси, 59-уй. Индекс: 100192
Телефонлар:
Қабулхона: 71 233-39-89,
Котибият: 71 237-56-80,
Факс: 71 233-10-73.
Баҳоси келишилган нархда.

Ғазета тахририят компьютер марказида
саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буюк Турон қўчаси, 41-уй.
Формати — А-3, 8 босма
табук,
23053 нусхада чоп этилди.
Буюртма Г-745
Топширилди — 00:50